

Рон Брэкин



ҚУВФИНЛАР  

---

ЛАЗЗАТИ

Рон Брэкин

# ҚУВФИНЛАР ЛАЗЗАТИ

Бир ойлик ибодат қилиш учун  
қувғин қилинаётган жамоатга оид  
қўлланма

## **Бағишлов**

*Күзи бешинчи мұхрни бузганда, Худонинг  
каломи ва берган шаҳодатлари туфайли шаҳид  
бўлганларнинг жонларини қурбонгоҳ поясида  
кўрдим.*

Ваҳий 6:9

Китоб вафодор дўстларим, сингилларимга севги  
ва миннатдорчилик ила бағишланади

*Кўрқма, Мен сен билан.*

Ибтидо 26:24

## Муқаддима

Қачонлардир кимдир шундай деган: “Янги Аҳддан қувғинларни чиқариб ташланг — китоб юпқагина брошюрага айланади–қолади”. Рон Брэкен ўзининг “Кувғинларнинг лаззати” номли китобида ўқувчиларни Янги Аҳдни чуқур ўрганишга ва Худо Каломи таъқиблар ҳақида нима дейиши тўғрисида атрофлича билиб олишга таклиф қиласди. Агарда бунга таъқиб қилинувчи жамоатни ташкил қилувчи биродар ва сингилларимизнинг ҳикоя ва гувоҳликларини қўшадиган бўлсак, сиз ишонарли номага ва ёрқин ваъзга эга бўласиз.

Аммо таъқибларда қандай лаззат бўлиши мумкин? Яқиндагина биз Суданда Масихдаги бир сингил билан танишдик. Унинг эри эътиқоднинг асири эди. Аёл эри-ни ҳукм қилган зўрлик сиёсатига қарши чиқди ва шунинг учун тuya қамчини билан ўттиз дарра жазо олди. Агар яна шунга ўхшаш вазият туғилгудек бўлса, аёл яна худди шундай йўл тутадими деб сўрашга журъят этганимизда, унинг ажойиб ва ботир юзига бир бокишнинг ўзи кифоя эди!

“Очиқ эшиклар” халқаро ташкилоти, мана қирқ беш йилдирки, таъқибга учраган ва азоб чекаётган жамоаларни қўллаб-қувватлаб келмоқда, бироқ фақат сўнгги вақтларда Масиҳ Танаси узоқ чўзилиб кетган мусибатлар даврини бошидан кечираётганини гарб жамоаси тушуна бошлади. Таъқиблар бизга орқаваротдан маълум эмас. Биз таъқибларни жамоанинг ачинарли ҳолатини айтишга тинимсиз чақириқ сифатида қабул

қиламиз. Мана шу мақсадда ушбу қўлланмани ибодат қилиш учун яратишни лозим топдик.

Кўлланмани ўқиб чиқинг, орангизда бефарқлар бўймасин. Гўёки биз асирикдаги маҳбусларнинг биродарларидаи, уларни эсдан чиқармаслигимиз керак. Эсимда йўқ, “илгор позициялар”даги масиҳийларни неча бор бориб кўрганимда, доимо қуидагича сўзларни эшитардим: “Бизни эсдан чиқариб юборгансиз, деб ўйлаймиз...” Уларни бориб кўринг ва кўнгилларини кўтаринг — баъзида улар шундан бошқа нарсани сиздан талаб қилишмайди.

*Йоган Компанъен*

# Кириш

Янги Аҳд — бу Худо севгисининг буюк ва такрорланмас тарихининг намоён бўлишиидир. Лекин унда севгининг иккинчи буюк намоён бўлиши ҳақида гапирилади.

Худо Ўзининг яккаю ёлғиз Ўғлинни биз нажот топишмиз эвазига тасаввур қилиб бўлмас баҳо сифатида жўнатганда, севги биринчи бор намоён бўлган эди. Иккинчи бор эса — Худо Ўзининг гуноҳи ювилган фарзандларини — сизни ва мени — Ўғлининг номи учун муносаб азоб чекишимиз ва ўлишимиз учун лозим топганда.

Хозирги кунларда ғарб жамоати таъқиблар тўғрисида жимжит, ахир, бизнинг илоҳиётимиз — бу муваффақият илоҳиётидир. Бизга эътиқодни сақлаш ва нажот топишнинг ўзгармаслиги ҳақида гапиришади. Бу таълимот одамларни ҳеч бўлмаганда дўзахга тушишдан тутиб туради. Бу таълимот уларнинг елкасини қоқиб, чипта топишга ва осмонга жўнатишга имкон беради.

Бироқ Муқаддас Китоб умуман бошқача тасвирини акс эттиради.

Модомики Ғарбдаги имонлилар Ибронийларга Мактубдан 11:1–35 эътиқоднинг буюк қаҳрамонлари ҳақидаги маълум жойларидан мамнуният билан иқтибос келтирас эканлар, дунёнинг бошқа қисмидаги масиҳийлар ҳар куни 35–38-оят долзарб эканлигига ишонч хосил қиласидилар:

“...Бир неча аёллар ўз марҳумларини тирилган ҳолда қайтариб олдилар. Бошқалари эса аълороқ тирилишга —

қиёматга эришиш умидида юриб, нажотни қабул қилмадилар ва азобда қолиб ўлдилар. Яна бошқалари ҳақоратлар, калтакларга чидаб, зинданларда занжирбанд бўлиб ётдилар. Тошбўрон бўлдилар, кийнокларга чидадилар, арралаб иккига бўлиндилар, қиличдан ўтказилдилар. Кўй ва эчки териси ичидаги сарсон-саргардан кезиб, муҳтоҷлик, танглик, азобуқубат чекдилар. Чўл-саҳроларда, тоғ-тошларда адашиб, горларда, ернинг кавакларида фақирларча умр кечирдилар. Мана, дунё уларга муносиб эмас эди!”

Кувғинлар муқаррардир. Азоб-уқубатлар ибодат, Худога хизмат ва мулоқот қилиш билан бир қаторда, Вочман Нининг “масиҳийнинг нормал ҳаёти” ҳақидаги тасаввурига киради.

Биз мамнуният билан Матто баён этган Хушхабардаги хузур-ҳаловат амрларидан 5:3-9ни эълон қиласиз, аммо 10-12 — оятларда очиб берилган мавзууни кам ваъз қиласиз:

“Адолат йўлида жабр кўрганлар баҳтлидир, чунки Осмон Шоҳлиги уларникидир. Мен туфайли одамлар сизни ҳақоратлаб қувғин этса, сиз ҳақда ёлғон гапириб фискуғийбат қиласа, баҳтлисиз! Севининглар ва хурсанд бўлинглар, чунки сизга осмон мукофоти буюк. Сиздан аввал ўтган пайғамбарлар ҳам шундай қувғин бўлган”.

Бу оятларга бирон кишидан мен “ҳа” ва “омин” деган сўзларни эшитаманми?

Масиҳдан фақатгина хузур-ҳаловатни қабул қилиб, таъқибларни эса менсимаслик ярамайди. Бу ерда шундай қоидага амал қилинади: олдинига — таъқиб ва азоб-уқубатлар, сўнгра — хузур-ҳаловатлар.

“Исо бунга жавобан деди: - Сизларга ростини айтсан, ким Мен ва Инжил учун уй-жой, ака-ука, опа-сингил, ота-она, хотин-болаларини ёки ер-мулкини ташлаб кетса, у хозир, бу дунёда ёк дучор бўлаётган қувғинлар орасида юз хисса ортиқ уй-жойлар, ака-укалар, опа-сингиллар, ота-оналар, болалар ва ерларга эга бўлади, келажак дунёда эса абадий ҳаётга сазовор бўлади” (Марк 10:29, 30).

Исо Масиҳ номи учун воз кечган нарсаларимизни биз аслида юз баробар қилиб қайтариб олишга интиламизми? Албатта. Ошиғи билан қайтариб оламиз ҳам. Таъқиблар билан биргаликда.

“Хушхабарни Дервия шаҳрида тарғиб қилиб, кўп шоғирд орттиришгандан сўнг, Листва, Икония ва Антиохия шаҳарларига қайтдилар. Йўл-йўлакай Исо шогирдларининг жонларига жон кўшиб, имонда собит бўлишлари учун далда берардилар. “Худонинг Шоҳлигига кўп қайгулардан ўтиб киришимиз керак”, - деб насиҳат қиласдилар” (Ҳаворийлар 14:21, 22).

Исо Масиҳ ҳақиқатдан ҳам бизга намоён бўлишини хоҳлаймизми? Шубҳасиз.

“Биз ҳар томонлама жабрланамиз, лекин эзилмаймиз. Мушкул аҳволда қолдик, аммо умидимизни йўқотмаймиз. Кувфинга учраймиз, лекин иложсиз эмасмиз. Ерга қулаймиз, аммо яксон бўлмаймиз. Исонинг ҳаёти баданимизда намоён бўлиб турсин деб, Унинг ўлимини доим баданимизда олиб юрибмиз. Бизнинг фоний баданимизда Исонинг ҳаёти на-моён бўлсин деб, биз, тириклар, Исо учун ҳамиша ўлимга топширилмоқдамиз” (2 Коринфликларга 4:8–11).

Биз чиндан ҳам Исо Масиҳда мўмин ҳаёт кечириши-ни истаймизми? Худди шундай.

Павлус ҳам дўстларини ўзининг кетидан боришга даъват этади:

“...ўқишда, ҳаётда, имон-эътиқодда, хоҳиш-истақда, олижанобликда, сабр-тоқатда, қувгинларда, азоб-уқубатларда, наинки мен учраган ва бошимдан кечирган таъқибларда — ҳамма-ҳаммасидан Раббий мени халос этди”. “Сен эса менга эргашдинг, таълимотим, турмуш тарзим, мурод-мақсадим, имон, севги ва сабр-тоқатимдан намуна олдинг. Бошимга келган қувгинларни — Антиохия, Икония ва Ли-стра шаҳарларида чеккан азобларимни эшийтдинг. Қандай қувгинларга сабр-тоқат қилдим! Раббим мени ҳаммасидан кутқарди. *Исо Масиҳ ўюлида диёнатли яшамоқчи бўлган*

одамларнинг ҳаммаси ҳам қувгинга дучор бўладилар” (2 Тимўтийга 3:10–12).

Шундай қилиб, олдин — азоб-уқубат, сўнгра — хузур-халоват. Лекин қувғинларнинг муқаррарлиги ҳақида қаерда айтилади?

“Агар сизларни бир шаҳардан қувсалар, бошқасига қочиб ўтинглар. Сизларга чинини айтайн: сизлар Истроилнинг шаҳарларини айланиб чикишга улгурмасингиздан, Инсон Ўгли ер юзига қайтиб келади” (Матто 10:23).

“Лекин илдизи йўқ, беқарор кишии бўлгани учун, калом туфайли қайгу ёки қувгинга дучор бўлган ҳамон васвасага тушиб қолади” (Матто 13:21).

“Ўшанда сизларни қийнаш ва ўлдириш учун тутиб берадилар. Менинг номим туфайли барча халқлар сизлардан нафралланади” (Матто 24:9).

“Худонинг Шоҳлигига кўп қайғулардан ўтиб киришишимиз керак...” (Ҳаворийлар 14:22).

“Исо Масих йўлида диёнатли яшамоқчи бўлган одамларнинг ҳаммаси ҳам қувгинга дучор бўладилар” (2 Тимўтийга 3:12).

Ваҳий китобининг 2-боб, 10-оятида шундай сўзлар ёзилган:

“Бошга тушадиган азоб-уқубатлардан ҳеч қўркма. Мана, иблис сизларни синаш учун орангиздан баъзиларни олиб зиндонга ташлайди, ўн кунгача азоб чекасизлар. Ўлимгача содик қол, шунда Мен сенга ҳаёт тожини бераман”.

Ва нихоят, Масихнинг Ўзи ҳам қувгинга учрамаган, деб ким инкор қила олади? Қолаверса, Унинг азоб-уқубатлари қанчалик оғир бўлганлигини тасаввур қилиш ва тушуниш жуда оғир. Юҳанно баён этган Муқаддас Хушхабарнинг 15-боб, 20-оятида Масих

шундай дейди: “Кул ўз хўжайинидан юқори бўлмас, деган сўзимни эсланглар. Агар Мени қувғин қилган бўлсалар, сизларни ҳам қувғин қиладилар. Агар Менинг сўзларимга риоя қилган бўлсалар, сизларнига ҳам риоя қиладилар...”

Хар қандай имонлининг ҳаётида қувфинглар — калтаклаш, асирик, азобли ўлим ёки Ғарбга хос васвасага солиниш кўринишида мукаррардир.

“Бошингизга оддий инсоний васвасадан бошқа васваса келмаган. Худо эса содиқдир. У кучингиздан ортиқ васвасага тушишингизга йўл қўймайди, лекин васваса билан бирга тоқат қилишингиз учун иложини ҳам беради” (1 Коринфликларга 10:13).

*Сиз васвасага тушишингиз...кучингиздан ортиқ васвасага тушиши... тоқат қилиши... иложини топши. Булар қувфингдан нимаси билан кам?*

Бироқ таъқибларни оддий ва муқаррар ҳолат сингари тан олиш — бу факат биринчи босқич.

Ибодат қилиш тўғрисидаги ушбу қўлланмада биз Худо таъқибларга қандай муносабатда бўлгани ҳакида сухбатлашамиз. Биз дунё бўйлаб яшаётган биродар ва сингилларимизнинг жонли эътиқоди ва ботирлиги тўғрисидаги ҳақиқий воқеаларни ўқиймиз. Қолаверса, улардан кўпчилиги ҳозирга қадар Масих эътиқоди учун жуда катта товон тўламоқдалар.

## Бу қўлланмадан қандай фойдаланиш лозим?

Алоҳида ибодатга ва Худо ҳақидаги ўй-фикрларга ёрдам берувчи “Кувғинлар лаззати” номли ушбу китоб якка тартибда ўқишига мосдир, аммо китоб якшанба мактабларида ва Муқаддас Китоб тўгаракларида, шунингдек, оила доирасида ўқишига мўлжалланган яхши китоб хисобланади. Бундан ташқари, бу қўлланма — йилда ноябрь ойининг ўрталарига тўғри келадиган, таъқибга учраган Жамоат ҳақидаги халқаро ибодат Кунига тайёргарлик кўришда ҳам ажойиб восита сифатида хизмат қиласди.

Ҳар қунги ўқишининг тузилиши қўйидагича. Кун Ёзувдан танлаб олинган жойни ўқиш билан бошланади. Ундан сўнг таъқиблар шароитида ҳақиқий эътиқодни намоён қилиш ҳақидаги ҳикоялар келади. Бу ҳикояларнинг мақсади — ўқувчиларни янада кучлироқ қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, ибодат хизмати тематикасини тақдим этиш, Инжилга душманларча муносабатда бўлган мамлакатлардаги қувғинга учраган жамоатнинг кечикириб бўлмайдиган эҳтиёжлари ҳақида эслатиш.

Ҳикоядан сўнг бирор нарсага алокадор “Қўшимча мулоҳазалар” келади. Уларда муфассал таълимотни кўрмаслик керак. Бироқ бу бўлимдаги у ёки бу қарашлар мустақил равишда фикр юритишга ёки муҳокама қилишига, ўқувчиларни қизиқтиришга даъват этади.

“Ақл учун озуқа” номли бўлим ўқувчиларни оғир масала устида меҳнат қилишига ундайди — кун мавзу-

сида баён этилган қоидаларни амалда шахсан ёки биргаликда қўллашни ўйлаб кўринг.

Ва ниҳоят, “*Келажакдаги тадқиқотлар*” бўлимида кундалик материалларни кенгайтирувчи ва мустаҳкамловчи оятларни Ёзувдан топиб ўқиш таклиф қилинади.

Баъзида “Кувфинлар лаззати” қўлланмаси яна ўқувчиларнинг қувфидаги жамоатлар билан алоқасини чуқур англаш ва мустаҳкамлаш учун қўшимча адабиётни ва амалий машғулотларни тавсия этади.

“Лекин таъқибларда қандай лаззат бўлиши мумкин?” — деб сўрайди ушбу китобнинг муқаддимасида Йоган Компаньен. Шубҳасиз, у оғриқдан ва айрилиқдан келадиган баҳтни назарда тутмаган. Бу ерда гап чуқур маънодаги ҳузур-ҳаловат ҳақида бормоқда. Бундай ҳузур-ҳаловатга “...ҳаворийлар, Раббимиз Исо номи учун ҳақоратга сазовор бўлдик, деб қувониб, Кенгашдан чиқиб кетишаётгандা” (Ҳаворийлар 5:41) эришишган.

Қадрли дўстларим! Ушбу кичкинагина қўлланмани ўқиганингизда, сизнинг юрагингизда қувфинлар олдида ҳеч қандай қўркув қолмаслиги учун, сиз номаълум сабабларга кўра азоб тортганингизда, қалбингизда норозилик ҳисси жой олмаслиги учун, Масих номи билан сиз янада журъатли бўлишингиз учун, сизнинг эътиқодингиз муваффақиятингизга таъсир кўрсатиши мумкинлигини ўйламаслигингиз учун мен сиз учун қизғин ибодат қиласман.

Бутруснинг сўzlари билан сизларга илтижо қиласман: “Эй севганларим, сизларни синаш учун бошингизга келаётган оташли имтиҳонни ажиб воеа деб, ҳайрон бўлманглар. Аксинча, Масихнинг қанча азобларига шерик бўлаётган бўлсангиз, шунча *хурсанд бўлинглар!* Шунда У шон-шараф ила осмондан тушиб зоҳир бўлгач, кўнглингиз яна кўпроқ қувончларга *тўлади*. Агар Масих номи туфайли сизларни ҳақорат қилишса, *баҳтиёрсизлар!* Чунки Худонинг Рухи, шон-шараф Рухи сизларда маскан қиласди. [Уларга қолса, Рухни ҳақорат

қиладилар, сизларда эса шарафланади]. Сизлардан ҳеч ким қотил, ўгри, ёмонлик қилувчи ёки фитна-фасодчи бўлиб азоб чекмасин. Лекин агар бирор киши масиҳий бўлгани учун азоб чекса, уялмасин, аксинча, бу ном билан *Худони улугласин*” (1 Бутрус 4:12–16).

Ниҳоят, менинг шунга ишончим комилки, сиз бутун ер юзида таъқибга учраган жамоатлар аъзоларининг барчаси учун, катталар ва болалар учун ўзингизнинг барча тинимсиз қилаётган ибодатларингизда ҳар доим уларни эслаб ўтасиз. Сиз уларни бир йилда бир маротаба эмас, балки йилнинг ҳар куни эслайсиз ва улар учун ибодат қиласиз.

Зеро сизнинг ва менинг азоб чекаётган биродарларимиз, сингилларимиз қувфин вақтида сизнинг ва менинг қилган ибодатларимизнинг ҳузур-ҳаловатига эриша олишсин. “Масихнинг севгиси қалбингизда илдиз отиб, маҳкам ўрнашсин, токи сизлар барча Худонинг азизлари билан бирга бу севгининг кенглиги, узунлиги, баландлиги ва теранлигини тўла англашга кучингиз етсин. Ҳа, сизлар Масихнинг ақл бовар қилмас севгисини фаҳмлаб бориб, Худонинг бутун камолотига эришинглар” (Эфесликларга 3:18, 19).

1 — кун

## ҚУВГИНЛАР БОШЛАНАДИ

“Исо подшоҳ Ҳирод даврида, Яхудиянинг Байтлаҳм шаҳарчасида туғилгандан кейин, шарқдан Қуддусга мунажжимлар келди. Улар: — Яхудийларнинг подшоҳи бўлиб туғилган бола қаерда? Биз шарқда Унинг юлдузини кўрдик, Унга таъзим қилгани келдик, - дедилар. Подшоҳ Ҳирод буни эшигтгач, у билан бутун Қуддус безовталаниб кетди”.

Матто 2:1–3

Доктор Пол Негрут Руминиянинг Орадо шаҳридаги Европа континентининг энг катта баптист жамоати қавмбошиси эди. У жамоат соҳасида сидқидилдан фаолият кўрсатарди, бироқ мамлакатда Чаушески тузуми ҳукм сурар эди. Шунинг учун бу ердагилар ҳам қавмбоши Негрутга нисбатан ниҳоятда ёмон муносабатда бўлишган.

Бир куни кечки пайт Инжилни сермаҳсул тарғиб қилиб бўлгач, Пол уйига қайтди. У уйга келганда хўнграб йиғлаб ўтирган хотинига ва жуда қўрқиб кетган тўққиз ёшли қизига дуч келди.

Хотинининг йиғлаб сўзлаб беришига қараганда, уларнинг қизи мактабдан келаётган экан. Шу вақт Секуритате (махфий давлат полицияси) аъзолари уни зўрлаб, номусини поймол этишга ҳаракат қилишибди. Улар шу йўсинда қизни хўрлаб, оилани барбод қилмоқчи бўлишибди.

“Шу кеча мен бирор бир тўхтамга — қандайдир қатъий қарорга келишим керак эди, — дейди Пол. — Олди-

нига Руминиядан кетишни жиддий режалаштиридим. Аммо кейин мен бу ердаги марҳаматли қувгинлардан қочишим керакми ёки тақдирга тан бериб, қизимга қандай зулмлар күрсатилса, ҳаммасига чидашим лозимми, деб Раббийдан сўрадим. Сўнгра хотиним билан маслаҳатлашиб, биз қолишга қарор қилдик.

Икки кундан кейин унинг қизининг номусига тегишига золимлар яна ҳаракат қилишди, яна икки кундан кейин эса энди Полнинг хотинига нисбатан хужум уюштирилди, аммо лекин Худо ҳар сафар мўъжизавий тарзда уларни кутқарар эди .

## Қўшимча муроҳазалар

Жамоат ҳали тасдиқланиб улгурмасидан уни таъқиб қила бошладилар. Иблис инсонларнинг қалбида золим Ҳирод исмли қўркув, ёвузлик ва нафратни уйғотди. Иблис Исонинг юрагини санчиш учун газандани ўз куролига айлантириди. Ёғ суртилган ерга келиши биланоқ Уни тор-мор қилишнинг иложи бўлганда, иблиснинг найрангига биноан Жамоат ҳам, Хоч ҳам, Гуноҳни ювиш ҳам бўлмасди.

Бироқ бу заминда Исо ёлғиз эмасди. Ота Уни кўриқларди ва ҳимоя қиласди. Худо томонидан юборилган фаришта Юсуфга ва Марямга қочиб кетишни амр қилди. Исонинг заминий ҳаёти вақтида иблис бир марта эмас, яна бир неча марта Унинг хочдаги ўлимига халақит қилишга уринди.

Иблис васваса, ибронийларнинг бебошлиги, диний раҳбарларнинг манманлиги орқали ҳаракат қиласди, ниҳоят, инкор этиш руҳидан фойдаланиб Исони фарёд қилишга мажбур этди: “Эли, Эли, ламо шавактани? Яъни “Тангри, Тангри, нега Мени ташлаб қўйдинг?” (Матто 27:46).

Лекин Ота-Худонинг Исога нисбатан севгисига тўсқинлик қилишга ҳеч қандай куч ва таъқиблар топилмади. Масих, шубҳасиз, Ўз кўзлаган мақсадига эришди. Мана ўша кундан бошлаб то ҳозирга қадар иблис ўз

нафратини Жамоатга — Масихнинг ердаги жисмоний Танасига сочади.

## Ақл учун озуқа

Ёрг оламда Масих издошларининг истисносиз ҳар бирида ўзининг хизмати мавжуд. Ўйлаб кўринг-а, сизга ишониб топширилган хизматни бажаришингизнинг уддасидан чиқа олмаслигингиз учун иблис сизга нисбатан қандай хийла-найрангларини қўллади?! Доимий васвасаларми? Йўлдаги ҳалокатлар, бахтсиз ҳодисалар, турли фожеаларми? Худо сизни етаклаётган ҳақиқат йўлидан адаштирувчи қарорларми? Сизнинг оила аъзоларингиз, атрофдагиларингиз, синфдошларингиз, бирга хизмат қилаётган ҳамкасбларингиз, давлат бошқарувчиларининг қилаётган қувфинларими?

## Келажакдаги тадқиқотлар

Исо ҳали ёш экан, ўша пайтларданоқ иблис Уни — нафақат Уни балки бошқаларни ҳам — йўқ қилмоқчи бўлган. Қадимги Аҳдни ўқир эканмиз, иблис бир неча бор худди ўша биргина усулни қўлламоқчи бўлганига осонгина ишонч ҳосил қилиш мумкин.

- Ибтидо Китобининг 37-бобини ўқинг. Унда иблис орқали Юсуфнинг ҳасадгўй акалари уни ўлдиришга қилган ҳаракатларини ва Мисрда Исроил миллатининг пайдо бўлишини олдини олиш учун қандай тўсқинлик усулларини қўллаганларини билиб оласиз.

- Чиқиш Китобининг 1 ва 2-бобларини ўқинг ва оёққа тураётган иброний ҳалқини ҳамда Исроилнинг бўлажак Нажоткори — янги туғилган Мусони иблис қай тарзда йўқ қилиш мақсадида фиръавидан қандай фойдаланганлигини кузатинг.

- 1 Шоҳлар 17 ва 18-бобларида иблис айикдан, шердан, филистларнинг паҳлавони Гўлиётдан ва ҳатто Довуд исмли болакайни ўлдирмоқчи бўлиб, Худо то-

монидан мўлжалланган ва Исонинг туғилишига сабаб бўлувчи шажарани тўхтатиш мақсадида Исройл шоҳидан фойдаланади.

• Эстер Китобида иблис ёшгина ва гўзал Эстерни ўлдиришга ҳаракат қилишда ва шу йўл билан Исройлнинг қолган уруғини йўқ қилиш мақсадида муртад Амандан фойдаланади.

• Дониёр Китобининг 3-бобини ўқинг ва иблис учта яҳудий йигитларини — Седрах, Мисхақ ва Авденагони ўлдириш учун Навуходнасор шоҳидан қандай фойдаланганини билиб олинг. Сўнгра Дониёр Китобининг 16-бобини ўқинг ва ҳаддан ошган золим амалдорлар ва шоҳ Даро хукмдорлари ёшгина Дониёрни таъқиб қилганларини кузатинг.

2 — кун

## ЯХЁ ПАЙҒАМБАР

“Ҳирод ўз укаси Филипнинг хотини Ҳиродияга уйлангани сабабли Яҳёни қўлга олиб, зиндонга қаматиб қўйган эди. Чунки Яҳё Ҳиродга: “Укангнинг хотинини олиш сен учун рано эмас”, - деб юрган эди. Ҳиродиянинг ўзи Яҳёдан аччиқланиб, уни ўлдирмоқчи бўлган, аммо бу ниятига ета олмаётган эди. Ҳирод эса Яҳёнинг солиҳ ва Муқаддас киши эканини билиб, ундан кўрқар ва уни ҳимоя килар эди. Унинг сўзларини мароқ билан тинглар ва кўп ишларни унинг маслаҳати билан киларди.

Бир куни қулай фурсат туғилиб қолди. Ҳирод ўзининг туғилган куни муносабати билан ўз мансабдорлари, мингбошилари ва Жалила юртининг оғаларига зиёфат берди. Ҳиродиянинг қизи кириб, рақс тушди ва Ҳирод билан улфатларининг кўнглини топди. Подшоҳ қизига: — Нима истасанг, тила, мен сенга бераман, — деди. Унга ҳатто қасам ичиб: — Мендан нима сўрасанг, бераман, подшоҳлигимнинг ярмигача бўлса ҳам, бераман, — деди. Қиз чиқиб онасидан сўради: — Нимани сўрай? — Яҳё пайғамбарнинг бошини сўра! — деди онаси. Қиз шу онда подшоҳ ҳузурига югуриб бориб: — Менга ҳозироқ лагандা Яҳё пайғамбарнинг бошини олиб беришингизни сўрайман, — деди.

Подшоҳ жуда хафа бўлди. Лекин қасам ичганилиги туфайли ва меҳмонлар хотири учун қизнинг илтимосини рад этишни истамади. У шу ондаёқ жаллодни юбориб, Яҳёнинг бошини келтиришни

буюрди. Жаллод зиндонга бориб, Яҳёнинг бошини танидан жудо қилди ва лаганга солиб, қизга олиб берди; қиз эса онасига топширди. Яҳёнинг шогирдлари юз берган ҳодисани эшитиб, унинг жасадини олгани боришида уни дафн этишди”.

Марк 6:17–29

Кореялик Кван-Джун Пак исмли мўйсафидни Кореялик Илёс, ёки баъзида янги замон Дониёри деб аташарди.

Пак азобли ва оғир ўлимни қабул қилди, чунки у Исо Масихга имон келтирган эди. Иккинчи жаҳон уруши пайтида, япон империалистлари Кореяни босиб олганларида, у мустамлакачилик тузумига қарши чиқди. Шунда японлар халққа синтоистик динини мажбуран қабул қилдирмоқчи бўлганлар.

1939 йили 24 марта қария Пак босқинчиларнинг аёвсиз колониал сиёсатига қарши чиқиш учун Японияга жўнади.

У император конун чиқарувчи кенгашининг 74-йигилишига яширинча кириб олди. Қуйи палатанинг қарори янграгандан сўнг мўйсафид Пак меҳмонлар учун маҳсус ажратилган жойларнинг биридан туриб, деди: “Мана, Худонинг буюк амри, Яҳвенинг буюк номаси!”

Шундан кейин у япон империалистларининг кореис масиҳийларига нисбатан ёвуз муносабатларини фош қилувчи варақаларни ташлай бошлади ва Худонинг ҳукми яқинлашиб келаётганидан хабардор қилди. Варақаларда яна нима учун кореис масиҳийлари синтоизмга зўрлаб киритишга қарши эканликлари ҳақида тушунтириб берилади.

Қария Пакни ҳибсга олишди ва олти йиллик қамоқ жазосини тайинлашди. Суднинг ҳукми билан жазо ўтаетганда Пак етмиш ёшида азоб-уқубатли ўлимни қабул қилди.

Асирикда ёзган унинг сўнгги шеърининг бир мисраси шундай эди:

Мен Масих учун ўлишни хоҳлайман, чунки У мен учун курбон бўлган!

## Қўшимча мулоҳазалар

Исо Масих янги ижод бўлди (2 Коринфликларга 5:17); Унинг Ўзи қувғинга учраганларнинг биринчиси бўлди, лекин сўнгиси эмас эди. Кимки У билан бирга бўлса, кимки Уни қабул қилиб, Унинг таълимотига риоя қилса, худди шундай жазони қабул қилишга тайёр туриши керак. Худонинг халқига нисбатан Иблиснинг нафрати шунчалик кучли эдикӣ, у Масихнинг барча шогирдларига хеч бир истисносиз зиён етказиш ҳолатларини имкон қадар кўлдан чиқармаган. Ҳар доим шундай бўлиб қелган — Исогача ҳам, Ундан кейин ҳам. Иблис бу ерда турлича қуроллардан фойдаланган.

Гарчанд Истроилда бошқа Ҳирод ҳукмдорлик қилаётган бўлса-да, Яхё пайғамбарга қарши қиличини у кўтартмади. Бу сафар шайтон аёлни — Ҳироднинг хотини Ҳиродияни ишга солди.

Бунинг устига, Яхё пайғамбарнинг ўлими кўп йиллар олдин юз берган ходисаларга ўхшаб кетарди. Изабеллада бўлгани сингари, Ҳиродия ўзида худди ўша ўлим рухини олиб юрарди. Худди шунга ўхшаб Илёс пайғамбарнинг рухи Яхё пайғамбарда бўлган (Матто 17:11–13; З Шоҳлар 19:1, 2). Изабелла амалга ошира олмаганини Ҳиродия бажарди.

Агар жамоат таъқиб қилинмаса, демак, жамоат у ёки бу кўринишдаги гуноҳга йўл қўйган бўлади. Агар жамоат Масих севгисидаги одамларнинг эҳтиёжларидан хабардор бўлса, унда жамоат жар солади ва гуноҳкорларга оловдан бехавотир жойга ўтиш йўлини кўрсатади.

## Ақл учун озуқа

1. Ҳаворий Павлус Дамашқ йўлида йиқилиб тушади ва Исонинг овозини эшигади: “Мен сен таъқиб қилаётган Насролик Исоман”. Савол: агар ҳозирда Исо

Отанинг самовий Шоҳлигига бўлса, қандай қилиб Уни таъқиб қилиш мумкин?

2. Ҳиродия гуноҳ ҳисобланмайдиган фууруга эга эди, эҳтимол, ҳукмдорлик қилишга ва бойишга ниҳоятда интиларди. Аммо ҳамма нарсадан ажралиб қолишдан у қўрқарди. Унинг паст моҳиятини очиб ташловчи ҳақиқатга нисбатан Ҳиродиянинг ҳис-туйғулари қаҳр-ғазабга айланди. Яна қандай рух ва сабаблар масиҳийларни таъқиб қилишга одамларни ва ҳукуматни ундайди? Шахсан сизни қачон бўлса ҳам ҳақиқатни гапирганингиз учун таъқиб қилишганми?

## Келажакдаги тадқиқотлар

- Ибтидо китобидан 4-бобни, Қобил ҳасад туфайли укаси Ҳобилни ўлдиргани ҳақидаги ҳикояни ўқинг.
- 3 Шоҳлар 21-бобда қандай қилиб очкӯзлик Навотни ўлдириш учун Ахабни етаклаганига жуда яхши на-муна мавжуд.
- 2 Шоҳлар 11-бобдаги эпизодни — Довуднинг Бур-сабога нисбатан ҳис-туйғуси натижасида унинг эрини ўлдирганини ўқинг.
- Ҳаворийлар Фаолияти 22:3–5 да Павлуснинг Раббийга фидойи бўлгани ҳақида ва Исо имонлиларнинг жазоланиши тўғрисида нима деганини ўқинг.

3 — кун

## ЯҚИНЛАР ТОМОНИДАН РАД ҚИЛИНИШ

“Кейин Исо деди: - Сизларга чинини айтайин, ҳеч қандай пайғамбар ўз юртида қабул қилинмайди. <...> Йигилган жамоат буларни эшитиб, ҳаммалари қаттиқ ғазабланиб кетиши. Ўринларидан туриб, Исони шаҳардан ташқарига ҳайдаб чиқаришиди-да, Уни ташлаб юбориш учун ўз шаҳарлари қурилган тепанинг четига олиб бориши. Лекин Исо уларнинг орасидан ёриб ўтиб, кўздан ғойиб бўлди”.

Луқо 4:24, 28–30

Доктор Джон Питт Мисрда танишган Тимотий исмли ёшгина масиҳийнинг ҳаётидаги қайгули воқеани сўзлаб берди. Тимотий “Дунё радиоси” орқали масиҳийча эшиттиришларни мунтазам равишда тинглаб борар, шунинг таъсирида унинг юрагига Исо киришини Ундан илтижо қилиб сўради. Шундан сўнг улкан хурсандчилик билан Тимотий Унинг кетидан борди. Бироқ Тимотий ўзининг янги эътиқоди ҳақида мусулмон қариндош-уруғларига сўзлаб берганда, унга эшикни кўрсатиши ва ўзи туғилиб ўсган уйни тамомила эсдан чиқаришини буюришди.

Бир неча йил ўтгач (бу вақт мобайнода у бошқа масиҳийлар билан бирга эди) Тимотий оиласи билан ярашиш мақсадида уйига бормоқчи бўлди. Онасининг туғилган кунига гул сотиб олиб. оиласи истиқомат

қилаётган уйга йўл олди. Тақиллатган эди, эшикни онаси очди.

“Ассалому-алайкум, онажон! Туғилган кунингиз билан табриклайман, — деди Тимотий. — Мана бу гуллар сизга... Мен сизни жуда яхши кўраман!”

“Кўзимдан йўқол! Сени кўришни истамайман!” — деб жавоб берди она ва жаҳл билан эшикни ёпиб қўйди.

“Энди менинг оилам ҳам йўқ”, — деди Тимотий Джонга. Ҳис-ҳаяжондан унинг овози титрарди, кўзларидан шашқатор бўлиб оқаётган кўз ёшлари юзларини ювив тушарди. Сўнгра у Джонга қараб сўради: “Сиз менинг оилам ўрнини босасизми?”

## Қўшимча муроҳазалар

Агар баъзи масиҳийларни эътиқодлари учун қийноққа солиб занжирабанд қилишган бўлса, бошқаларини қариндош-уруғлари ва яқинлари, баъзида эса эътиқоддаги биродарлари ва сингиллари инкор эта дилар. Бунинг устига униси ҳам, буниси ҳам — таъкиб ва қувғин ҳисобланади. Бир эслаб кўринг а, бу Исо билан ҳам юз берганди. Исо ўсиб улғайган жойи Носирага борди. Ўз одати бўйича ибодатхонага кириб тиловат қилди. “Ҳамма Исонинг айтганларини маъқуллар эди. Унинг оғзидан чиққан латиф сўзларга маҳлиё бўлишиб: “Юсуфнинг ўғли эмасми Ўзи?” — деб кўяр эдилар” (Луқо 4:22). Бундан шундай холоса келиб чиқади: Унга икки баробар кучли эътиқод қилишади.

Бироқ хурсанд бўлишга шошилманг.

“...Ўз ватанига келиб, ерли халқнинг ибодатхонасида таълим бера бошлади. Улар эса ҳайратда қолиб: - Шундай до нолик ва мўъжизакорлик курдати Унга қаердан насиб бўлди экан? Дурадгорнинг ўғли эмасми Ўзи? Онасининг исми Марям, укалари эса Ёкуб, Юсуф, Симўн ва Яхудолар эмасми? Унинг ҳамма сингиллари ҳам бизнинг орамизда-ку! Буларнинг барчасига У қандай қилиб эришди экан? — дейишиди.

Ва ғашланиб, Уни рад қилишди. Исо эса уларга: - Пайғамбар ўз ватани ва уйидан бошқа ерда эътиборсиз бўлмас, - деди” (Матто 13:54–57).

Худди ўша диний рух ҳамон бизни айблайди ва ҳозирги кунга қадар бизнинг устимиздан кулади. “Сен кимсан ўзи, - дейди имонсизлар, - нима, сен Худога илтижо қиласан ва У сенга жавоб қайтарадими? Биз сингари эски гуноҳкор эмасмисан?!”

Ёки бундай: “Биз сен билан йиллаб жамоатнинг бир курсисида ўтирибмиз, сен Худонинг дўстиман деб эътиroz овоза қиляпсан”.

Шундай руҳга эга бўлганлар доимо эътиқодга қарши чиқадилар ва ҳақиқий имонлиларни таъқиб қиладилар.

## Ақл учун озуқа

Ғарбдаги Масих издошларининг кўпчилиги таъкидлашича, Инжилга ҳаммадан ҳам имон келтирганларнинг яқинлари, уларнинг оила аъзолари кўпроқ таъсирчан бўладилар. Шахсан ўзингиз шундай ҳолатни бошингиздан кечирганмисиз? Исо Масихга бўлган ишончингиз учун сизни қачон бўлса ҳам қариндошурӯгуларингиз, қўшниларингиз ёки ҳамкасларингиз таъқиб қилишганми?

## Келажакдаги тадқиқотлар

- Баъзида бизга энг яқин бўлган одамлар ўзимизга қарши чиқишга мойил бўладилар. Масалан, Далида Самсонни сотади (Ҳакамлар 16), Забурда (40:10 ва 54:13–15) Довуднинг гувоҳлик беришича, энг яқин одамлар билан турлича низолар келиб чиқар эмиш; пайғамбар Михо қариндош-урӯғлар ўртасидаги юзага келадиган жанжаллар тўғрисида гапиради (Михей 7:6); Яхудо Исони тутиб беради (Матто 26:23); Димас ва Искандар Павлусни тарқ этишди ва кўп ёмонликлар қилишди (2 Тимўтийга 4:10, 14).

- Масиҳийларнинг таъқибга учрашига бошқа сабаб — бу Инжилнинг содда, мураккаб бўлмаганидадир. “Хоч ҳақидаги хабар ҳалок бўлаётганлар учун тентакликдир. Лекин биз, нажот топаётганлар учун бу хабар Худонинг қудратидир” (1 Коринфликларга 1:18).

4 — кун

## ЁМОН КҮРУВЧИ ШОГИРДЛАР

“Агар дунё сизлардан нафратланаётган бўлса, билингизким, сизлардан илгари Мендан нафратланган. Сизлар бу дунёниги бўлсангиз эди, дунё сизларни ўзиники каби севар эди. Ҳолбуки, сизлар бу дунёниги эмассизлар; Мен сизларни дунёдан танлаб олдим. Ана шу сабабдан дунё сизлардан нафратланади. <...> Сизларни ибодатхонадан ҳайдаб юборадилар. Ҳатто шундай замон келадики, сизларни ўлдираётган ҳар бир киши бу билан Худога хизмат қиляпман, деб ўйлади. Бу ишларни Отамни ҳам, Мени ҳам танимаганлари учун қиласидилар. Буларни сизларга ҳозирдан маълум қилиб қўйяпман, токи ўша вақт-соат келганда, сўзларимни эсга олинглар. Аввалдан сизларга буларни айтишимга ҳожат йўқ эди, чунки сизлар билан бирга эдим”.

Юҳанно 15:18, 19; 16:2–4

Пол Негрут эски қадрдан дўсти Трайан Дорснинг уйига кирди ва қон оқиб ётган Трайанга кўзи тушди.

“Нима бўлди?” — деб сўради безовталанган Пол.

“Ҳозиргина Секуритат одамлари келиб кетишди, - деган жавоб эшитилди. — Менинг барча қўлёзмаларимни олиб қўйишиди. Сўнгра роса дўппослашди”.

Пол махфий полициянинг ёвузликларидан шикоят кила бошлаганда, Трайан унинг гапини бўлди: “Биродарим Пол, Масих учун азоб чекиш нақадар қувончли! Куннинг охирида Худо арз-нола қилиш учун эмас, балки Унга шукроналар айтишимиз учун бизни учраш-

тирди. Биродар, кел тиз чўкиб, биргаликда ибодат қиляйлик”.

Трайан тиз чўкди ва Худодан махфий полициянинг шахсий таркиби нажот топишини ва марҳаматлашини сўраб, Секуритатлар учун ибодат қила бошлади. Трайан уларнинг ҳаммасини яхши кўришини Худога айтди.

“Раббий, — деб ибодат қиларди Трайан, — агар Секуритат аъзолари шу кунларда келишадиган бўлишса, Сендан илтижо қиласман, уларга хизмат қилишга мени тайёрла!”

Шу ерда Пол уялиб кетди. Ҳозирга қадар Руминияда Раббий учун ундан бошқа одам бунчалик азоб чекмаган, деб ўйлаб юрарди.

Суҳбат чоғида Трайан қандай қилиб махфий полиция агентлари бир неча йил давомида мунтазам равишда унинг уйига келиб туришгани, хафтасига икки маротаба дўппослаб уриб, барча материалларини олиб кетишгани ҳақида Полга сўзлаб берди.

Одатга кўра ҳар гал калтак егандан сўнг Трайан катта офицер билан суҳбатлашарди. Трайан унинг кўзига тикилганича, унга дерди: “Жаноб офицер, мен сизни яхши кўраман, сиз қуидаги менинг сўзларимни эслаб қолишингизни илтимос қиласман: агар тақдир тақозоси билан бизнинг кейинги учрашувимиз олий Ҳакам тахти олдида бўлиб ўтадиган бўлса, сиз дўзахга мен сизни ёмон кўрганим учун тушмайсиз, балки сиз менинг севгимни инкор этганингиз учун дўзахга жўнайсиз”.

Йиллар ўтди. Бир куни ўша офицер Трайаннинг олдига кирди. Трайан яна навбатдаги калтаклашларга тайёр эди, аммо офицер секингина деди: “Жаноб Дорс, кейинги гал сиз билан олий Ҳакам тахти олдида учрашамиз. Бугун мен сизнинг олдингизга барча қилган ёвузликларим, сизга етказган азоб-уқубатларим учун кечирим сўрагани ва сизнинг севгингиздан менинг юрагим ларзага келганлигини айтгани келдим. Мен Исодан нажот беришини сўрадим. Икки кун олдин шифокор менда саратон касалининг оғир формаси борлигини айтди ва мен бир неча ҳафтадан кейин Худонинг

хұзурига йўл оламан. Бугун мен бу ерга сизлар билан бир томонда эканлигимни айтгани келдим”.

## Қўшимча муроҳазалар

Исо Ўзининг шогирдларига нисбатан бу дунёning нафрати тўғрисида гапиради. У такрор ва такрор “нафрат” деган сўздан фойдаланади. Юонча *miseo* сўзи нафрат сўзининг шундай маъносини англатадики, бунда у ўзининг объектига нисбатан душманларча муносабатда бўлгандагина енгиллик ҳис қиласди.

Бунинг устига, Юҳанно баён этган мукаддас Хушхабарда (16:2) Исонинг айтишига қараганда, бу нафрат шундай кучлики, таъкиб қилувчи ҳар бир киши бу билан Худога хизмат қилипман, деб ўйлади. “Хизмат” сўзи билан таржима қилинган *latrela* сўзи одатда Худога хизмат қилишни, яъни Худога итоат этишни англатади. Дунё имонлilarни ўлдириб, шу йўсинда у гўёки Худони улуғлайди, деб янглиш фикр юритади.

Шунингдек, Исонинг айтишича, бу оламда заминий севидан фойдаланаётганлар, яъни дунё эътиқоди системасини, дунёвий ахлоқ-одобни ва қадриятларни қабул қилаётганлар — Раббийдан эмас. Уларнинг нуқтаи назарида, зеро уларнинг қилаётган иши аъло даражада. Аслини олганда, улар нимадан хавотир қилишлари кераклигини тушунмайдилар. Дунё ҳайратда: *нега бу масиҳийлар бошқа кўплаб одамлардай ўзларини тутишини билмайдилар?* Нима сабабдан улар бунчалик қайсар, тоқат қилмайдиган ва букилмас иродали бўлишилари керак? Улар ҳаммага ёмон бўлишини истайдилар.

Аслини олганда, мутлақо бундай эмас. Агар биз ўзимизга боқсан, ҳеч бир ёмонликни кўрмаймиз. Аммо биз ўзимизни Масих билан солиштирадиган бўлсан, унда тиз чўкиб: “Раббий, мени — гуноҳкор қулингни кечир!” деб, илтижо қиласиз. Ҳақиқий масиҳий ҳукм қилмайди. Унда фақатгина Масиҳнинг солиҳлиги на-моён бўлади.

## Ақл учун озуқа

1. Инжил тарғиб қилинар экан, бизда — ғарбда азоб-уқубатлар ва қувғинлар ҳақида жуда камдан-кам гапирилади. “Түрт рухоний қонун”да таъқиблар түғрисида бирор сўз ҳам топилмайди. Масих ҳақида гувоҳлик бераётганингизда, ўзингиз улар ҳақида бирор нима дейсизми? Сиз азоб-уқубатлар ва таъқиблар ҳақида одамларга гапирганингизда, бундай гаплар уларни чўчитиши мумкин ва одамлар Масихни қабул қиласидар, деб ўйлайсизми? Ёки бўлмаса, одамлар булар ҳақида бошқа йўллар орқали билишлари керак, деб хисоблайсизми?

2. Сиз Масихга яқинлашганингизда ва Инжилни қабул қилаётганингизда, *miseo* ва таъқиблар Инжилнинг таркибий қисмлари бўлганми? Ёки сиз булар ҳақида биринчи бор эшитишингизми? Агар сиз ўшанда азоб-уқубатлар ва қувғинлар — бу масихий эътиқодининг таркибий қисмлари эканлигини билганингизда, Масихнинг издоши бўлишга журъат қилган бўлармидингиз? Қабул қиласига қарорингиздан сиз пушаймонда эмасмисиз?

## Келажакдаги тадқиқотлар

Бу дунё Масихнинг шогирдларини ёмон кўриши табиий ва муқаррар ҳолдир. Аммо барибир бунга бизнинг муносабатимиз қандай бўлиши керак?

“Кариндошингни севгин, душманингдан нафратлан”, - деб айтилганини эшитгансизлар. Лекин Мен сизга айтаман: душманларингизни севинглар. [Сизни лаънатлаганларни дуо қилинглар. Сиздан нафратланганларга яхшилик қилинг. Сизнинг номингизга иснод келтирганлар учун,] сизга жабр-зулм ўтказгандар учун ибодат қилинглар...” (Матто 5:43, 44).

“Инсон Ўғлига ён босганингиз учун одамлар сиздан нафратланса, жамиятдан қувғин қилиб, ҳақорат қилса, номингизга доғ тушириб этса бадном, сиз барибир саодатмандсизлар! Ўша кунда севининг, севинчдан ўйнанглар! Зоро сизга само

мукофоти буюк бўлур. Пайғамбарларга ҳам оталари шу йўлни тутган” (Луқо 6:22, 23).

Павлус гуноҳга қарши курашишни тасвирлар экан, шундай дейди: “Шундан ўзим қилаётган ишларни ўзим тушунмайман: мен нимани хоҳласам, уни қилмайман ва нимани ёмон кўрсам, уни қиласман” (Римликларга 7:15).

Бошқача қилиб айтганда, биз гуноҳга (*miseo*) нафрат билан қарашимиз керак ва шу билан бирга кимки бизни ёмон кўрса (*miseo*), ўшаларни севишимиз ва марҳаматлашимиз керак.

5 — кун

## БУТРУС БИЛАН ЮХАННО

“Бутрус билан Юханно халққа гапириб турғанда, рухонийлар, маъбад миршаббошиси ҳамда саддуқий мазҳабидан бўлганлар уларнинг устига бостириб келдилар. Улар Исони ибрат килиб кўрсатиб, ўликларнинг тирилиши ҳақида халққа таълим бераётгандари учун, дин пешволари жуда аччиқланган эдилар. Бутрус билан Юханнони ушладилар ва энди вакт кеч бўлди, деб эртагагача уларни қамоқхонада колдиридилар. <...>

Уларга кенгашдан ташқарига чиқиб кетишни буориб, сўнгра ўзаро муҳокама қилишга тушдилар. “Бу одамларни нима қилишимиз керак? Уларнинг қўли билан очикдан-очик бир мўъжиза килинганини бутун Қуддус ахли билиб олди-ку! Бизлар буни рад қилолмаймиз. Лекин халқ орасида бу гап яна кўпроқ ёйилмаслиги учун уларга дўк урамиз, яна тағин бу исм тўғрисида бошка хеч кимга сўзламасинлар”, — дейишиди.

Сўнгра уларни чақириб, Исо номини тилга олиб мутлақо таълим берманглар, деб буюрдилар. Лекин Бутрус ва Юханно уларга жавоб бериб: “Ўзларингиз қарор килинглар, Худодан кўра кўпроқ сизларга қулоқ солишимиз Худо олдида тўғри бўладими? Биз кўрган-эшитганларимизни айтмай туролмаймиз”, — дейишиди.”

Ҳаворийлар 4:1–3; 15–20

Мануэл кучли ва ғайратли инжилчилардан бири эди. У Андлардаги кечуа хиндулар қабиласининг орасида хизмат қиласарди.

Кунларнинг бирида “Ёруғ йўл” партизанлар ҳаракати аъзолари сўқмоқда уни тўхтатишиди. Бундан кейин тоққа бориб, хиндулар орасида Муқаддас Китобни, аудиокасеталарни ва бошқа масиҳий материалларни, хуллас умуман Исони тарғиб қилишни қатъиян таъқиқлаб қўйишиди!

## Қўшимча муроҳазалар

Масиҳийни катта шиҷоат билан Исо Масиҳга гувоҳлик беришдан ўзга нарса қувгин ва таъқибларга учратмайди. Хушхабарга қаршилик кўрсатилаётган кўплаб мамлакатларда масиҳийларга йиғилишлар ўтказишга, ибодат қилишга, Муқаддас Китобни (агарда китоб уларда бўлса) ўқишига ва Исо Масиҳ ҳақида ўзаро суҳбатлашишга рухсат этилган. Бироқ Исо ҳақида кимгадир нималарнидир айтиб Уни тарғиб қилиш қатъиян манъ этилган. Шундай мамлакатлар борки, у ерда Масиҳга юз тутишни даъват этганларни қамоққа оладилар ва ҳатто ўлдирадилар ҳам. Америка Кўшма Штатларининг давлат ўкув юртларида Масиҳ ҳақида гапиришни қонун таъқиқлайди.

Сўнгги пайтларда Исо Масиҳни кўчаларда ваъз қилаётганларни тўхтатиб жарима соладилар ва уларни қамоққа ташлайдилар. Ишхоналарда У ҳақда гапириш эса, кўпинча ноқонуний ҳаракат сифатида қабул қилинади.

## Ақл учун озуқа

Масиҳга шоҳидлик қилганингиз учун сизни қачонлардир азоблаганларми? Худди шундай таъқибни бошидан кечирган кимса ҳақида бирор нимани биласизми? Агар мамлакатингизнинг хукумат аъзолари Хушхабарни тарқатишни қонундан ташқарида деб эълон қилса, сиз бундай қонунга бўйсунасизми ёки хукумат қонунни бузиб, унинг аянчли оқибатларидан азоб чекишга қарор қиласизми?

## Келажакдаги тадқиқотлар

Азиз Ҳаворийларнинг фаолияти Китобида таъкибга учраганлар ҳақида кўп мисоллар келтирилган:

- Ҳаворийлар фаолияти Китобидан 5-боб 17–42-оятларини ўқинг. Олий рухоний ва унинг саддукий мазҳабидаги барча маслакдошларининг қувгинига Бутрус ва бошқа ҳаворийлар дуч келишдан қўрқмаганликларини билиб олинг.

- Ҳаворийлар фаолияти китобининг 6:8 — 7:60 ида имони комил, илоҳий қудратга тўлган ва ажойиб мўъжизалар кўрсатган Стефан исмли бир йигит тасвирланади. Масихий Жамоатга, шахсан Стефанга хужум қилинади ва эндиғина оёққа туроётган жамоаларни таъкиб қилиш ана шундан кенг тарқалади ва шиддат билан ўсиб боради.

- Ҳаворийлар фаолиятидан 12-боб 1–19-оятларни ўқинг. Бу ерда Бутруснинг яна бир марта қамоққа олиниши ва Раббий уни қамоқдан мўъжиза туфайли қутқариб, таъкиб этилаётган Жамоатни мустаҳкамлагани ҳақида ҳикоя қилинади.

- Ҳаворийлар фаолиятида 16:16–40-оятларда — Худо Павлус ва Силанинг ҳибсга олинишидан фойдаланиб, рухоний бошлиқларни уятга қолдирмоқчи бўлгани ва барча асирларни, зиндондагиларни ва уларнинг қариндош-уруғларини қутқариши ҳақидаги ажойиб воқеа ҳикоя қилинган.

- Булардан ташқари, Павлус дуч келган кўплаб бошқа қувғинлар ҳақида ўкиш мумкин: Антиохияда (Ҳаворийлар 13:50), Икония шаҳрида (Ҳаворийлар 14:5), Листрада (Ҳаворийлар 14:19,20), Салоника шаҳрида (Ҳаворийлар 17:5), Верияда (Ҳаворийлар 17:13), Коринф шаҳрида (Ҳаворийлар 18:6), Юнонистонда (Ҳаворийлар 20:3) ва Куддус шаҳрида (Ҳаворийлар 21:27).

## Амалий машғулотлар

Хозирда бутун оламда кўплаб биродарларимиз ва сингилларимиз Исо Масихга қилган эътиқодлари учун

қамоқхоналарда жабр-зулм тортмоқдалар. У ердаги шарт-шароитлар мاشаққатли ёки содда қилиб айтганды, дахшатли. Асирларга озиқ-овқат бир кунда аранг бир маротаба берилади. Асирикда азоб чекаётган биродар ва сингилларимизнинг ҳолатини ҳис қилиш учун сиз ўқимоқчи бўлган севимли газетангиздан, ичмоқчи бўлган газланган сувингиздан, емоқчи бўлган лаззатли ширинликлардан ва шунга ўхшаш нарсалардан бир хафтага, ёки ундан ҳам кўпроққа воз кечиб кўринг.

6 — кун

## ТАЪҚИБЛАР ЛАЗЗАТИ

“Бунинг устига, қайгулар билан ҳам фахрланмоқдамиз, чунки қайғу сабр-қаноатни ҳосил қилишини биламиз. Сабр-қаноат эса тажрибакорликни, тажрибакорлик эса умидни ҳосил қиласди. Умидимиз бўлса, бизни уятга қолдирмайди. Чунки бизга берилган Муқаддас Рух орқали юракларимиз Худо севгисига тўлиб-тошади”.

Римликларга 5:3—5

Фредди Сан Масихга ишонгани учунгина Хитойда узоқ йиллар давомида асирикда яшади.

Бандилик Фредди учун том маънода оловли синов бўлди. У фабрикада қуйма металлардан тройниклар ясарди. Ҳар куни у Цельсия бўйича бир ярим минг градус бўлган металл эритувчи печни хом ашё билан тўлдирарди, сўнгра ундаги массани бўшшатарди. Заминдаги бу дўзахда Раббий у билан сухбатлашди.

«Бу юқори иссиқликдаги печнинг олдига сени Мен қўйдим. Бу эса сени асло хавотирлантирмасин. Сен нобуд бўлмайсан, аммо сенинг нопоклигинг эриб йўқ бўлиб кетади. Шунинг учун ҳам сендан яхшигина тройник чиқади!»

## Қўшимча муроҳазалар

Илоҳий Шоҳлик қонунлари бўйича яшовчи масиҳий учун таъқиблар, темир учун мартен печи кабидир.

Юқори даражадаги маҳсус камерада темир лом, чўян ва оҳактон эрийди, уларга керакли бўлган эритмалар қўшилади ва пўлат ҳосил бўлади. Кейин сопол пробкалар чиқарилади ва пўлатни печдан қуийб олинади. Юзасига кўтарилиган тошқоллар олиб ташланади, пўлат эса металл формаларга қуилади.

Ишлатишга пўлат прокатдан кейин тайёр бўлади. Кўйма формалардаги чўян идишларни Цельсия бўйича 1200 градусли температурадан юқори бўлган шахтага жойлаштирилади ва у ерда оппоқ оқариб юмшагунча қиздирилади. Сўнгра бу қўймани бир неча оғир каткалар орасида у ёқдан—бу ёққа отилади ва керакли размердаги чўян прокатга айланмагунича шундай ҳаракат такрорланаверади.

Тобланиш жараёнида пўлаттга зарур хусусиятлар берилади. Бу муолажалар металлнинг ички тузилишини ўзгартиради. Ниҳоятда юқори даражагача қиздирилган пўлатни тезлик билан сувга, ёғга ёки бошқа суюқликка солиб, совутилади. Кейин уни яна қиздиришади, лекин олдингига қараганда пастроқ ҳароратда ва сўнгра энди секин совишига имкон берилади. Ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг сифати температура режимининг ўзига хос хусусияти билан белгиланади.

Худди шу тариқа Худо ҳам Унинг иродаси ва мақсадларига биноан, Ўзининг ҳар бир боласида белгилаб қўйган қувфинларнинг сони ва ўлчовини кузатади. Энг кучли имонлилар — бу ҳаммадан ҳам яхши тобланган ва чиниққанлардир.

## Ақл учун озуқа

1 Коринфликларга Мактубнинг 10-боб, 13-оятида Павлус коринфликларга шундай дейди: “Бошингизга оддий инсоний вассасадан бошқа вассаса келмаган. Худо эса содикдир, У қучингиздан ортиқ вассасага тушишингизга йўл қўймайди, лекин вассаса билан бирга тоқат қилишингиз учун иложини ҳам беради”. Исонинг Ўзи эса Павлусга, у билан бирга ҳаммамизга дейди:

“Сенга берган иноятим етар, Менинг қудратим заифликда тугал бўлади” (2 Коринфликларга 12:9).

Сиз васвасага тушмаслигингиз ёки қувгин ва таъқиблар вақтида уларга бардош беришингиз учун, Раббий сизни етаклаб олиб ўтадиган чиниқишининг усул ва методларини кўриб чиқинг. Ожизлигингизда Унинг кучи сизни қандай қўллаб-қувватлаганини ўйлаб кўринг.

## **Келажакдаги тадқиқотлар**

- Худо покланиш ёки суннат қилиш деб номлаган иноятларга ҳам таъқиблар белгиланган. Юҳанно баён этган Хушхабарнинг 15-боб 2-оятида шундай дейилган: “Мендаги ҳосил бермайдиган ҳар бир новдани У кесиб ташлайди. Ҳосил берадиган ҳар бир новдани эса, яна кўпроқ ҳосил берсин деб, хомток қилиб тозалайди”.
- “Лекин У менинг йўлимни билади; майли мени синасин, - мен синовдан олтиндай пок чиқаман” (Аюб 23:10).
- Шоҳ Довуд хурсанд: “Жафо тортмасдан олдин адашар эдим, энди эса каломингни тутмоқдаман” (Забур 118:67).
- Ибронийларга Мактуб 12:11 да эса шундай дейилган: “Ҳар бир танбех ҳозирги замонда севинч эмас, қайғу бўлиб кўринади. Аммо шу тариқа тарбиялангандар учун кейин солиҳлик ва тинчлик самараси унибўсади”.

## **Амалий машғулотлар**

Масиҳнинг миллионлаб издошлари, хусусан Хитойда, ҳозирги кунга қадар ўз Муқаддас Китобларига эга эмаслар. Худонинг Каломига эга бўлган баҳтиёр соҳиблар то уни овоз чиқариб ўқигунларига қадар, қолганлар кейин ёдлаб олиш учун эшитганларини тезликда ёзиб оладилар. Шундай қилиб, кўплаб имонлилар ўзларининг қўлёзма Муқаддас Китобларига эга бўладилар.

Кувфинга учраган биродарларимизнинг ҳолатини яхшироқ ҳис қилиш учун, ўз Муқаддас Китобингиздан ҳеч бўлмаганда бир бобини кўчириб олинг. Агар сиз ушбу қўлланмадан имонлилар тўгарагида ўқиш учун фойдаланмоқчи бўлсангиз, гуруҳдошларингизнинг биридан Муқаддас Китобни “ижара”га олиб туринг ва ундан бир бобни кўчириб олинг. Сўнг Муқаддас Китобни яна бир шерингизга беринг, у ҳам бир бобини кўчириб олсин. Гуруҳ аъзоларининг барчаси бир бобдан кўчириб олгунга қадар, Муқаддас Китоб қўлдан—қўлга ўтиб юраверади. Гуруҳ аъзоларининг сонига ва “таъкибчиларнинг ғазаби”га қараб буни бир машғулот давомида ўтказиш мумкин. Ёки бўлмаса, машғулотлар орасида — Муқаддас Китобни сиз гуруҳдошингизга бериш учун унинг уйига борганингизда, ва ниҳоят Муқаддас Китоб ўз эгасини қўлига етиб боргунга қадар бу жараён шундай давом этаверади. Ўзингиз учун Муқаддас Китобдан бир бобни кўчириб олгач, сиз уни беркитиб қўйиш учун шундай жой топишингиз керакки, токи уни сиздан мусодара қилиб, Худонинг Каломини сақлаётганингиз учун сизни ҳибсга олишмасин.

7 — кун

## ИМОНЛИНИНГ СИЙМОСИ

“Мен ўйлайманки, Худо биз — ҳаворийларни гўё намойишда охиргилар қаторида юргизиб, ўлимга маҳкум бўлганлар каби майдонга келтирди. Биз фаришталарҳамда инсонлар олдида, қолаверса, бутун коинот олдида бир томоша бўлдик. Бизлар Масих учун гўё алқисизмиз, лекин сизлар Масих соясида ақллисизлар! Биз заифмиз, сизлар эса кучли! Сизлар шон-шуҳратли, биз эса эътиборсизмиз! Ҳатто шу вақтгача оч-яланғочмиз, чанқоқлик ва калтакларга чидаймиз, саргардон бўлиб юрибмиз. Ўз меҳнатимиз билан кун кўярпмиз. Бизни ҳақорат қилсалар, дуо қиласиз; зулм қилсалар, чидаймиз. Фийбат қилсалар, юмшоқ жавоб берамиз. Ҳозиргача биз ҳамманинг ахлати, ҳатто дунёнинг супуриндиси бўлиб юрибмиз. <...> Шунинг учун сизлардан ялиниб сўрайман: [мен Масихдан ўrnak олганимдек] мендан ўrnak олинглар”.

1 Коринфликларга 4:9-13, 16

Уилсон Ченни Вьетнамдаги энг даҳшатли, варвар лагерида қайта тарбиялаш учун беш йилга ҳукм қилишди. Кун бўйи уни дўстлари билан биргаликда икки букилиб жунглиларни тозалашга, дараҳт кесишига ва ерга ишлов беришга мажбур қилишарди. Кечкурун эса “идеологик ишлов беришга” мубтало этишарди, бу эса рухий азоб етказарди. Маҳбуслар доимо қочиш тўғрисида ўйлашарди.

Лагердаги ҳаётни тутиб туриш учун ундаги бериладиган паёклар аранг етарди. “Доимий шафқатсизлик онгни ва юракни заҳарларди, — деб эслайди Уилсон, — ҳар доим оч-нохор юриш эса танага зиён етказарди”.

Оч қолган маҳбуслар нимани бўлса топиб, тановул қиласардилар. Уилсон бошқа маҳбуслар билан биргаликда каламушларни, курбақаларни, чувалчангларни, илонларни ва қурт-кумурсқаларни ахтарардилар, тошилари биланоқ тириклиайн оғзиларига солиб, чайнамай ютишарди ва шу йўсинда бир амаллаб очликин қондирадилар.

Уилсоннинг эслалича, очликдан баъзилар эсхушларини йўқотиб қўяр эдилар. Бошқалар эса ўз жонига қасд қиласардилар. Яна қўпчилик очлик келтириб чиқарадиган турлича касалликлардан ўлиб кетардилар.

Уилсон бу ҳаётда муваффакиятга эришишни ва яхши кўрган қизига уйланишни орзу қиласарди. Лекин жазони ўташ сўнгида, лагердаги ҳаётнинг бешинчи йилида унга шум хабар етиб келди: севган қизи унга бевафолик қилди — бошқа бир кимсага турмушга чиқиб, Вьетнамдан кўчиб кетибди.

“Раббий Исо Масихга бўлган ишончим мени тарк этмасди, шунинг учун ҳам мен тирик қолдим, — дерди у. — Мен яширинча Ёзувни ўқирдим, зоро унда менинг ишончим мужассам эди”.

Ушбу даҳшатли ва тиканли сим ортида Уилсон имкон топилди дегунча Раббийга хизмат қилишга ваъда берди. Аммо Муқаддас Рух унга деди: “Бу ерда аллақачон сенда имконият мавжуд!”

Кўп ўтмай Уилсон билан бирга бўлган маҳбуслардан учтаси Раббийга имон келтирдилар.

Лагерда орттирган тажриба Уилсонга Исо Масихнинг тортган азобларининг моҳиятини англашга катта ёрдам кўрсатди. Бундай ўй-фикрлар bemажолликда унга кучкуват берди.

«Дард-аламда Исо менга тинчлик ато этди».

## Қўшимча муроҳазалар

Ёзувдан олинган бугунги парчада Павлус ҳосил берадиган, етук масиҳийларнинг баъзи-бир “танитувчи белгилари”ни кўрсатади: одамларнинг кўз ўнгидаги улар ўлимга ҳукм қилинганлар, дунё учун улар — фақатгина томоша, Масих учун эса улар — телба, бемадор, азобукубатда юрганлар, оч ва яланғочлар, хўрлик ва калтаклашларни бошдан кечирадилар, дарбадарликда юрадилар, уларни ҳақоратлашади, қувишади, сўкишади, улар дунё учун чиқинди ҳисобланадилар, ҳамма жирканадиган тирик мурдалардир.

*Агар буларнинг ҳаммаси мен билан юз бермаган бўлса, мен ҳеч кимга керак эмас, хом имонли ҳисобланаманми?* Асло йўқ. Мабодо агар юқорида санаб ўтилганлардан биронтаси ҳам биз билан содир бўлмаса, демак, бу бошқа мамлакатдаги бизнинг биродарларимиз ва сингилларимиз билан юз бераётганлиги ҳақида биз ўйлаб кўришимиз керак. Бизнинг орамиздан қувғинга учрамаётганлар ўз эътиқоди учун қувғинда ва таъқибда юрганларни юпатишими, қўллаб-қувватлашимиз керак.

## Ақл учун озуқа

Ҳаворий Павлус Коринфликларга Биринчи Мактуб 11:1 да шундай ёзади: “Мен Масиҳга қандай эргашсам, сизлар ҳам менга шундай эргашишнинглар”. Павлус Масиҳга фақатгина эргашишни даъват этадими, ёки Масих учун азоб-укубат чекишига ҳам чорлайдими? Луқо баён этган Хушхабардаги Павлуснинг даъватини (9:23) Масих амри нуқтаи назаридан кўриб чиқинг: “...Агар ким Менга эргашишни истаса, ўзидан кечсин ва ҳар куни ўз хочини кўтариб, ортимдан юрсин”.

## Келажакдаги тадқиқотлар

- Юҳаннонинг Биринчи Мактубида 3:2 шундай дейилади: “...Эй маҳбубларим, ҳозир биз Худонинг болала-

ри бўлсак-да, келажакда нима бўлишимиз ҳануз ноаниқ. Фақат шуни биламизки, Исо Масиҳ зохир бўлганда, биз У сингари бўламиз: У қандай бўлса, шундай ҳолда кўрамиз”. Хар бир инсон Худо Ўғлининг қиёфасига киришини Худо хоҳлайди. Ишаё китобининг 53:1–10-оятларини ўқинг.

- Биз фақатгина Масиҳга ўхшаб қолмаслигимиз керак. Биз Унинг ажойиб ва ғалаба қозонувчи Келинига ўхшашга даъват этилганмиз. Сулаймоннинг гўзал Кўшиқларини, Ҳикматлар Китобидаги 31-бобни ва Ваҳий Китобидаги 21:9–27-оятларни ўқиб чиқинг.

8 — кун

## ХУДОГА ШУКУР

“Хизматимиз қораланмасин деб, ҳеч кимга ҳеч қандай халақит бермаймиз. Худонинг хизматкорлари сифатида ўзимизни ҳамма соҳада ибрат қилиб кўрсатамиш: чексиз сабр-тоқатда, ғам-қайғуларда, танқисликларда, тангликларда, зарбалар остида, зиндонларда, тўполнонларда, заҳматларда, уйқусизликда, рўза тутишда, поклика, доноликда, тўзимлиликда, меҳрибонликда, Муқаддас Рух кучида, самимий муҳаббатда. Ҳақиқат каломини айтиб, Худонинг құдратига суюниб, ўнг ва сўл кўлда солиҳлик куролларини тутиб юрибмиз. Шараф ва иснодга, ҳақорат ва мақтovга дуч келяпмиз. Бизни алдамчи ҳисоблайдилар, аммо ҳақиқатгўймиз. Номаълуммиз, аммо бизни ҳамма билади. Бизни ўлган деб ҳисоблайдилар, аммо мана, тирикмиз. Бизни жазога тортаптилар, аммо ўлмаяпмиз. Бизни хафа қиляптилар, аммо доимо хурсандмиз. Ўзимиз камбағалмизу, кўп кишиларни бойитамиш. Ҳеч нарсамиз йўғу, аммо ҳамма нарсага эгамиш”.

2 Коринфликларга 6:3–10

“Қарор” (Decision) журналида Эфиопиялик миссионер Билл Харднингнинг қуида келтирилган ҳикояси эълон қилинган эди:

«1990 йилда бўлиб ўтган қайта қуриши жараёни Россия ва Шарқий Европага кўплаб ўзгаришларни олиб келди, маълум бир маънода Эфиопиягача етиб келди. Мамлакат ҳукумати

халққа эътиқод қилиш эркинлигини қайтариб берди, ўшандан бошлаб “яширин” жамоалар ҳам озодликка чиқди!

Жамоа раҳбарларининг тавсиясига биноан саккиз йил ичидагина биринчи бор жамоа конференциясини уйимизнинг рўпарасида жойлашган майсазорда ўтказишга биз рози бўлдик.

Йиғилишга турли “яширин” жамоа ташкилотларидан тахминан бир мингга яқин аъзоларнинг келишини кутган эдик, бироқ Эфиопиянинг бутун жанубий қисмидан ўн мингга яқин катталар ва болалар келишди. Уларнинг баъзилари бизга тўпланиш имкониятини бергани учун Раббийга шукроналар ва ҳамду санолар айтишга икки, ҳаттоқи уч кунлик йўлни босиб келишибди. Баъзида қуйиб турган ёмғир остидаги тўрт кун давомида кўйланган саноларни ва айтилган ваъзларни биз ҳеч қачон унутмаймиз.

Бир куни кечаси гумбирлаган момақалдириқ ва уйнинг темир томига шалдираб тушаётган ёмғирнинг кучли гулдироси Грейс иккимизни уйғотиб юборди. Бироқ она табиатнинг шовқини ичидаги боз яна бошқа товушларни ҳам эшитдик: Худони улуғлаб, мадҳ этувчи овоздарни.

Грейс иккимиз бир-биримизга қарадик ва йиғлаб юбордик. Биз кувгинга учраган ва кўплаб азоб-уқубатларни бошидан кечирган қимматли Масих аскарлари ҳақида ўйлаганимизда, ҳис-ҳаяжонимизни ифодалашга сўз топа олмас эдик. Эндиликда эса улар очиқчасига, ҳамманинг кўз ўнгидага Худонинг борлигига, шу ёмғирнинг ёғаётганлигига Унга шукроналар айтишар, барча ўнғайсизликларга қарамасдан йиғилишда Унга ҳамду саноларни кўйлашга имкониятлари борлиги учун ҳам шукрлар қилишар эди!»

## Қўшимча мулоҳазалар

Хаворий Павлус ҳар доим мамнуният пайдо қилишни ўрганди. У бу тўғрида Филиппиликларга Мактубнинг 4-боб 11–13-оятларида ёзди:

“Буларни мухтожликдан айтиётганим йўқ. Чунки мен ҳар қандай шароитда борига қаноат қилишга ўргангандман. Мен танқисликда ҳам, мўл-кўлчиликда ҳам ҳаёт кеширишни биламан. Ҳар қандай шароитда ва ҳар ерда ҳам

тўқ бўлиш, ҳам оч қолиш, ҳам фаровонликда яшаш, ҳам муҳтоҷликда қолишининг сирларини ўргангандан. Мени қўллаб-қувватлаётган Исо Масихнинг мадади билан ҳар нарсани қила оламан”.

Кувғинларда қатъий туришнинг сабаби жуда оддий: ўзингизнинг азоб-уқубатларингизга эмас, балки Исо Масихга боқиши керак. Ер юзида ҳаммадан ҳам кўп азоб-уқубатни Исо тортган. Шундай бўлса-да, Унинг ҳаёти ва ўлими Худонинг таъна ва маломатига эмас, Унинг улуғворлигига хизмат қилди.

Джон Фокс азоб-уқубат тортувчи илк масиҳийларнинг ҳаёти ва ўлими тўғрисида кўп ёзган. Куйида катакомбаларда (ертўлада — *изоҳ тарж.*) жойлашган жамоа ҳақида ҳикоя қилинади:

«Рим ён-атрофида тахминан 60 га яқин катакомбалар мавжуд бўлиб, уларда 1000 километрча штолнялар (горизонтал ёки қияроқ ковланган ер ости йўли — *изоҳ тарж.*) ётқизилган, бу ҳали ҳаммаси эмас. Штолняларнинг баландлиги 2,5 метр, кенглиги — бир метрдан бир ярим метргача. Штолняларнинг икки тарафидан ҳам бир неча қатор узун, унча баланд бўлмаган горизонтал токчалар биринма-кетин устун қилиб, худди кораблдаги каравотлар сингари жойлаштирилган. Ана шу токчаларда ўлик мурдалар ётарди. Токчаларнинг олди тарафига катта мармар тошлаб қўйилган бўлиб, курилиш коришмаси билан дағал қилиб сувалган.

Мармар тошларга ёки сополга эпитафиялар (қабр тошига битилган ёзув — *изоҳ тарж.*) ёки бўёқ билан чизилган намуналар ёзилганэди. Мажусийлар ва масиҳийлар ўлган кариндош-уруғларини шу ерга — катакомбаларга дағи қилишар эди. Масиҳийларнинг қабрлари очилганда, қўйноқлардан гувоҳлик бериб турувчи даҳшатли суюклар топиларди: танадан жуда қилинган калла, синдирилган ковурға ва умуртқа суюклар, булардан ташқари, жуда кўп суюклар кул қилиб куйдирилган экан. Кувғинларнинг бундай оғир оқибатларига қарамасдан, тошдаги ёзувлардан тинчлик-хозиржамлик, хурсандчилик ва тантана уфуриб турар эди.

Мана улардан баъзи-бирлари: “Бу ерда Марция осуда уйкуда ётиби”; “Фаришталар олиб кетган азиз ўғлим Ло-

ренцияга”; “Тинчлик ва Масихда ғалаба қозонувчи” — қабр ичида ётган одамларнинг сүяклари оғир қийноклардан, оловли мусибатлардан дарак берар эди.

Ушбу эпитафияларнинг ички руҳи айтилганлардан кескин фарқ қиласы, масалан мана бундай: “Хозирги кун билан яшагин, гарчанд қолган ҳамма нарсага ишонч йўқ”; “Йигирма ёшимда менинг ҳаётимни тортиб олиб кўйган худоларга кўлларимни чўзаман, зеро мен уларга ҳеч қандай ёмонлик қилмаган бўлсан ҳам”; “Қачонлардир мен йўқ бўлганман, аммо мен буни билмайман, шунинг учун ҳам кўп хавотир бўлмайман”; “Йўловчи, ўтиб кета туриб мени койигин, ахир, мен зимистондаман ва сенга жавоб бера олмайман”».

## Онг учун озуқа

Хузур-ҳаловатнинг сабаби — шукроналар айтишда. Ранж-аламга тўғри йўл эса — биз марҳаматга эришдик деб ҳисоблашдан иборатдир. “Ҳамиша хурсанд бўлинглар, тинмай тоат-ибодат қилинглар, ҳар қандай шароитда ҳам Худога шукр қилинглар. Бу — Худонинг иродаси, чунки сизлар Исо Масиҳ умматисизлар” (1 Салоникикларга 5:16–18). Сиз норозилик намоён қилган ўша турмуш соҳалари ҳақида ўйлаб кўринг. Шундай шароитлар ёки вазиятлар учун сиз сўнгги марта қачон Худога шукроналар айтгансиз? Ҳозироқ ҳаммаси учун Унга ҳамду сано айтишни бошланглар. Ҳар доим Худога шукроналар айтишни сизга эслатиб турувчи қоғозчаларни ёзив кўйинг, сўнгра сиз норозилингиз йўқолиб бораётганлигини кузатиб туринг.

## Келажакдаги тадқиқотлар

Тақиб ва қувфинларга қатъий туриш — бу нафақат рухнинг, балки ақл-идрокнинг ҳам маҳсулидир.

- Эфесликларга Мактубнинг 4-боб, 23-оятида шундай дейилган: “...Янги фикрга, рухга эга бўлинглар”. Дунёвий мақсад ва тафаккур методларини эзгу ниятларга — Худо Каломини ўқиши ва Худонинг иродасини билиш билан алмаштирилган тақдирдагина бунга эришиш мумкин.

- Филиппиликларга Мактуб 4:8–9 да Павлус ўзининг сирларидан бирини очиб беради:

“Хуллас, эй биродарлар, нима ҳақиқий, нима мўътабар, нима тўғри, нима соғ, нима ёқимли, нима фахрли бўлса, қандайдир бир фазилат, қандайдир мақтанаарли хислат бор бўлса, булар ҳакида фикр қилинглар. Сизлар мендан нимани ўрганиб қабул қилган бўлсангиз, нимани эшитиб, кўрган бўлсангиз, ўшани қилинглар, шунда тинчлик берган Худо сизларга ёр бўлади”.

- Умуман, қатъиятлиликнинг асоси — бу тўғри ва аниқ мақсаддир. “Сиз аввало, Худонинг Шоҳлиги ва Унинг иродаси пайидан бўлинглар, шунда буларнинг ҳаммаси қўшимча қилиб берилади” (Матто 6:33).

9 — кун

## МАСИҲИЙЛАРНИНГ ЖАРОҲАТЛАРИ

“...Мен Раббим Исонинг жароҳатларини ўз танамда олиб юрибман”.

Галатияликларга 6:17

Марта — ёшгина Хитойлик масиҳий қиз келин бўлишга фотиҳа қилиб қўйилган эди. Лекин тўйни икки йилга суришга қарор қилди, чунки баъзи ҳудудларда Муқаддас Китобга ўта эҳтиёж сезилганлиги туфайли ўша жойларга Муқаддас Китобларни етказиб бериш учун Худонинг даъватига “Лаббай!” деб жавоб берди. Дэвид Уонг бизга қуйидаги ҳикояни сўзлаб берди:

«Мен Сиань шахрида Марта билан бўлиб ўтган учрашувни эслайман. Учрашувни соат 9 га белгилаган эдик, аммо кечаси бирда учрашдик. Яқин атрофдаги қишлокларнинг бирида Муқаддас Китобларни тарқатаётганлиги туфайли қиз кеч қолибди. Маҳаллий аҳоли ҳукумати унинг фаолиятидан хабар топгач, Мартани тутиб олиб калтаклашибди, борбутини олиб қўйиб, сахронинг ўртасида ташлаб кетишибди. Қизнинг учрашувга кеч қолиб бўлса ҳам етиб келгани қандай мўъжиза!

Мартанинг аҳволи оғирлиги яққол кўриниб турарди. Ўзи озгин, калтакларнинг зарбидан юзлари шишиб кетган. “Нима бўлди? Сени шунчалик калтаклашдими?”

“Йўқ, анчадан бери ўзи шундай”, — деб жавоб берди қиз оёқларидаги куйган жойларининг ва паشا чаққанидан кейин қолган чандикларни кўрсатиш мақсадида шалварининг

пойчаларини шимарди. Хитойнинг узок қишлоқ худудларида саёҳат қилиб юрар экан, қиз кўпинча ташландик харобаларда ухларди, ҳатто баъзида очиқ далаларда тунашига тўғри келарди. Уни том маънода пашшалар ва қумурсқалар еб тугатган эди.

“Эртага биз иккимиз шифокор қабулига борамиз”, — уни кўндиришга ҳаракат қилдим мен.

“Йўқ, йўқ, — деб эътиroz билдириди у, — эртага Ички Монголия худудларига жўнайдиган поездга улгуриб боришим керак. Муқаддас Китоблар қани?” Мартани факат бир нарса хавотиргага соларди — Ички Монголияга тезроқ Муқаддас Китобларни етказиб олиб бориш!

1983 йилнинг август ойида Марта кўздан ғойиб бўлди, бедарак йўқолди. Буларнинг ҳаммаси Хитойда, “урушга қарши кампания” вақтида юз берди. Ҳамма жойда масиҳийларни тутиб қатл қилишар эди. Биз Мартадан жуда хавотирландик.

Кейинроқ қиз биродарларимиздан хат бериб юборибди. Аслида бу хат эмас, бир парча қофоз эди. Қизни “диний афъюн”ни тарқатувчи сифатида айблаб, Хитой Халқ Республикасида тутиб олишибди.

Қисқача хатда шундай дейилган эди: “Мени қандай жазо кутаётганигини билмайман, аммо сизлардан ўтиниб сўрайман, мен учун ибодат қилинглар”. Марта ўз хатини Павлуснинг сўzlари билан якунлабди: “...Ҳар турли дуо ва ёлворишлири билан, Муқаддас Рух илҳоми билан ҳар доим ибодат қилинглар. Ибодатда ҳушёр ва саботли бўлиб, барча Худонинг азизлари учун илтижо қилинглар” (Эфесликларга 6:19, 20).

Бир неча кундан кейин эндиғина йигирма тўрт баҳорни қаршилаган Мартани қатл қилишганлиги тўғрисидаги шум хабар бизга етиб етиб келди. Эътиқод учун тўланган ҳак мана шундай эди».

## Қўшимча муроҳазалар

Ҳозирги кунда кўплаб масиҳийлар ўз таналарида Раббий Масих жароҳатларини олиб юрибдилар. Катталарни ва болаларни қамоққа оладилар ва қийноққа соладилар. Лотин Америкасида ва ислом давлатларидаги масиҳийлар радикал фундаменталистлар зулмидан азоб чекадилар.

Лекин бошқа жароҳатлар ҳам мавжуд. Бу жароҳатларни ўз эрларини ва бокувчисини йўқотган бева ва етимларнинг кўзларига қараб кўриш мумкин. Бу ота-онасидан мажбуран айрилган болаларга етказилган руҳий жароҳатлардир. Бу — Покистоннинг хароб кулбаларида, Миср шаҳарларининг ахлатхоналарида ва Судандаги қочоқларнинг лагерларида яшаб, очликдан, қашшоқликдан ва саводсизликдан азоб че-каётган имонлиларнинг тирик қолиши учун курашдир.

Гарбда, эҳтимол, бундай жароҳатлар унчалик кенг тарқалмагандир. Бу ерда масиҳийлар қамчига қараганда, пряниклардан кўпроқ азоб чекаётган бўлсалар кепрак. Уларнинг душмани қулайликлар, шаҳвоний нафс балоси, баҳиллик ва хасисликдир. Уларни айш-ишрат кўр қиласи, бизнес йўлдан озиради, гуноҳкорлик ҳисси ташвишга солади.

## Онг учун озуқа

Сизнингча, одамларнинг Америка ва Европада руҳан ўсиши қийинроқми ёки имонлиларни очиқдан-очиқ таъқиб қилаётган Хитой ва Кубага ўхшаган мамлакатлардами? Нима учун?

## Келажакдаги тадқиқотлар

Масиҳийлар таналарида кулфатлардан азоб берувчи жароҳатларни ва мулкчиликка асосланган жароҳатларни олиб юрадилар.

- Чиқиш Китобининг 21-боб, 5–6-оятларида эркинликка чиқарилаётган бир қул ҳақида ҳикоя қилинади. Бу қул ўз хўжайинини шундай яхши кўрган эканки, уни асло ташлаб кета олмабди. “Шунда қул: — Мен хўжайинимни, хотинимни ва болаларимни яхши кўраман, озод бўлиб чиқиб кетмайман, — деб айтса, хўжайини уни ҳакамлар ҳузурига олиб келсин. Хўжайнин үнинг қулоғини эшикка ёки эшик ромига қўйиб бигиз билан тешсин. Ўшанда бу одам умрининг охиригача

хўжайинига қул бўлиб қолади”. Сизнинг қулоғингизда Масиҳнинг бигизидан тамға қолганми?

- Ҳизқиё Китобининг 9-бобида Исройлнинг қолган-күтган халқини поклаш ҳақида ва шаҳарда юз бер-ётган қабиҳликлардан сиқилиб зорланган кишиларнинг пешонасига бирон белги қўйилиб, ҳамма бошқа одамларни раҳм қилмай ўлдириш ҳақида, фақатгина пешонасига белги қўйилган биронта одамга ҳам зарар етказмаслик ҳақида гап боради. Халқлар оғир гуноҳга йўл қўйганлар, тамғасиз ҳар қандай одам қилич билан чопиб ташланиши керак эди.

- Ҳаворийларнинг моҳияти — тугал сабр-қаноат, ажойиб ва қудратли мўъжизалар ҳақида 2 Коринфликларга Мактубнинг 12-боб, 12-оятида санаб ўтилган.

- Албатта, маъно жиҳатдан қарама-қарши белги — Ваҳий Китобининг 13-боб, 16-оятида ҳикоя қилинаётган ҳайвон белгиси ҳам мавжуд. Бундай тамға каттаю кичикнинг, бою камбағалнинг, эркину тутқиннинг ўнг қўли ёки пешонасига босилсин, деб фармон чиқарилган. “Шундай қилиб, ким ҳайвоннинг тамғаси, яъни унинг оти ёки отининг сонига эга бўлмаса, мутлақо олди-сотди қиломас эди” (Ваҳий 13:17).

- Аюбнинг 15:22 да айтиши бўйича, “...фосиқлар оғриқда бўлади, уларнинг тақдири қиличdir”.

- Эфесликларга Мактуб 1:13 да ҳикоя қилинишича, биз нажот тўғрисидаги Хушхабарни эшитиб, Масиҳга имон келтирганимизда, имонимиз тасдиги ўлароқ, Худо ваъда қилган Муқаддас Рухга тўлган бўламиз.

10 — кун

## КҮЗ ИЛҒАМАЙДИГАН ДУШМАН

“Чунки бизнинг курашимиз ўткинчи башарга қарши эмас, балки самовий оламдаги ёвуз рүхий күчларга, ҳокимлару ҳокимиятларга, бу коронғи дунёни бошқараётган рухий хукмронларга қаршидир”.

Эфесликларга 6:12

Угандадаги йирик жамоатлардан бирининг қавмбошиси Кефе Семпангини, то мамлакатдан чиқиб кетмагунча, золимона ўч олишга таҳдид қилиб қўрқитишиди ва бир неча бор унинг ҳаётига суиқасд уюштиришиди. 1973 йили Фисихнинг биринчи куни махфий полициячиларнинг қўлига тушганда, ҳаётдан ажralиб қолишига сал қолди. Махфий полиция қотилларини диктатор Иди Амин Нубийдан ёллаб олган эди. Узоқ давом этган ибодатдан сўнг қавмбоши Семпанги кийимини алмаштиришга ичкари хонага кирди. У шунаңги чарчаган эдики, унинг кетидан кирган беш нафар номаълум кишиларни пайқамади ҳам. “Узоқдаги жабрзулмлар” номли китобида ҳодисалар ривожини Семпанги шундай тасвирлайди:

«“Биз сени ўлдирамиз, — деди босқинчиларнинг бошлиғи Семпангининг юзига милтиқни тираб. Қолган бандитлар уни ўраб олишди. — Агар ўлиминг олдидан айтадиган сўзларинг бўлса, гапир!”

“Мен аллақачон йўқман, — худди четдан янграгандай ўз овозини эшилди Семпанги, — мен ўз руҳимни Масихга топширганман. Лекин сизларнинг руҳингиз хав-хатарда; сиз ўз гуноҳларингизда ўликсизлар. Сизлар мени ўлдирганингиздан кейин, Худо сизга раҳм-шафқат қилишини ва абадий ўлимдан қутқаришини сўраб ибодат қиласман”.

Босқинчиларнинг бошлиғи қуролини туширди ва қолган бандитларга ҳам шундай қилишини буюрди.

“Биз учун ибодат қиласанми?” — сўради у.

“Ха”, — деб жавоб қилди Семпанги.

Ҳаммалари биргаликда ибодат қилиш учун тиз чўкишди.

“Самовий Ота... Сен олдин ҳам одамларнинг гуноҳини кечириб келгансан, ҳозир ҳам бу одамларнинг гуноҳини кечиргин. Бу одамларни гуноҳда ўлишига йўл қўйма, уларни Ўз бағрингга олгин”.

Новчадан келган бошлиқ биринчи бўлиб гапирди.

“Сен бизга ёрдам қилдинг, — деди у, — биз ҳам сенга ёрдам қиламиш. Команданинг бошқа аъзолари билан гаплашиб қўямиз. Ўз ҳаётингдан хавотир олма, ҳаётинг бизнинг қўлимиизда, биз сени ҳимоя қиласамиз”».

## Кўшимча мулоҳазалар

Жамоатнинг душманлари — яхудийлар ҳам, римликлар ҳам эмас, коммунистлар ва папистлар ҳам эмас. Бугунги кунда бизнинг душманларимиз — ҳукумат ҳам эмас, сохта таълимочилар ҳам эмас, махфий полиция ёки қандайдир диний гуруҳлар ҳам эмас.

Тўғри, одамлар қилич кўтариб бошқаларни азоблайдилар, масхара қилиб устидан куладилар, хўрлайдилар. Бу дунёning шоҳлиги Худо Шоҳлигига ва Унинг Ёғсуртилгани Масихга қарши жанг қиласди.

Мана шунинг учун ҳам имонлининг қўлидаги қудратли қурол — бу сиёsat эмас, балки ибодаттир. Ибодат, гарчанд душманлар кўзга кўринмас бўлса-да,

реал мавжуд бўлган режаларни барбод қиласди, сиёsat эса фақатгина одамлар ва ғоялар билан бўлган курашда кўл келади.

Ибодат масиҳийлар ва Инжил учун белгилаб қўйилган визалар ва рухсатларсиз саёҳат қиласверади. Ибодат бандиларнинг кишсанларини узиб ташлайди. Ибодат ёлғон ва сохта дин тубанлигига күёшдай чараклаб туради. Ибодат одам иш қила олмайдиган жойларда фаолият кўрсатиш хуқуқини Худога беради. Бизнинг харакатларимиз самарасиз бўлган жойларда, ибодат бизнинг ўрнимизга хизмат қиласди.

Ибодат мўъжизалар яратади: ёниб турган печдан яҳудий йигитларни кутқарди, шерларнинг оғзини тўсиб, оддий инсонларга ҳайратомуз қаҳрамонликларни кўрсатишга ва мисли кўрилмаган азоб-уқубатларни бошдан кечиришга имкон берди.

## Онг учун озука

Сизнинг қандай ибодатларингизга Худо жавоб берди? Худонинг содиқларини сиз нима билан тасдиқлашингиз мумкин? Шундай қилиб, эътиқодда мустаҳкамланиб ва билимлар билан куролланиб, қувфинга учраган биродарларингизни унутмасликни жо қилишини ва тиз чўкиб улар учун ибодат қилишингизга куч ато этишини Муқаддас Руҳдан илтижо қилинг.

## Келажакдаги тадқиқотлар

- Дониёр Китобининг 9 ва 10-бобларидаги Форс шоҳлигининг хукмдорига, Дониёрнинг қилган ибодатига кўра, Исройл халқи келажаги тўғрисида унга хабар қилиш учун келган фаришта ўртасидаги руҳий жанг ҳақидаги ҳикояни ўқинг.

- Ҳизқиё ибодатини Раббий эшитди ва уни Санхарив қўлидан кутқарди — 4 Шоҳлар 19:19, 20.

- Ёшафатнинг ибодатига кўра, Худо унинг душманларини тор-мор қилди — 2 Солнома. 18:31.

- Раббий Закариёнинг ибодатларини эшилди, унинг хотини Элисабет ўғил түгди. Бу ўғил бизга Яхё пайғамбар сифатида таниш — Луқо 1:13.
- Ҳатто Муқаддас Рухнинг тушиб келиши ҳам ибодатнинг натижаси эди — Ҳаворийлар 4:31.

## Амалий машғулотлар

Худо кўплаб ибодатларга жавоб беради ва одамларнинг бажаришга имконияти йўқ нарсаларни амалга оширади. Агар имонли одам бирор эҳтиёж юзасидан ўзини қирқ кун мобайнида ибодатга бағишлиб, бу вақт оралиғида гуноҳга йўл қўймаса, мўъжизалар юз бериши мумкин. Сиз яхши кўрган инсонларнинг қутқарилиши ёки сизни таъқиб қилувчилар учун худди ўшандай ҳолатда қирқ кун ибодат қилинг.

11 — кун

## БАХТ-САОДАТЛИ ИШОНЧ

“Биродарлар, мен ўзимни муродимга етиш-  
ганман деб ўйламасам-да, фақат бир нарсани-  
гина ўйлайман: орқамда қолганларни унутиб,  
олдимдагиларга кўз тикаман. Худо Исо Масих  
орқали мени олий мақсадга чорлади. Мен бу-  
ни адо этиб, ғалаба гулчамбарини кўлга кири-  
тиш учун жон-жаҳдим билан ҳаракат қиласман.  
<...> Бизларнинг ватанимиз эса осмондадир.  
У ердан биз Халоскоримиз — Раббимиз Исо  
Масихнинг келишини кутяпмиз. Ҳар нарса-  
ни бўйсундириш кучига эга бўлган Раббимиз  
Исо Масих келганда, худди шу кучнинг таъ-  
сири билан бизнинг ожизу фоний танамиз-  
ни Ўзининг улуғвор танасига ўхшатиб ўзгар-  
тиради”.

Филиппиликларга 3:13,14, 20,21

Бу коммунистик Руминияда юз берган эди. Ҳукм  
қилинган бир масиҳий жазо олдидан ибодатни ёзиб  
қолдирди:

«Раббий, мен ва менинг уйимдагилар самоларда то Сени  
кўриб билмагунимизча, интиқлик билан улуғ кунни кутаве-  
рамиз. Сенинг қаршингда турувчи буюк хушхабарчиларни  
кўришни зорланиб кутмоқдаман. Сенинг элчиларинг хур-  
сандчилик билан ҳосил дастасини кўтариб қайтишлари-  
ни кўришни сабрсизлик билан кутмоқдаман. Сени улуғлаб  
куйловчи ажойиб саночиларнинг овозини эшитишни бето-  
қат бўлиб кутмоқдаман. Сенинг қаршингда ҳамма вақт ва

ҳамма замонда турувчи барча қудратли пайғамбарларни кўришни бесабрлик билан кутмоқдаман. Бироқ, Раббий, менинг Сенга ўзгача илтижоим бор. Ўша кун келганда, мен Сенинг ҳузурингда асирнинг либосида бўлишимга рухсат бер. Бандиларнинг дағал кийимини кийиб олиб, Сени абадийликда улуғлашга ижозат бер, токи Сен учун банди бўлганимни мен доимо эслаб юрайин».

## Қўшимча мулоҳазалар

Бир ёғочни ёки бир нечта ғиштларни синдириш учун жанговар кураш қонунлари бўйича бутун диққат-эътиборни обьект ташқарисида бўлган бир нуқтага жамлаш талаб этилади. Қолаверса, ушбу нуқтани аниқ нишонга олиш учун қўйилган мақсадга интилиш лозим. Мақсадга эришишда йўлда қандай тўсиқлар — ёғоч ёки ғиштлар учрашидан қатъий назар, муваффақиятга эришиш керак.

Худди шунингдек, қувфинга учраётган масихийлар ҳам абадий ҳаётнинг улуғвор чашмасидан — ҳаётдан куч-куват олишади. Ўша самовий ҳаётда азоб-уқубатлар бўлмайди, масихийларнинг хоҳиш-истаги — Исо билан ҳаёт кечиришdir.

Гўлгўтада тавба қилган жиноятчи сингари, ҳар бир масихий ўлим олдидан ҳам хурсанд бўлишига сабаб бор. Бизнинг азоб-уқубатларимиз нихоясига етганда, Исо Масих ҳар биримизга шундай дейди: “Сенга чиндан айтаманки, бугуннинг ўзида сен Мен билан бирга жаннатда бўласан” (Луко 23:43).

## Ақл учун озука

Сизнинг нуқтаи назарингиз бўйича, ҳозирдагига қараганда осмонда умуман бошқача бўлиши мумкин бўлган нарсаларни иложи борича қофозга ёзиб чиқинг. Заминда мавжуд, аммо самода бўлмаган нималардан сиз азият чекасиз? Сизнингчча, осмонда ҳаёт қандай бўлади?

## Келажакдаги тадқиқотлар

• Павлуснинг 2 Коринфликларга (5:68) Мактубида айтишича, узокда ғарибликда яшашдан кўра у Раббий хузуридаги ватанга кўчишни хоҳларди. Филиппиликларга Мактуб 1:21–24 да Павлус шундай дейди: “Мен учун хаёт — Масихдир, ўлим эса — ютуқдир. Агарда бу баданда яшаётганим менинг ишимга самара келтираётган бўлса, унда нима танлашимни ҳам билмайман. Мени униси ҳам, буниси ҳам тортади. Бир ёқдан тугаб, Масих билан бирга бўлишни орзу қиласман, чунки бу жуда ҳам яхши бўларди. Аммо иккинчи ёқдан менинг баданда қолишим сизлар учун яна ҳам кераклидир”.

• Римликларга Мактуб 8:18, 19 да таъкидланишича, “...бизга зоҳир бўлажак улуғворлик олдида шу он азоб-уқубатларини айтиб ўтишга ҳам арзимасдир. Мана, Худо Ўз фарзандларини зоҳир қилишни бутун маҳлукот муштоқ бўлиб кутмоқда”.

• Ишаё 35, 2 Бутрус 3:13 ва Вахий 21-боб 1–6-оятларини ўқиб чиқинг.

12 — кун

## «ҚАМОҚДА ЁТГАНИМНИ ЭСДАН ЧИҚАРМАНГЛАР»

“Мен билан бирга қамалган Аристарх ва Барнабонинг жияни Марк ҳам сизларга салом йўлляяптилар. Марк ҳақида буйруқ олгансизлар; агар олдингизга борса, уни яхши қабул қилинглар. Юстус лақабли Исо ҳам сизларга салом йўлляяпти. Худонинг Шоҳлиги йўлида меҳнат қилаётган булардан бошқа яхдий ҳамкорларим йўқ. Улар менга юпанч бўлиб келмоқдалар. Исо Масиҳнинг қули, ҳамشاҳарингиз Эпафрас сизларга салом йўлляяпти. Сизлар Худога маъқул бўлган ҳамма нарсани бажарувчи етук, ишончи комил кишилар бўлиб оғишмай туринглар, деб Эпафрас зўр гайрат билан, тинмай ибодат қилмоқда. У сизлар учун ҳамда Лаодикия ва Иераполь шаҳарларидағи Масиҳ жамоатлари учун не-не заҳматлар чекканига ўзим шоҳидман. Севимли табиб Луко ва Димас сизларга салом йўллашяпти. <...> Мен, Павлус, ўз қўлим билан бу дуюи саломни ёзяпман. Қамоқда ётганимни эсдан чиқарманглар!”

Колосаликларга 4:10–14, 18

Таъқиб қилинувчи жамоатларнинг масиҳийлари мунтазам равишида қамоқдаги биродар ва сингилларини қўллаб-куватлаш мақсадида бориб кўриб турадилар. Қолаверса, асириликда бениҳоят зарур бўлган озиқ-овқатларни доимо етказиб беришади. Кўплаб манбаларга биноан, бу имонлилар қисқа фурсатлик кў-

ришувдан сўнг қамоқхона ёки лагерь четига чиқиб, баланд овозда куйлашар экан.

Хитой тилидан таржима қилинган мана шундай қўшиқлардан бири:

Ўрмон, гулу даладан йироқда,  
Қафасга қамалган кичик қушчаман.  
Сен учун Раббий, бандиликда мен.  
Кун бўйи юрагимни Сенга очиб,  
Қўшиқ айтиб, шодланаман мен.  
Учишни истаган қанотларимни Сен,  
Самоларда тутиб турасан тоабад.  
Қўшиқларимга қулоқ тут, айтишим зарур –  
Сенинг улкан севгинг менда жўшиб куйлади;  
Сенинг севгинг кулиман, ундан кета олмайман.  
Қамоқнинг азобларини ким тушуна олади?!  
Лекин Раббий севгиси уни марҳаматли қиласди;  
Раббий, Сен ҳозирлаган йўлни,  
Мен жуда яхши кўраман.  
Сен яратган барча мавжудот,  
Сенинг ажойиб севгингни куйлар.

Ушбу қўшиқ қамоқхонадаги масиҳийга аталган эди. Маҳбус қоронғу хонада юқоридан янграётган бу қўшиқни тинглар экан, унинг қалб торлари нола чекди, кўзларидан қувонч ёшлари оқди.

## Қўшимча мулоҳазалар

Жамоатларга йўллаган мактубларда, Павлус у билан бирга хизмат қилган ва унга ёрдам берганларга, айниқса азобли ўлимидан олдин асирикда бўлган маҳбуслар учун ҳамду санолар куйлашни илтижо қиласди.

Унинг айтишича, бир эътиқоднинг эгалари Павлуснинг юрагига таскин берар эканлар. Павлус уларнинг севгисини, хизматини ва Жамоа ҳақидаги ибодатларини улуғловчи саноларни куйлар эди.

“Севинаётганлар билан бирга севининглар, йифлаётганлар билан бирга йифланглар”, — дейди Павлус

Римликларга Мактуб 12:15 да. Луқо баён этган Хушхабарда эса Исо Масиҳ Ишаё китобининг 61-бобидан қўйидаги оятларни келтиради: “Худованднинг Руҳи Менга ёр, У Мени муқаддас мой-ла мойлади. Бечораларга мужда етказмоқ учун, дилабгорларга шифо бермоқ учун, асирга: озод бўлгил, басирга: очилсин кўзинг, демоқ-чун, мазлумга эркинликни эълон этиб, марҳамат йили бўлгай демоқ-чун, Худованд Мени юборди” (Луқо 4:18, 19).

Таъқибга учраган биродарларимиз ва сингилларимиз учун имкон қадар шундай хизмат қиласиз. Муқаддас Калом билан уларни илҳомлантириб, ибодат орқали уларни юпатамиз ва қўллаб-куватлаймиз.

## Ақл учун озуқа

Павлус саломини илтижо билан яқунлайди: “Қамоқда ётганимни эсингиздан чиқарманглар”. У қўшимча ёрдам ёки юпанч ҳакида илтижо қилдими? Солиҳларни қўллаб-куватлашга у ҳаракат қилдими? Агар “ҳа” бўлса, унда қандай қилиб? Маҳбусларнинг кишанлари сизга қандай собоқ бериши мумкин? Куйида Ёзувдан олинган оятларга эътибор қилинг.

## Келажакдаги тадқиқотлар

- Ҳаворийларнинг 16-бобидаги Павлус билан Сила қамоқдалиги ҳакидағи ҳикоядан қандай холосага келиш мумкин?
- Сизнингча, Ҳаворийлар 26-боб, 29-оятида Павлус шоҳ Агриппага шундай деганда, нимани назардан тутган: “Хоҳ қисқа, хоҳ узоқ муддатга бўлсин, факат ўзингизга эмас, балки бугун мени тинглаётганларнинг ҳаммаси ҳам, бу занжирлардан холи, мен каби бўлишларини Худодан сўрар эдим!”

- 2 Тимўтийга 1:16-оятда Павлус шундай дейди: “Раббимиз Онисифорнинг уйига марҳамат эҳсон этсин. Чунки у занжирбандлигимдан уялмай, бир неча марта

келиб менинг кўнглимни кўтарди”. Ба Филимўнга 10-оятда Павлус маҳбуслигида топган асранди ўғли Ўнисим ҳақида илтижо қиласиди. Бу икки парчада Павлус бизни нимага ўргатади?

## **Амалий машғулотлар**

Ишаё Китобининг 35-боб, 4–10-оятларини ёд олинг. Бу ерда азоб-уқубатсиз ва дардсиз дунё тасвирланади. Ушбу парчани эслаб қолиб, сиз биродарингиз ёки синглингизнинг азобларини енгиллаштириш ва уларни овутиш учун ҳар доим ҳам керакли бўлган сўзларни топшингиз мумкин.

13 — кун

## МАТОНАТЛИ БҮЛІНГЛАР

“...Ва укамиз Тимўтийни сизнинг олдингизга юборишга қарор қилдик. Тимўтий Масих Хушхабарини тарғиб қилишда бизнинг ҳамкоримиз ҳамда Худонинг хизматкоридир. У сизларни имонда мустаҳкамлаб, рухлантиради, токи бу қайғулар билан яна бирортаси йўлдан тойиб кетмасин. Тақдиримиз қайғули эканлигини ўзларингиз биласизлар. Биз ёнингизда бўлганимиздаёқ, биз учун қайғусизлик бўлмайди, деб сизларга таъкидлаган эдик. Билганингиздек, худди шундай бўлди. Шунинг учун мен ортиқча сабр қилолмай, мабодо васвасачи сизларни йўлдан оздирмадими, меҳнатимиз беҳуда кетмадими, деб имонингизнинг аҳволини билиш учун укамизни юбордим”.

1 Салоникаликларга 3:2-5

Касби кори шифокор бўлган Хитой масиҳийларидан бирининг ҳикоя қилишича, у Масиҳни севганлиги туфайли Мао образига бош уриб сажда қилишдан воз кечган (хитойча *kowtow* — хурмат ва итоаткорлик на мунаси сифатида пешонани ерга текизиб сажда қилиш). Уни ўлгудек дўппослашди. Шунда хукумат аъзолари айёрлик билан иш тутишди. Шифокорнинг ёнига унинг қариндош-уруғларини келтириб ташлашди. Улар шифокорни ўраб олишди. Мана унинг тарихи:

«Менинг еттита фарзандим ва хотиним бор. Уларнинг ҳаммаси менинг атрофимда туришибди. Хотиним хўнграб

йиғлаб менга деди: “Агар сиз *kowtow* қилишга рози бўл-масангиз, сизни ўлдиришади, кейин биз нима қиламиз?” Оила аъзоларим уч кечао уч кундуз атрофимда йиғлаб туришди. Хотинимнинг кўзлари аччиқ ёшлардан яллиғланиб кетди.

“Сиз ўлиб қолсангиз, болаларингизнинг тақдери нима бўлади? Илтижо қиласман, оиласнгиз учун *kowtow* қилинг!”

Улар йиғлайверишиди, йиғлайверишиди. Мен нима қилиш кераклиги билмасдим. Ва ниҳоят, мадорсизланиб мен зорландим: “Раббий, қулингга ёрдам бер. Айт, мен қандай йўл тутай?”

Учинчи куни менга Раббийнинг жавоби етиб келди: “Агар ким Менинг хузуримга келса-ю, ўзининг ота-онаси, хотини, бола-чақаси, ака-укаси, опа-сингиллари ва ҳатто ўз жонидан кўнгил ўзмаса, у Менинг шогирдим бўлолмайди” (Луқо 14:26).

Аллилуя! Худонинг кучсиз сўзлари бўлмайди. Эгам Ўз сўзлари билан менга жон киргизди ва Ўз кучи билан мени тўлдирди.

Мен хотинимга дедим: “Йиғлашни бас қилгин. Кўз ёшлар билан иш битириб бўлмайди. Раббийнинг шогирди сифатида мен У учун ўлимга тайёрман!”

Эрталабки текширувда менга яна *kowtow* қилишни мажбурлашди, мен эса масиҳийман деб жавоб бердим. Майли, мени ўлдиришсин, аммо мен бутларга *kowtow* қилмайман.

“Агар сен бугун *kowtow* қилмасанг, унда бугун сени ўлгунингча урамиз, кейин кўрамиз, куч ва қудрат кимнинг кўлида экан!”

Албатта мен *kowtow* қилмадим, ана шунда улар мени яна дўппослашга тушдилар. Раббим мени ташлаб қўймади, аммо Пилатнинг ховлисида Исони уришганидагига ўхшаш ҳис-туйгуни бошимдан кечиришимга тўғри келди. Ўшанда ҳеч ким Раббийга раҳми келмаган эди. У Ўз ҳаётини бизга бағишилади. Раббий учун беришни истамаган бизнинг бирор бир нарсамиз бормикан?

Олдинига мени уриб полга йиқитишиди, сўнгра арқон билан тортиб “молхонага” олиб киришди, сўнгра қаттиқ қилиб боғлаб оёғимни тепага қилиб осиб кўйишиди. Қийноқларнинг охири кўринмас эди. Хушимдан кетгунимча роса уришди, сўнгра дазмолларни киздириб, юзларимга галма-гал босишаверди.

Шивиллаш эшитилиб этларим күярди, аммо оғриқ сезилмасди. Мұқаддас Китобнинг ушбу сўзларини аввал тушунмас эдим: “Менинг юрагим қора мўм сингари ичимда эриб кетди”. Раббийни тепкилашганда, Унинг юраги мўм каби эриб кетган эди. Бундай холатни ўзим бошимдан кечирганимдан кейин бунинг нималигини ва қандайлигини тушундим.

Кимdir менинг киприкларимни кўтарди ва кўзимга қаради. “Тезроқ арқонни бўшатинглар, кўзларини қорачиғи кенгайиб кетибди, у ўлган!” Ушбу сўзларни эшитгач, Раббий мени ташлаб кўймаганлигини тушундим.

Кейин кунларнинг бирида мени бошлиқ чақирирди ва деди: “Қандай ахволга тушганингни яхшилаб ўйлаб кўргин. Агар яшашни истасанг, *kowtow* қил. Бўлмаса, сени ҳақиқатдан ҳам ота-боболаринг ҳузурига жўнатишади. Бугун ўқлар билан сенинг баданингни илма—тешик қилиб юборамиз. Сен қатл этиласан! Сенинг фақатгина биттагина имкониятинг қолди”. Ушбу суҳбатдан сўнг мени “яхшигина ҳаммасини ўйлаб кўриш учун” олиб кетишиди.

Лекин менга “яхшигина ўйлашнинг” кераги йўқ эди. Мен ўлимга тайёр эдим. Бир кеча ўтди, аммо мени чақиришишмади.

Кейинги кун озодликдаги одамларнинг у ёқдан—бу ёкка алланимадан ҳавотирланиб югуриб юрганларига аҳамият бердим. “Қизик, нима бўлди экан!?” — ўйладим мен. Менга сўзлаб беришларига караганда, мен кабинетдан чиқишим биланоқ бошлиқнинг оёқлари ўз-ўзидан оғриб, шишиб кетибди. Бора-бора оёқлари корайиб, оғриқдан инграй кетибди. Ахир, у бошлиқ эмасми, ҳамма шифокорлар ёрдам кўрсатишига шошилишибди. Бироқ оёқдаги қора яралар шиддат билан кўпайиб, бир кундан кейин у оламдан ўтди.

Мана, нима учун мени кечаси чақиришишмаган экан».

## Қўшимча муроҳазалар

Имонли сиқувга олинган тақдирда ҳам, биз Масихга хиёнат қилишимиз мумкинлигига ҳеч кимнинг ишонгиси келмайди. Шундай бўлса-да, ҳозирги даврда кўплаб бошқа мамлакатлардаги масиҳийлар бошидан ўтказган тазийкقا Фарбда камдан-кам одам дуч келган. Бундай холатдан Павлус ниҳоятда ташвишланган. Са-

лоникадаги жамоага юборган Мактубида шундай ҳолат намоён бўлади.

Исонинг Ўзи ҳам келажакдаги синовлар ҳақида шогирдларини огоҳлантирган. “Ўшанда сизларни қийнаш ва ўлдириш учун тутиб берадилар. Менинг номим тифайли барча халқлар сизлардан нафратланади. Ўшанда кўплар васвасага тушиб, бир-бирини тутиб беради, бир-биридан нафратланади. Кўпдан-кўп сохта пайғамбарлар пайдо бўлиб, кўпларни йўлдан уради. Ёвузлик авжга чиқиши тифайли кўпчиликнинг севгиси совиди” (Матто 24:9–12).

Ғарbdаги масиҳийлар ҳали қамоқларда эмаслар. Эътиқодучун уларни азобламайдилар. Аммо бошқа мамлакатларда кўплаб масиҳийлар занжирбанд қилинган ва қийноққа солинмоқдалар. Шундай бўлса-да, қонунга хилоф ҳолатлар Ғарбда ҳақиқатдан ҳам жуда кўп учрайди. Шунинг учун ҳам кўплаб масиҳийлар ҳақиқат йўлидан оғиб, бошқа йўлдан юриб кетмоқдалар: нарсаларни сотиш ёки мижоз орттириш учун улар ёлғон гапирадилар, солиқларни вақтида тўламай фирибгарлик қиладилар, кўшимча даромад олиш мақсадида яроқсиз товарларни ҳам қабул қиласверадилар, ўғирлик, турли кўринишдаги маҳинациялар тобора авж олиб бормоқда.

Ибронийларга Мактубда шундай ёзилган: “Сизлар гуноҳга қарши курашишда ҳануз қон тўкилишига қадар қаршилик кўрсатмабсиз...” (Ибронийларга 12:4). Ушбу сўзларнинг муаллифи, эҳтимол, бу ерда ҳозирги замон гарб имонлиларини назарда тутган бўлса керак.

## Ақл учун озуқа

Ҳеч қачон, то аслида таъқибларга учрамагунингча, ўзингни қандай тутишингни аниқ айтиб бера олмайсан. Бироқ баъзи бир масалаларда олдиндан фикр юритиб, қалбимизда нима борлигини аниқлаб билиш мумкин. Масалан, даромадингизнинг ўндан бир миқдорини жамоага ажратганингизда ва эҳсон қилганингизда, сиз солиқ тўлашда қонун бўйича маълум бир имтиёзга эга

бўласиз. Энди ўйлаб кўриб айтинг—чи, агар солиқ тўлашда имтиёзга эга бўлмаганингизда, даромадингизнинг ўндан бир миқдорини жамоага ажратган бўлармидингиз ёки эҳсон қилган бўлармидингиз? Агар сизнинг мамлакатингизда шахсий кутубхонада Муқаддас Китобга эга бўлиш таъкиқлаб қўйилса, сиз қандай йўл тутган бўлардингиз? Агар мамлакатингиз ҳукумати мавжуд бўлган барча жамоатларни ёпиш керак деб айтса, сиз нима қилган бўлардингиз?

## **Келажакдаги тадқиқотлар**

- Матто баён этган Муқаддас Хушхабар 13:1-23 дан уруғ сепувчи ҳақидаги масални ўқинг, айниқса, 20–21-оятларга дикқатингизни қаратинг.
- Матто Хушхабарининг 26-боб, 56-оятида пайғамбарларнинг оятлари бажо келиши ҳақида гапирилади.
- Бутруснинг Исодан тониши ҳақида тўртала Инжилда ҳам баён этилади. Токи Исога энг яқин бўлган шогирдлар ҳам бирдан ҳушёрликни йўқотиб, тана бўйича иш тутишлари мумкинлигини қўрсатиб бериш учун. Шундай имконият борлигини эсда тутиб, биз таъқибга ва қувғинга учраган инсонларга нисбатан раҳм—шафқат қўрсатамиз ва Исо Бутрусни ташлаб қўймагани каби, ҳозирга қадар ҳам Уазоб чекканларни тарк этмаслиги ни англаб етамиз.
- Тимўтийга Иккинчи Мактуб 4:9–16 да айтилишича, таъқиблар пайтида Павлуснинг яқин дўстлари ҳам уни ташлаб кетишган.

14 — кун

## ИБОДАТ ҚИЛИНГЛАР

“Хуллас, эй биродарлар, Раббимиз қаломи худди сизларда бўлгани сингари, бизнинг орамизда ҳам тез ёйилиши ва улуғланиши учун ибодат қилинглар. Бузук ва ёвуз одамлардан қутилишимиз учун ҳам ибодат қилинглар; чунки ҳамма ҳам имонли эмас”.

2 Салоникаликларга 3:1, 2

Бир миссонер отпускага чиқди ва Мичиган штатида ўз жамоасига ваъз ўқиди. У шундай ҳикояни сўзлаб берди:

«Мен Африканинг унча катта бўлмаган дала госпиталларининг бирида хизмат қиласдим. Ҳар икки ҳафтада бир ма-ротаба дори-дармонларни сотиб олиш учун джунгли бўйлаб велосипедда шаҳарга боришимга зарурат туғиларди. Йўлнинг ўзига икки кун кетарди, бунинг устига кўпинча очиқ яп-яланг далада тунашимга тўғри келарди.

Шундай қилиб, кунларнинг бирида банқдан пул олиб, дори ва озиқ-овқат сотиб олиш учун яна шаҳарга келдим. Йўлда кетаётганимда икки муштлашаётган одамларни кўриб қолдим. Унинг устига улардан бири жиддий яраланган эди. Унинг жароҳатларини боғлар эканман, унга Раббимиз Исо Масих ҳақида гувоҳлик бердим. Шаҳардаги ишларимни ба-жардим ва икки кун йўл юриб, кечаси қоронғу джунглида тунаб, эсон-омон уйга кайтиб келдим.

Орадан яна икки ҳафта ўтди, яна навбатдаги шаҳарга бо-риш зарурати туғилди.

Эндиғина шаҳарга кириб борган эдим, ёнимга ёшгина бир йигит келди. Бу йигит икки ҳафта олдин мен жароҳатини

боғлаган ярадор бўлиб чиқди. Унинг айтиши бўйича, мен пул, дори ва озиқ-овқат олиб кетаётганимдан у хабардор экан. Йигит деди:

“Сиз джунглида ёки очик далада бир ўзингиз тунаб қолишингизни биз дўстларимиз билан билардик. Шунинг учун сизни пойлаб, орқангиздан изма-из кетаётган эдик. Биз сизни ўлдириб, пул, дори-дармон ва озиқ-овқатга эга бўлмоқчи эдик. Аммо биз сиз тунаб қоладиган жойга яқинлашганимизда, сизни йигирма олтита қуролланган аскарлар куршаб турганини кўрдик”.

Йигитнинг гапларига мен кулиб юбордим ва у ерда бир ўзим бўлганлигимни айтдим.

Лекин йигит гапида қатъий турарди: “Йўқ, сэр, тан соқчиларини фақат мен кўрганим йўқ. Менинг бешта дўстларим ҳам уларни кўришган, биз соқчиларни битталаб санаб чиқдик. Уларни деб биз режалаштириб қўйган ишимиздан воз кечдик ва сизни тинч қолдиришга қарор қилдик”.

Ваъзнинг шу ерида жамоа аъзоларидан бири дик этиб ўрнидан турди ва миссионернинг гапини бўлиб, бу ажойиб воқеа қачон юз берган санани сўради. Миссионер бўлиб ўтган воқеанинг аниқ санасини, ойини, ийлини айтди. Шундан кейин ваъзни бўлган одам қуйидаги хикояни сўзлаб берди:

“Африкада бу воқеа содир бўлаётган вактда, бизда эрта сахар эди. Бир гольф ўйинининг тўртинчи партиясига тайёрланаётган эдик. Бирдан сиз учун ибодат қилгим келиб қолди. Бу истак шундай кучли, Худонинг даъвати нақадар улкан эдики, мен жамоатимиздаги ҳамма биродар ва сингилларимизни таклиф қилдим ва шу муқаддас даргоҳда сиз учун ибодат қилдик. Биродарлар ва сингиллар, ўша куни ибодат қилганлар, ўрниларингиздан туринглар!”

Ўша куни шифокор миссионер учун ибодат қилганларнинг ҳаммалари ўрниларидан туришди. Миссионер бу одамлар ким эканлиги тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмади, у одамларнинг сонини санаш билан банд эди.

Ўрнидан турган масихийлар йигирма олтита эди».

## Кўшимча муроҳазалар

Ибодатнинг аҳамиятини баҳолаш имкони йўқ. Бир неча кун олдин биз амин бўлдикки, заминда масихийлар

қон ва танага қарши курашмайдилар ва ибодат — бу уларнинг курашидаги ниҳоятда қудратли қуролдир.

Мана шунинг учун ҳам ибодат қилишда қанчадан-қанча тўсиқлар пайдо бўлади: “Ибодат қилишга вақтим йўқ... Қаерда ибодат қилишни билмайман... Билмадим, нима учун ибодат қиласман... Нимадан бошлишни билмайман... Ибодат қиласману, аммо бефойда...”

Бироқ, Освальд Чемберснинг таъкидлашича, “Худо бизнинг ибодатларимизга жавоб қилаётгани учун ибодат қилишимиз керак эмас, балки У бизга ибодат қилишни амр этгани учун ибодат қиласмиз”.

Масиҳий ибодат қилиши керакми ёки ибодат қилиши керак эмасми — унинг танлаш имконияти йўқ. Ибодат қилиш унга амр этилган. “...Сизга жабр-зулм ўтказганлар учун ибодат қилинглар”, — дейди Исо Матто Хушхабарининг 5-боб, 40-оятида. “Васвасага тушмаслик учун ибодат қила туринглар”, — дейди Исо Масиҳ Луқо баён этган Хушхабарнинг 22-боб, 40-оятида. Эфесликларга Мактубда 6:18 Павлус шундай деб даъват этади: “Ҳар турли дуо ва ёлворишлар билан, Муқаддас Рух илҳоми билан ҳар доим ибодат қилинглар. Ибодатда хушёр ва саботли бўлиб, барча Худонинг азизлари учун илтижо қилинглар...”

“Биз учун ҳам ибодат қилинглар, — дейди Павлус, — токи Масиҳ сирини кўркмасдан баён қилишимиз учун, зарур бўлган сўзларнинг берилиши учун Худо оғзимизни очсин. Биз Инжил учун маҳбус бўлсак-да, бу элчиликни тегишлича оғзи ботирлик билан ижро этайлик”. Юқорида биз амин бўлганимиздек (саккизинчи кунни қаранг), “...Худонинг иродаси — ҳамиша хурсанд бўлишимиз, тинмай тоат-ибодат қилишимиз, ҳар қандай шароитда ҳам Худога шукр қилишдир, чунки биз Исо Масиҳ умматимиз”.

## Ақл учун озуқа

Ҳар доим тинимсиз ибодат қилишингизга нима халақит қиласиди? Ҳаётингизни ибодатда ўтказишга сиз-

га ҳалақит берувчи тўсиқларни енгиб ўтишингиз учун Муқаддас Ёзувда қандай панд-насиҳатлар ва қандай амалий машғулотлар сизга ёрдам беради?

## Келажакдаги тадқиқотлар

Исо шундай дейди: “Сиз аввало Худонинг Шоҳлиги ва Унинг иродаси пайдан бўлинглар, шунда буларнинг ҳаммаси сизга қўшимча қилиб берилади” (Матто 6:33). Агар Худо Шоҳлигига олдинроқ интилсак, ерадиги барча муаммоларимиз Худонинг шоҳидлигига ўз ечими ни топади. Исонинг Ўзи ҳар доим ҳаётидаги ҳар бир муҳим ҳодиса олдидан ибодат қиларди:

- Жамоа хизматига киришишдан олдин У бир ой рўза тутган ва тинмай ибодат қилган (Матто 4).
- Исо ўн икки ҳаворийни танлашдан олдин ибодат қилди (Луқо 6:12).
- Исо субҳидамда кўл устидан юришдан олдин ҳам ибодат қилди (Матто 14:22–25).
- Исо қиёфасини ўзгартиришдан олдин ҳам ибодат қилди (Луқо 9:28, 29).
- Юҳанно баён этган Хушхабарнинг 17-бобида айтилишича, Исо Ўз уммати учун, биз учун ва ўлганлар учун ибодат қилди.
- Шогирдлар Исога хиёнат қилишидан олдин ва У хочга тортилишидан олдин ҳам, У нарироққа бориб ибодат қилди (Матто 26:36).
- Шунингдек, Чиқиш Китобининг 33-боб 7-11-оятларини ўқиб чиқинг. Бу оятларда чодирнинг курилиши, Мусо ва Нун ўғли Ёшуа чодирда Раббий билан юзмайоз гаплашганлари ҳақида айтилади. (Шунга эътибор қилингки, Мусо қароргоҳга қайтиб кетса ҳам, унинг ёш ёрдамчиси Нун ўғли Ёшуа чодирни тарқ этмасди. Худо билан одат тусиға кириб қолган бундай яқинлик Мусонинг ўлимидан кейин айниқса муҳим бўлиб қолади.)

15 — кун

## РАББИЙ, ЎЗ ЧЎПОНЛАРИНГНИ ЮБОР!

“Агар ким имонлилар жамоатининг нозири бўлишга интилса, хайрли иш орзу қилган бўлади. Бу тўғри.”

1 Тимўтийга 3:1

Ғарблик бир мураббий Хитойда ёш раҳбарлар билан тайёрлов ишларини олиб борарди, чунки бунга жуда катта эҳтиёж сезиларди. Қуйида унинг гувоҳлигидан бир парча келтирилади:

«Ушбу раҳбарлар асосан ёш ва уйланмаган йигитлар эканлигининг ажабланадиган жойи йўқ. Бир қарашда, уларнинг шижаоти ва қудрати гўёки ошиб-тошаётгандай, аммо барибир баъзида улар ёрдамга муҳтож. Уларнинг баъзи-бirlари кайфиятларининг йўқлигидан ёки ёмонлигидан менга арз қилишарди. Бир йигит уйланишни хоҳлашини менга очиқ-оидин айтди: “Ёлғиз бўлгим келмаяпти”.

Уларнинг қийинчиликлари бизнинг машаққатларимиздан кескин фарқ қилса-да, бироқ уларнинг муаммолари жуда ҳам бизниги ўхшаб кетиши аста-секин аён бўлди. Улар ҳам ёлғизликтан ва қўркувдан азоб чекадилар, улар ҳам жинсий алоқа масаласини ҳал қилишга ҳаракат қиласидилар ва депрес-сиядан қутулишга интиладилар.

Материалистик тафаккурнинг инсонлар онгига секинлик билан сингиб бориши ва “катта маданият”нинг ирим-чиримлари уларнинг жамоаларини хавотиргага соларди. Ушбу жамоаларнинг қавмбошилари ўзларининг ожиз эканликларини

тан олардилар, уларнинг ожизликлари сабаби — бу Рух куч-қудратига эга бўлган муқаддаслар шоҳлигини қуриш ўрнига, улар тоталитар империяни яратишга интилишар эди. Мен бу ҳолатни машғулотлар жараёнида, яъни Коринфликларнинг баъзи бирлари Бутруснинг орқасидан, бошқалари — Аполлос ёки Павлуснинг орқасидан боришганлари тўғрисида сўзлаб бераётib англадим. Менимча, Хитойда ҳаммаси айнан шундай бўлган ҳам.

Мен доимо нўноқлигим, ўзимни муносиб равишда тута билмаслигим ҳисси билан курашишимга тўғри келарди. Ҳа, мен ким бўлибманки, элликта ёшларни, эркак ва аёлларни ўқитсан?! Бунинг устига, улар қамоқда бўлиб қайтганлар, шундайларга хос бўлган “ҳаёт мактаби”ни ўтаганлар ва қаерда “тиз чўкиб ибодат қилиш”ни билмаганлар.

“Мен сизларни ўқитишга лойиқ эмасман!” — деган садо отилиб чиқди ичимдан.

Менинг сўзларим уларни ларзага согландай бўлди. “Ахир, Сиз ўқигансиз-ку, — деб эътиroz билдиришиб улар. — Сизнинг билимларингиз бизга керак. Биз Муқаддас Китоб ҳақида, унинг келиб чиқиши ҳақида, унинг муаммолари ва мавзулари, Муқаддас Китоб қандай қилиб ягона яхлитликни ташкил этиши ҳақида кўпроқ нарсаларни билиб олишни хоҳлаймиз”.

Шунда мен Муқаддас Китоб тадқиқотчиларига нисбатан бўлган ўзимнинг олдинги муносабатимдан афсусландим: мен ҳамишадагидек бу “керак бўлмаган ақллилардан” ўзимни олиб қочардим. Шу нарса аниқ ва равshan бўлдики, мен уларнинг материалларисиз хеч нарса қиломас эканман. Бу ёш йигит–қизларга Брюс, Гордон Фи ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишларисиз Коринфликларга Мактубни тушунтиришнинг асло иложи йўқ.

Бизда семинарияларнинг, Муқаддас Китоб коллежларининг, кутубхоналарнинг ва Муқаддас Китобни турлича тилларга таржима қилинган компьютер программаларининг борлиги қандай яхши! Мен албатта уйга қайтганимда, иложи борича ва кучим етганича Худонинг ажойиб инъоми сифатида буларнинг ҳаммасидан фойдаланишга журъят этаман.

Ўкувчиларим билан хайрлашганимдан сўнг мен йиғлардим, чунки Худони жиддий қабул қилишмайдиган дунёга мен яна қайтиб боришм керак эди. Мен шунинг учун ҳам йиғлар эдимки, агар ваъзлар ақлли kommentariylar би-

лан безатилмаса, аъзолар қабул қилмайдиган ва қулоқ тутмайдиган жамоага қайтишим лозим эди. Мен шунинг учун ҳам йиғлар эдимки, мен Муқаддас китоблар ўқилмаган дунёга ва йиғлашни унуглан одамлар орасига қайтишим керак эди.

Мен сахарда, соат тўрт яримда ибодат қилиш учун турганимда, мени жинни деб ҳисобламайдиган одамлар билан хайрлашаётганим учун ҳам йиғлардим.

Мен яна шунинг учун ҳам йиғлар эдимки, мен шу элликта гурух раҳбарлари билан қолишни истардим ва улар Худони қандай севсалар, шундай севишни ўрганишни хоҳлардим».

## Қўшимча мулоҳазалар

Закариё 13:7 да шундай дейилган: “Чўпонга ҳамла килгин, шунда қўйлар ҳар ёққа сочилиб кетади”.

Пухта тайёрланган раҳбарлар — қувгинга учраган жамоатнинг энг мухим ҳаётий эҳтиёжиdir. Уларсиз ҳар қандай жамоа кучайиб боролмайди, заифлашади ва тарқаб кетади. Тажрибасиз кўзиларни сохта таълимотлар ва бидъатчилар еб қўядилар.

Инжилга қарши турувчи баъзи бир мамлакатларда минглаб имонлилар жамоатларда панд-насиҳатларни тинглайдилар, у ердаги қавбошиларнинг ўzlари эса — ҳали Масихдаги чакалоқлар ҳисобланадилар. Шундай ҳам бўладики, бирмунча катта жамоатда атиги бир нечта Муқаддас Китоб бор, холос. Айнан бундай вазиятларда имонлилар одам қалби душманининг ўлжасига айланадилар. Таъқиблар вақтида ўз қавмбошисидан айрилган масиҳийларнинг кўпчилиги ортга чекинадилар.

“Очиқ эшиклар” ҳалқаро ташкилотининг мухим мақсадларидан бири — бу “ёпиқ” деб аталмиш мамлакатларнинг айнан ўзида масиҳий раҳбарларни тайёрлашни таъминлашдан иборатdir. Тўғри, мураббийлар фақатгина чегаранинг ўзидан ўтиш учун ҳаётларини катта хавф остига қўядилар, билимга интилган раҳбарликка аъзоларни ўқитар эканлар, тунларни бедор ўtkазадилар. Раҳбарлик лавозимини эгалламоқчи бўлганлар ҳам ушбу машғулотларга қатнашар эканлар, та-

ваккал қилиб нафақат озодликни, балки ўз ҳаётларини гаровга қўядилар.

## Ақл учун озуқа

Тайёргарликни ўтаган Инжил хизматчилари сизнинг ҳаётингизда қандай вазифаларни бажаришди? Агар улар фаолият кўрсатмаганда, ҳозирда сизнинг ҳаётингиз қандай бўлар эди?

## Келажакдаги тадқиқотлар

- 1 Тимўтийга Мактубнинг 3-бобини тўлиқ ўқиб чиқинг. Имонлилар жамоатининг нозирлари, хизматкорлар, қавмбошилар, пресвитерлар ва дъяконлар қандай талабларга жавоб беришлари кераклигига алоҳида эътибор қилинг.
- Ермиё Китобида 23:2 ва 50:6—оятларида нопок чўпонлар устидан Худонинг чиқарган ҳукмлари ҳақида айтилади.
- Худо томонидан чўпонларга ишониб топширилган имонлиларга нисбатан улар ёмон муносабатда бўлганлари ва шахсий мақсадларини кўзлаб иш тутганлари ҳақида Худо пайғамбар Ҳизқиёга айтади (Ҳизқиё 34:2,3).
- Аммо Ермиё Китобининг 3:15 ва 23:4—оятларига биноан, Худо бизга, Ўз ҳалқига Унинг кўнглига яқин бўлган чўпонларни жўнатишини, бу чўпонлар жамоатга сидқидилдан хизмат қилишларини ва уни ҳимоя қилишларини ваъда қилган.

• Эфесликларга Мактубнинг 4-боб 11-13 - оятларида шундай дейилган: “Шунингдек, Масиҳнинг Ўзи баъзан кишиларни ҳаворий, баъзиларини пайғамбар, баъзиларини Инжил воизи, баъзиларини эса имонлилар жамоатига чўпону мударрис қилиб тайинлади. Шу йўсинда имонлилар хизматга керак бўладиган таъминотни оладилар ва Масиҳнинг уммати обод бўла боради. Бунинг натижасида ҳаммамиз имонда яқдил, Худо Ўғлини

таниб-билидиган, Масиҳнинг камолига эришган етук одамлар бўламиз”.

## **Амалий машғулотлар**

Жамоатингизнинг бошқа аъзолари билан ёки дўстларингиз билан бирга ибодат орқали қўллаб-кувватлаш тўгарагини ташкил қилинг. Бутун ҳаёти давомида жабрзулмда яшаётган одамларга бағишлиб ибодат қилиш учун ҳар куни ўн дақиқа вақтингизни ажратинг.

16 — кун

## У МЕНИ ҚУТҚАРДИ

“Сен эса менга эргашдинг, таълимотим, турмуш тарзим, мурод-мақсадим, имон, севги ва сабр-тоқатимдан намуна олдинг. Бошимга келган қувғинларни — Антиохия, Икония ва Лиистра шаҳарларида чеккан азобларимни эшитдинг. Қандай қувғинларга сабр-тоқат қилдим! Раббим мени ҳаммасидан кутқарди”.

2 Тимўтийга 3:10, 11

Ёшгина аёлни икки катта акаси уйнинг ертўласига судраб олиб киришди ва деворга тикка қилиб қўйиши. Акалардан тўнғичи милтиқни синглисининг оғзига тиқди ва пичирлаб гапирди: “Масиҳдан воз кеч — сенинг ҳаётинг сақлаб қолинади; исломни қабул қил, шунда сен ўлмайсан”.

Киз кўрққанича акаларига қараб турарди, дам унисига, дам бунисига. Киз масиҳийликни яқиндагина қабул қилди. У шу йўсинда ўз оиласига катта иснод келтирганини жуда яхши билар эди. Эндиликда эса, диний урф-одатларга биноан унинг акалари қизни ўлдириш хуқуқига эга эдилар ва шундай қилишга мажбурлар.

Сиз эшитиб турган воқеалардан бир неча ой олдин қизнинг қариндош-уруғлари ундан воз кечишиди ва уйни тарқ этиб уйдан чиқиб кетишга уни мажбурашди. Аммо ҳеч қанча вақт ўтмай тўсатдан қизни яна уйга таклиф қилишди. Унга совға-саломлар беришди, бутун дикқат-эътиборларини унга қаратишиди. Оила аъзоларининг ҳаммаси, шу жумладан, ота ҳам, ислом

эътиқодидан юз ўғирган қизни гүёки кечиргандай эдилар.

Бироқ кунларнинг бирида ота қиз билан гаплашгани унинг хонасига кирди.

“Агар сен мени, қариндош-уруғларингни ва ёру дўстларингни яхши кўрсанг, жиннилик қилишни бас қил ва қайтадан исломга ўтгин. Муқаддас Китобни бошқа ўқимайсан ва Исо Масиҳдан воз кечасан. Агар шундай қилмасанг, ўзингдан кўр. Ҳозироқ яхшилаб ўйлаб кўргин-да, менга жавобини айт...”

Мана шундай қилиб қиз деворга суюнганича турибди, унинг қаршисида — ғазабдан қутурган акалар.

“Сизлар мени ўлдира олмайсизлар, - деди секингина қиз. — Исо мени гуноҳларимдан халос этди ва мен ҳеч қачон ўлмаслигимга вайда берди. У осмонда мен учун жой ҳозирлади. Сиз мени ўлдира олмайсизлар, чунки энди мен абадий ҳаётга эгаман”.

Акаларининг жазаваси тутиб кетди, катта ака милтиқ тепкиси босди.

Милтиқдан ўқ отилиб чиқмади.

Ака милтиқ тепкисини яна босди. Бу сафар ҳам милтиқ отилмай қолди. Ака олти марта синглиси-ни отиб ўлдиришга ҳаракат қилди, лекин ҳар сафар милтиқдан ўқ отилиб чиқмас эди. Нима қилиш керак? Шундан кейин дарғазаб акалар қизни кўтариб, уйнинг девор ортига отиши.

“Йўқол, кўзимизга бошқа кўринма! Уйимизга йўлни эсингдан чиқар. Сен биз учун ўлгансан...!”

Лекин бир неча йил ўтгач, қизнинг икки акаси ва унинг қариндош-уруғларидан бир нечтаси Масиҳга имон келтирдилар.

## Қўшимча мулоҳазалар

Англия қироличаси Мариянинг ҳукмронлиги даврида азоб чекувчи жафокашлар орасида Николас Ридли ва Хью Латимер исмли епископлар бор эди. Уларни Оксфорд шаҳрида тириклайн оловда ёкиб юбориш-

ди. Аммо шиддатли оловга қарамай, Раббий уларни қутқариб қолди.

“Хукм шаҳарнинг шимолий қисмидаги, Баллиолия колледжининг қаршиисида ижро этилди... Улар тахтасупага чиқишиганда, Николас Ридли Латимерни қаттиқ кучоқлади ва унга шундай сўзлар билан мурожаат қилди: “Биродар, бардам бўл! Зеро Раббий олов қаҳрини Ўзига бўйсундиради, ёки бўлмаса шундай қиласди, биз асло оғриқни ҳис этмаймиз...” Таёқда ёқилган машъалани Николас Ридлининг оёқлари тагига кўйишганда, Хью Латимер деди: “Биродарим Ридли, дадил тур, эркакларга хос йўл тут. Бугун Худонинг иродаси билан биз Англияни, менинг фикримча, ҳеч қачон сўнмайдиган чироқ сингари ёритамиз”.

Николас Ридли оёқлари тагидаги оловни кўриб, бор овози билан ҳаяжонланиб деди: “Раббий, Раббий, менинг руҳимни қабул қил!” Оловнинг бошқа томонида ёнаётган Хью Латимер жўшқинланиб дерди: “Самовий Ота, менинг руҳимни қабул қилгин!” Олов уларни ямлаб ютишига қарамасдан, Николас ва Хью оловни қулоқ очиб кутиб олишди. Хью Латимер қўлларини олов ичига тиқди ва кафтларини сувга тўлдириб юзини ювандай, ҳовучидаги оловни юзларига, бошларига “қуиди”. Улар асло оғриқни сезишмасди ва шу йўсинда уларнинг руҳи танани тарқ этиб, самоларга кўтарилди”.

## Ақл учун озуқа

Барча жафокашлар шундай мардона ва оғриқсиз жон берардилар. Бироқ Исо Масих ҳеч қачон Ўз болаларини ташлаб қўймасликка ваъда берган (Ибронийларга 13:5). “...Мана, Мен ҳар куни, дунёнинг охиригача сизлар билан бирга бўламан” (Матто 28:20). Тўғри, бизни ўтга ташлашлари мумкин, лекин Раббий ҳеч қачон, ҳеч қаерда бизни ёлғиз қолдирмаслигини намоён қилди (Дониёр 3). Раббий қандай қилиб сизларни ўлимдан ёки жароҳатлардан сақлаган, власвасага тушишдан ва нотўғри харакатлардан тутиб қолган? Оғир синовлар пайтида Унинг сиз билан бирга эканлигини сезганимисиз?

## Келажакдаги тадқиқотлар

- Аюб Китоби 5:19 да Худонинг гуноҳни ювиш ҳақидаги ваъдасини ўқиб чиқинг.
- Худо кучингиздан ортиқ васвасага тушишингизга йўл қўймайди. Бу ҳақда 1 Коринфликларга Мактуб 10:-13 да айтилган.
  - Шунингдек, 2 Тимўтийга 4:18; 2 Бутруснинг 2:9; 2 Шохлар 22:2; Ишаё 46:4; Дониёр 6:27 ва 2 Коринфликларга 1:10-оятларни таҳлил қилинг.

17 — кун

## ҲОКИМИЯТГА БҮЙСУНГАНЛАР

“Сен имонлиларга шуни эслатиб тургинки, улар хукмрон ҳокимиятга тўла итоаткорлик билан бўйсунсин, ҳар бир хайрли ишга тайёр бўлишсин. Ҳеч кимни ёмонламасинлар. Урушқоқ бўлмай, барча инсонларга ювошлик ва мулоимлик билан мумомала қилсинлар”.

Титусга 3:1, 2

Михаил Хорен — ниҳоятда сермаҳсул рус хушхабарчиси кўп йиллар ҳаётини қамоқда ўтказди, чунки у хушхабарчилик хизматидан асло воз кечмади ва шунинг учун ҳам узок муддатга озодликдан маҳрум бўлди. Кунларнинг бирида унинг қариндош-уруглари қамоққа Михаилни кўргани келишди, бироқ “катталар” томонидан учрашув бекор қилинди ва улар уйга қайтиб кетдилар.

Ушбу муносабат билан қамоқхона ишчиси Михаил унинг устидан кулганда, у шундай деб жавоб берди: “Шуни сизга айтишим керакки, Раббий Ўз иродасини сиз орқали бажаради ва бизни марҳаматлаш учун сизлардан фойдаланади. Мен қариндош-уругларимни жуда қадрлайман, оила аъзоларим билан бирга бўлиш мен учун жуда катта аҳамиятга эга. Аммо биз бир-биримиз билан бирга эмас, бир-биримиздан узокда бўлганимизда Раббий янада улуғланса, нима учун мен учрашувни талаб қилишим керак экан?

Агар мен озодликда эмас, қамоқда бўлганимдан Раббийнинг номи янада улуғланадиган бўлса, шуни билиб олингки, унда мен шу қоронғу қамоқхонада отам ва кўплаб имондаги биродарларим сингари маҳбус бўлиб ўлишни хурсандлик билан ўзимга раво кўрган бўлардим”.

Михаил Хорёвнинг қўйидаги сўзлари ҳикматли сўзлар бўлиб қолди: «Тан оламан, қамоқ — бу бизнинг таълимотимиздаги ниҳоятда фойдали мактабдир, бу мактабда эътиқодимизнинг ҳақиқий эканлиги синовдан ўтади... Шундай мактабда таълим олганим учун ва Унинг раҳбарлиги учун Худога шукроналар айтаман».

## Қўшимча мулоҳазалар

Ушбу китобнинг бешинчи кунги машғулотида, руҳонийлар Бутрусларни ва Юҳаннони Худога ёки одамларга қандай қилиб бўйсунишга зўрлаганликлари ҳақида биз ўқидик. Ҳаворийлар Худони танлашди. Аммо барибир, ўша вактдаги диний арбобларнинг нотўғри иш қилиشاётганига қарамасдан, уларнинг қўлидаги ҳокимият уларга Худо орқали берилган. Қолаверса, шогирдлар ушбу ҳокимиятни тан олишди ва унга бўйсунишди.

Бутрус ва Юҳанно ҳибсга олинишларига индамай ўзларини тутиб беришди. Бутун дунё бўйлаб ҳозирда имондаги миллионлаб биродарларимиз ва сингилларимиз худди шундай йўл тутмоқдалар. Исо Масих ҳам худди шундай йўл тутди: У Ўзини тутиб олишларига, ҳукм қилишларига ва хочда тортилишига имкон яратди.

“Менга жавоб бермайсанми? — деди Пилат. — Сени хочга михлатиш ё бўшатиш учун ҳукм юритишга қодир эканимни билмайсанми?” Исо жавоб берди: “Агар сенга юқоридан берилмагандা эди, сен Менинг устимдан ҳеч қандай ҳукм юрита олмас эдинг. Шу сабабдан Мени сенинг қўлингга тутиб берганнинг гуноҳи сенинг гуноҳингдан катта” (Юҳанно 19:10, 11).

Бизнинг ҳукмдорларимиз ҳақми ёки йўқми, Худо Ўз ҳалқига улар учун итоат этинглар, уларни севинглар, уларга яхшилик қилинглар, улар учун ибодат қилинглар, деб амр этади (Матто 5:44).

## Ақл учун озуқа

Жамоат кўпинча шарм-ҳаёсиз суратларга, бачавозликка ва аборт қилишларга қаттиқ қаршилик кўрсатади. Аммо шундай ҳолат юз беришига йўл қўйган ҳукумат ҳақида ёки ҳукумат аъзолари ҳақида жамоат бирор марта бўлса ҳам ҳурматсиз гап айтганми ёки уларни танқид қилганми? Уларга нисбатан ўз севгисини ёки душманлигини намоён этганми? Улар учун ибодат қилганми, ёки уларни қарғаганми? Умуман олганда, Муқаддас Китоб методи нуқтаи назаридан, душманларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш керак?

## Келажакдаги тадқиқотлар

- Римликларга Мактубнинг 13-боб, 5-оятини ўқиб чиқинг.

- “Ўз жамоат бошлиқларингизга итоат қилинглар, уларга камоли эҳтиром билан бўйсунинглар. Чунки улар ҳисобот берадиганлардек ҳамиша жонларингизни қўриқлаб турадилар. Бу ишни эса оху нола билан эмас, балки севинч билан бажо келтирсинглар. Агар буни оху нола билан қилсалар, сизларга фойда бўлмайди” (Ибронийларга 13:17). Худди шу сингари, биз ҳам Худо томонидан жамоатларимизга қўйилган раҳбарларга ва бошлиқларга итоат этишга мажбурмиз.

- “Эй хизматкорлар, факат юмшоқ ва хушфеъл хўжайнларгагина эмас, балки феъли-хуйи терс бўлганларига ҳам камоли эҳтиром билан итоат қилинглар. Агар бирор киши Худога ишонганидан вижданан азоб чекиб, ноҳақ ғам-ғуссага чидаса, бу Худонинг иноятидан далолат беради” (1 Бутрус 2:18, 19). Худди шу тарзда бизга иш берувчиларга бўйсунишимиз керак.

18 — кун

## ҚУВФИНЛАРНИНГ САМАРАСИ

“Мен маҳбуслигимда кўрган ўғлим Ўнисим  
ҳақида сендан илтимос қилмоқчиман...”

Филимўнга 1:10

“Очиқ эшиклар” халқаро ташкилотининг асосчиси биродар Андрей Суданлик Сильвадор Али Аҳмад исмли масиҳий маҳбус ҳақида гувоҳлик беради. Аҳмад хурмат қозонган ислом раҳбари ва ажойиб илоҳиётчи бўлган.

«Қиёсий диншунослик соҳасида докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга тайёргарлик жараённида, у Янги Аҳдни ўқий бошлади ва натижада ўзининг бутун ҳаётини Исо Масиҳга бағишлади.

1991 йили шариат қонунлари (мусулмон амрлари) Суданда давлатники бўлди ва, янги қонунлар мажмууга биноан, Аҳмад маълум бир саволларга жавоб бериши лозим эди. Аммо Аҳмад масиҳийлик эътиқодига бўйсунишини тан олганда, уни хибсга олишди, занжирбанд килиб бир кишилик камерага ташлашди.

Қамоққа ташланганининг биринчи куни кечасиёқ ҳукумат аъзолари Аҳмадни ўлдиришмоқчи бўлишди. Бирок қандайдир тасодифий холатларга кўра бу амалга ошмади: жазони ижро этиш учун уни автомобильда ҳукм ижро этиладиган жойга олиб бориш керак эди. Аммо ҳеч каердан машинага куйгани ёнилғи топилмади.

Кейинги куни у олий ислом суди олдида жавоб бериши керак эди. Аҳмаднинг адвокати дўстона оҳангда ҳамманинг кўз ўнгидан Масиҳдан юз ўгиришни, Унга яширинча итоат

этишни маслаҳат берди. Лекин Аҳмад бундай таклифни рад этди.

“Исо — менинг ягона ҳимоячим, — деди у, — мен Ундан воз кечмайман”.

Аҳмадга олти йил қамоқ жазосини тайинлашди. Уни ҳар қандай ҳарбий унвонлардан ва қаерда бўлса ҳам дарс бериш ҳукуқидан маҳрум қилишди. Ўша пайтга келиб хотини ундан ажрашганди. Уни оталик ҳукуқидан (унинг тўрт нафар фарзанди бор эди), автомобилидан, шахсий уйидан ва банкдаги жамғармасидан маҳрум қилишди. Буларнинг ҳаммаси камдек, судъянинг қарорига биноан, агар у қамоқ жазосининг муддати тугагунча исломни қабул қилишдан бош тортса, сим ортида яна кўшимча олти ой ўтиради.

Қамоқ жазоси вақтида “Обдурман” турмаси бўйича Аҳмад унча катта бўлмаган Муқаддас Китоб ва ибодат гурухларини тузди.

“Уч ой давомида, — дейди Аҳмад, — бизнинг қамоқхонамиизда 305 тага яқин одам очикдан—очиқ Масихга имон келтириди, шу жумладан, уларнинг бештаси исломдан келиб бизга кўшилган мусулмонлар эди.

“Ниҳоятда хавфли одам” лақабини олган қамоқхона имоми (устози) Аҳмадни Хартумдан шарқда жойлашган “Гериф” қамоқхонасига кўчириб ўтди, аммо у ерда ҳам Масих ҳақида гувохлик беришни давом эттириди.

Ушбу қамоқхонада Аҳмад ва у билан бирга еттига бошка масиҳийлар йиғилишлар ўтказа бошлидилар. Бир ҳафтадан кейин қамоқхона ҳовлисишдаги дараҳтларнинг тагида элликтадан ортиқ одам тўпланадиган бўлди. Яна икки ой ўтгач, қамоқхонадаги масиҳийларнинг сони 115 тага етди. Улар шиддат билан ибодат қиласидилар ва Худо уларнинг ибодатларига жавоб берар эди.

Бир куни қўрикчилар ярим тунда Аҳмадни Нил дарёсида чўқтириб юбориш ҳақидаги буйрукни олишди. Улар унинг қўл-оёғини боғлаб юқ машинасига солишли. Аммо машина қўлга яқинлашаётганда мўъжиза юз берди ва турган жойида қотиб қолди. Ҳайдовчи ва қўрикчиларни вахима босди. Аҳмадни ўлдириш ҳақидаги офицер фармонини бажаришдан улар бош тортдилар. Ва тез орада Аҳмадни озод қилишди.

“Қамоқхона раҳбарлари у ердаги имонни қабул қилган масиҳийларнинг тобора кўпайиб бораётганлигини кўриб қўркиб кетишли, — деб тушунтириди Аҳмад, — мени озод-

ликка чиқариб юбориш керак, деган қарорга келишди. Ва шу йўл билан улар мендан кутулишди”».

## Қўшимча мулоҳазалар

Филимўн исмли имонлининг Ўнисим деган қочок бир қули бор эди. Филимўн Масихга Павлуснинг иштироки билан келган ва унга Павлус ўзининг Мактубларидан бирини йўллаган. Зиндонда Павлусга хизмат қилаётган Ўнисим ўзини Раббийга топширди. У ўз хўжайинидан қочиб кетгани учун тавба қилди, ҳозирда унинг ҳузурига қайтиб боришига ва гуноҳини ювишга тайёр эканлигини билдириди. Павлус ўз Мактубида Филимўндан қули Ўнисимни қайтариб олиши ҳақида илтимос қиласди. Ўнисим бир вакълар фойдасиз бир қочоқ эди, энди эса имонли ва диёнатли масиҳийга, Павлуснинг маҳбуслигига кўрган ўғлига, яъни жон-дилга айланди. Павлус Филимўнга, Ўнисимни қул каби эмас, балки қулдан юқори, севикли ука сифатида қабул қилгин, ҳам одам боласи сифатида, ҳам Раббийнинг боласи сифатида янада кўпроқ яхши кўргин, деб илтимос қиласди.

Азоб-уқубатда, мاشақат оловида қанчадан-қанча одам Ҳақиқатни билиб олганини фақат Худо билади. Имонлиларнинг меҳнати туфайли кўплаб қалблар қамоқҳоналарда қутқарилганлигини фақат У билади. Масих болаларини айнан қийнаётган пайтда азоб берувчиilarнинг ва соқчиларнинг кўпчилиги Масихга имон келтиришгани тўғрисида юзлаб, минглаб гувоҳликлар мавжуд.

Барча маҳбуслар учун ибодат қилинглар. Улар нафақат озодликка чиқиши учун, Худо уларнинг оилаларига ғамхўрлик кўрсатиши ва юпатиши учун ибодат қилинглар, балки маҳбуслар озодликка чиқиб кетаётганларида улардан кейин сим ортида қудратли, гуллаб-яшновчи жамоат қолиши учун ҳам ибодат қилинглар. Токи бундай жамоатлар янада кўпроқ асиrlарни озодликка чиқариш имкониятига эга бўлсин.

## Ақл учун озуқа

Римликларга Мактубнинг 8-боб, 28-оятида Павлус имонлиларни ишонтириб шундай дейди: “Биз биламизки, Худони севганларга, яъни Худо ўз муроди бўйича даъват этганларга ҳамма нарса яхшилик бўлиб хизмат қиласди” (Римликларга 8:28). Бу ерда кувғинлар назарда тутиладими? Васвасалар-чи? Қамоқҳоналар ва ўлим-чи? Тарьқибларнинг қуидагича кўринишларидан Масих учун яна қайтадан эга бўлинган қалблардан ташқари, яна қандай хузур-халоват бўлиши мумкин? Бундай тилак ва ниятлар қувфинга учраган биродарларимиз учун қилинган самарали ибодатларимизга қўшимча тарзда яна қандай яхшилик бўлиб хизмат қилиши мумкин?

## Келажакдаги тадқиқотлар

- Довуд билан Бурсабо гуноҳ қилишди ва иккиси ҳам ўғлидан айрилишди. Лекин барибир айнан уларнинг насл-насабидан Худо олам учун Масихни яратди (2 Шоҳлар 11; Матто 1:6).

- Мусо гуноҳ қилди (Сахрода 20:8–12) ва шунинг учун ҳам ваъда қилинган юрга боролмади. Шундай бўлса-да, Исройил халқини мисрликларнинг асирилигидан олиб чиқиши учун Худо Мусодан фойдаланди, Унинг Ўзи Мусони Наво тоғ этагига дафн қилди (Амрлар 34:6). Лекин минг йиллар ўтиб маълум ва машҳур Мусо Илёс ва Исо билан Ўзгариш тоғида намоён бўлди (Марк 9:2–9).

- Ҳаворийлар фаолияти Китобининг 8–9-бобларида янги жамоат қувфинга учрагани ва Стефан тошбўрон қилиб ўлдирилгандан кейин жамоат тарқаб кетганлиги ҳақида хикоя қилинади. Аммо булардан ташқари, ушбу бобларда кўплаб хурсандчиликлар юз бергани тўғрисида айтилади. Шу жумладан, шифо топишлар, Самария ахлининг Масихга юз тутиши, ҳабашистонлик амалдорни Филипп сувда чўмдириб имонга киритгани

ва Масих шогирдларига қарши таҳдидлар қилиб юрган Шоулнинг сувга чўмиб имон келтиргани тўғрисида сўз боради.

## **Амалий машғулотлар**

Янги Аҳдни диққат билан ўқиб чиқинг. Унда ҳаворийнинг ҳар бир ибодатига ўзгача маъно беринг (масалан, Римликларга 10:1–4; 15:5,6,13; 2 Коринфликларга 13:14; 1 Салоникаликларга 3:11; 5:23). Ҳаворийларнинг сўзлари билан қувфинга учраган жамоатлар учун Худога илтижо қилинг. Худо бу илтижоларни эшитиб, албатта Муқаддас Китоб ибодатларига жавоб беришига ишонч ҳосил қилинг.

19 — кун

## САБР-ТОҚАТГА ДАЪВАТ ЭТИЛГАНЛАР

“Аввалги кунларни эсга келтиринглар. Ўшанды сиз зиёни кўриб, азоб-уқубатлар тўла қаттиқ курашга бардош берар эдингизлар. Гоҳ ўзларингиз эл-юртнинг хақоратига колиб, азоб чекар, гоҳ шундай ахволга йўлиққанларга ҳамдард бўлардингизлар. Маҳбусларнинг алам-аччиғига шерик бўлардингизлар. Сизни янада яхши ва боқий бойлик кутаётганини билиб, мол-мулкингизнинг талон-тарож этилишини хурсандлик билан қабул қиласардингизлар. Шундай экан, келажакда улуғ тақдири бор умидингизни ташламанглар. Худонинг иродасини адо этиб, Унинг ваъдасини қўлга киритиш учун сизларга сабр-тоқат керак...”

Ибронийларга 10:32–36

Масиҳийликни қабул қилган синглишимиз Паскуалита ўз она шаҳрида, Мексиканинг шимолида даҳшатли қувғинларга учрашига тўғри келди. Бошқа масиҳийларни у ердан кувиб чиқаришарди.

Бир куни кечаси газабланган оломон томи сомон билан ёпилган унинг уйини ўраб олди ва ёқиб юборди. Паскуалита эшигини очганда, отилган милтиқ овозлари эшитилди.

“Раббим, Сенга ҳамду санолар бўлсин. Фақатгина йигирма бир ўқ менинг танамга кирибди”, — секингина деди у.

Синглилиз Паскуалитанинг бутун бадани ўқлардан илма-тешик бўлибди, битта ўқ ҳаттоки бўйини тешиб ўтибди. Қандай мўъжиза! Қиз то бир чукурга тушмагунча югураверди, яна қайта-қайта югурди. Ярим тун бўлгани учун ҳаммаёк зимзиё, қоронгу. Таъкибчилар шунинг учун ҳам Паскуалитани топа олмадилар.

Қиз жуда кўп қон йўқотди. Паскуалита қачонлардир бир ҳамشاҳарига Масих тўғрисида гувоҳлик берган эди. Ўша аёл Паскуалитани қутқарди ва тезлик билан шаҳарга яқин бўлган шифохонага олиб борди.

Қиз тирик қолди, бироқ унинг оила аъзоларидан уч нафари ҳалок бўлишди.

Синглилиз Паскуалита Раббимизга юзланиб, нола қилди: “Раббий, нега Сен мени бунчалик азоб-уқубатларга дучор қилдинг, ахир, мен ўзимни, бутун оила аъзоларимни сенга топширган эдим-ку?”

Кўпинча Паскуалита ҳар қандай вазиятда Унга атаб куйладиган сано сўзларини Раббий қизнинг эсига солди: “Мен Масих кетидан боришга аҳд қилдим; ортга ҳеч қандай бошқа йўл йўқ”.

«Ана шунда, — деб эслайди Паскуалита, — Масих кетидан боришга аҳд қилганимдан кейин, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай қувфинларда, нима юз беришидан қатъий назар, Унинг ортидан боришим кераклигини мен тушундим. Шу кундан бошлаб менинг ҳаётим факат Унга тегишлидир. Бу сано менга куч-гайрат ато этди. Мен яна Масих Хушхабаридан гувоҳлик бериб юрибман ва хочга қўлини қўйган биродарларим ва сингилларимга ҳам, ортга қарамай, олдинга, Масих кетидан боринглар, деб даъват этмоқдаман».

## Қўшимча мулоҳазалар

Синглилиз Паскуалита воқеасида хозирги кунда бутун ер шари бўйлаб қувфинга учраётган жамоатларнинг ҳолатлари яққол намоён бўлмоқда. Хитойда ва Суданда, бутун Лотин Америка бўйлаб ва ислом мамлакатларида масиҳийларнинг уй-жойларини хукумат мусода-

ра қилмоқда ёки ваҳший тўдалар уларни ёқиб, кулини кўкка совурмоқда.

Барибир, Масиҳ шогирдлари шоду хуррам.

Биз бу ерда, Фарбда Масиҳга мурожаат қилганимизда, қувгинга учраган бошқа жамоатларга қараганда азоб чекмаймиз, бироқ бизнинг устимиздан ҳам қўпинча кулишади, дўстларимизни, қариндош-уруғларимизни ва таниш-билишларимизни бизга қўшиб сўкишади, кала-ка қилишади.

Ибронийларга Мактуб музалифи Худога бўлган бизнинг севгимиз сўнмаслигига даъват этади, Худонинг иродасини адо этишга, қачонлардир юрагимизда чақнаган умид юлдузи порлашига, куч-қувватга тўлиб азоб-укубатларга бардош беришимизга чорлайди.

“Симўн, Симўн! Мана, шайтон сизларни буғдой каби ғалвирдан ўтказишга изн сўради. Бироқ Мен, имондан тоймагил, дея сен учун ибодат қилдим. Сен бир кун қайтиб келганингда, биродарларинг имонини мустаҳкамла” (Луқо 22:31,32). Исо Масиҳ Симўн учун ибодат қилгани сингари, биз ҳам бир-бirimiz учун ибодат қилайлик, токи васвасага тушиб қолмайлик ва Масиҳга бўлган севгимиз ҳеч қачон сўнишига йўл қўймайлик.

## Ақл учун озуқа

Ибронийларга Мактубда “маҳбусларнинг алам-аччиғига шерик бўлган” руҳонийлар ҳақида айтилади. Ҳар бир масиҳийнинг вазифаси айнан шундан иборатдир. Имонлилар, айниқса нисбатан озодликка эга Фарбликлар, жабр-зулмдан азоб чекаётган имонлиларни руҳан қўллаб-қувватлашлари лозим; шунингдек, улар қувгинга учраганларнинг имкон қадар жисмоний талабларини мукаммаллаштиришлари, далда беришлари ва кўнгилларини кўтаришлари керак.

Оғир вақтларда биродар ва сингилларингизнинг иштироки сизга қандай ёрдам берган? Худо қандай қилиб сизнинг эҳтиёжларингизни биродарларингиз ва

сингилларингиз орқали қондирган. Бошқа жамоатларда қувгинга учраган биродар ва сингилларингизнинг хаётида сиз қандай *иштирок этишингиз* мумкин?

## Келажакдаги тадқиқотлар

- Матто баён этган Хушхабарнинг 25-боб, 35–46-оятларида Исо муҳтожларга ёрдам беришга даъват этади. Унинг таъкидлашича, биз биродарларимизга неки қилган бўлсақ, Масихга қилган бўламиз.
- Филиппиликларга Мактуб 4:10–19 да Павлус Филиппидаги қувгинга учраган жамоат аъзоси сифатида гапиради. Павлус ўз муҳтожликлари ҳақида сўзлайди, филиппиликларнинг унга қилган ғамхўрликлари ва ёрдамлари, уни қўллаб-қувватлаганлари учун миннатдорчилик билдиради.
- Павлус Колосаликларга Мактубни Раббийнинг содик хизматкорларига, ҳамкорларига, Исо Масихдаги биродарларига саломлар ва тилаклар билан якунлайди: “Мен билан бирга қамалган Аристарх ва Барнабонинг жияни Марк ҳам сизларга салом йўллаяптилар. Марк ҳақида буйруқ олгансизлар; агар олдингизга борса, уни яхши қабул қилинглар. Юстус лақабли Исо ҳам сизларга салом йўллаяпти. Худонинг Шоҳлиги йўлида меҳнат қилаётган булардан бошқа яхудий ҳамкорларим йўқ. Улар менга юпанч бўлиб келмокдалар. Исо Масихнинг қули, ҳамشاҳарингиз Эпафрас сизларга салом йўллаяпти. Сизлар Худога маъқул бўлган ҳамма нарсани баҷарувчи етук, ишончи комил кишилар бўлиб оғишмай туринглар, деб Эпафрас зўр ғайрат билан, тинмай ибодат қилмоқда. У сизлар учун ҳамда Лаодикия ва Иераполь шаҳарларидаги Масих жамоатлари учун не-не заҳматлар чекканига ўзим шоҳидман. Севимли табиб Луқо ва Димас сизларга салом йўллашяпти” (Колосаликларга 4:10–14).

- Қувгинга учраган жамоатнинг аъзоси бўлиш жуда оғир, чунки унинг эҳтиёjlари ниҳоятда юксак ва машаққатлидир. Аммо барибир Павлус имонли-

ларни руҳан тушкунликда қолмасликка даъват этади.  
“...Яхшилик қилишдан безмайлик. Агар бўшашмасак, ўз вақтида бунинг ҳосилини ўриб оламиз” (Галатия-ликларга 6:9).

20 — кун

## САБР-ТОҚАТНИНГ САМАРАСИ

“Эй биродарларим, турли синовларга дучор бўлганингизда, уни катта севинч билан қабул қилинглар. Шуни билингларки, имонингизнинг синалишидан сабр-тоқат ҳосил бўлади. Сабр-тоқат тўла самарасини кўрсатсан, токи сизлар ҳеч бир нарсадан камчиликсиз, комил ва нуқсонсиз одамлар бўлинглар”.

Ёкуб 1:2–4

Джон Эндрюс — Масиҳга хизмат қилишни яхши кўрган Рангуна, Бирмалик (ҳозирда Янгон, Мьянма) хурмат қозонган лютеран Қавмбошиси.

Бир неча йил олдин унинг қизи жигарнинг вирусли яллиғланишидан вафот этди. Икки ойдан кейин бундай мусибатни кўтара олмай унинг хотини ҳам абадий ҳаётга равона бўлди. Яна олти ой ўтгач, тўсатдан унинг ўғилларидан бири қазо қилди.

Биродар Эндрюс ғам-ғуссадан эзилиб кетди.

“Мен ўзимни Аюб сингари ҳис қиласдим, фарқи шунда эдики — ҳеч ким мени йўқлаб келмасди”, — деб эслайди у.

Вер Энрикес — Бангкокдаги Таиланд “Очиқ эшиклар” халқаро ташкилотининг ишчиларидан бири, ёшгина филиппилик йигит бу вазиятдан хабар топди ва биродар Эндрюсга тасалли бериш учун зудлик билан йўлга отланди.

“Менинг бошимга шунча мусибатлар ёғилган пайтда ёрдам бергани келганингиз учун Сиздан бениҳоят миннатдорман”, — деди унга биродар Эндрюс.

Агар сиз бугунги кунда биродар Эндрюснинг уйига ташриф буюрсангиз, уни жажжигина набираларининг қуршовида кўрасиз. Қувноқ болакайларнинг шод-хуррам қийқириқлари узоқдан эшитилиб туради. Биродар Эндрюс эса хурсандчиликдан жилмаяди ва ўз ҳаётидаги бебаҳо сабоқ билан ўртоқлашади.

«Сабр-тоқат қилганим учун Худо мени тақдирлади, — дейди у сизга, — зеро У менинг чилпарчин бўлган юрагимни шифолади!».

## Кўшимча мулоҳазалар

Павлус ва Сила мاشаққатли синовлардан ғолиб бўлиб чиқишидди. Ҳаворийлар Фаолиятининг 16-боб, 22–23-оятларида айтилишича, оломон Павлус билан Силага ёпирилишидди, уларнинг уст-бошини йиртиб олиб, калтаклашишидди. Жуда кўп калтаклашгандан кейин уларни зиндоннинг ички бўлмасига қамаб, оёқларини кундалаб кўйишидди.

Бундай муносабатга уларнинг жавоби қуйидагича: “Тун яримлаб қолганда, Павлус ва Сила ибодат қилиб, Худони кўйлашар эди; маҳбуслар эса уларни тинглаб туришарди” (Ҳаворийлар 16:25).

Кувфиндаги сабр-тоқат дарси келажакдаги синовларга уларни мустаҳкамлаганига ишонч ҳосил қилиш учун Ҳаворийлар Фаолияти Китобини бошидан охиригача ўқиб чиқиш керак.

Павлус ва Сила сабр-тоқатнинг аҳамияти нақадар бебаҳо эканлигини жуда яхши тушунар эдилар. Осваль Чемберс ҳам сабр таги олтин эканлигини англади:

«Худонинг муқаддаслар учун кураши камоннинг ёйига ўхшайди. Худо ёйни маълум бир нуктагача тортади. Камон: “Энди бошқа кучим йўқ”, — деб айтишига қарамасдан, Худо унинг гапини эшифтмаганга олиб, ёйни янада мақсад сари тортаверади. Чунки Худонинг Ўз мақсади бор. Имонлиларнинг сабр-қаноати шундан иборатки, то Худо бу камондан ёйни отмагунча, чидаш керак, сабр қилиш керак».

Сабр-қаноати туфайли Худонинг ҳузур-ҳаловатига сазовор бўлган имонлилар Унинг нуқтаи назарига биноан харакат қиласидилар. Уларнинг фикрича, фақатгина ҳозирни ўйламаслик керак.

## Ақл учун озуқа

Сабр-тоқат намунаси — бу Раббийга суюниш ва жабр-зулм ўчоғида Худони улуғлаш. Муқаддас Китобга асосланган ҳолда ёки ўзингизнинг шахсий таж-рибангиздан келиб чиқкан ҳолда (юқорида биз мисол тариқасида келтирган Павлус ва Силадан ташқари), сабр-қаноатнинг бебаҳолигини кўрсатувчи яна қандай шунга ўхшаш хислатларни ва мисолларни сиз келтира оласиз?

## Келажакдаги тадқиқотлар

- Забур Китобининг 39-бобини ўқиб чиқинг ва До-вуд шукр қилгани учун қандай самарага эришганини айтинг.
- Павлус Римликларга Мактуб 12:9–21 да имонлиниг яқинларига нисбатан севгида ўсиб боришида, бо-сиб ўтиши керак бўлган бир нечта поғоналарни санаб ўтади. Шу муҳим поғоналардан бири азоб-уқубатда са-ботли, сабр-қаноатли бўлиш хислатидир. “Умидворлик ила хурсанд бўлиб юринглар. Қайғуда сабрли, тоат-ибодатда саботли бўлинглар” (Римликларга 12:12).
- Иброҳим узоқ сабр-тоқат қилди ва Худо унга ваъ-да берган нарсага эришди (Ибитидо 21–22; Ибронийларга 6:15).
- Ва ниҳоят, 2 Тимўтийга Мактуб 4:6–8 ни ўқир эканмиз, барча синовлардан ва васвасалардан кутулиш учун ҳаворий Павлусга қандай сабр-қаноат даркор бўл-ганлигини биз кўрамиз.

21 — кун

## АЖРАТИБ ОЛИНГАНЛАР

“Масиҳ биз учун жисман азоб чекиб, ўлди. Сизлар бундан ўрнак олинглар. Чунки жисман азоб чеккан киши бошқа гуноҳ қилишни бас қилади. Энди бу баданда яшаш учун қолган вақтингизни бошқа одамлардай нафсингни ўйлаб эмас, балки Худонинг иродасини ўйлаб ўтказинглар. Сизлар ўтмишда мажусийларга ёқиб яшаганлигингиз энди етар. Ўша вақтларда фисқ-фужур, шахватпараматлик, сархушлик, аиш-ишратлар, кайф-сафолар ҳамда бутпараматлик разолати билан кун кечиргансизлар. Энди эса улар каби юрмаяпсизлар, уларнинг шалоқликлари селига ўзларингизни ташламаяпсизлар. Мажусийлар бундан ҳайрон бўлиб, сизларни ёмонламоқдалар. Улар тиригу ўликларни ҳукм этишга тайёр бўлган. Худога ҳисоб берадилар. Ўликларга келсак, улар ҳамма одамзод қатори ўлиб, баданлари жазоланди. Аммо уларнинг руҳи Худога мувофиқ яшасин деб, Инжил Хушхабарини ўликларга ҳам етказилди.

Энди борлиқ мавжудот охирлаб қолди. Шунинг учун ақл билан иш тутинглар, ибодат қилиш учун хушёрга бўлинглар. Аввало бир-бирингизни ихлос билан севинглар. Чунки севги кўп гуноҳларни ювади...”

1 Бутрус 4:1–8

Кўплаб методлар мавжуд, шу методлар ёрдамида Худо Ўз халқини Ўзи учун ажратиб олади. “Аж-

ратиб олинганлар” сўзлари шундай хислатни намоён қиласдики, биз Масиҳ каби бу дунёда мавжудмиз, лекин биз бу дунёдан эмасмиз. Ушбу қўлланманинг ҳар бир куни юқорида айтиб ўтилганлар билан бир қаторда, биз азоб-уқубатлар учун ажратиб олинганлигимизни бизга ўргатади.

Шундай бўлса-да, “Очиқ эшиклар” халқаро ташкilotининг хизматчиси Пол Эстабрукснинг “Руҳий муваффақиятнинг сирлари” номли китобида айтиб ўтилган ва қуида шу китобдан келтирилган парча мисолида, баъзида ажратиб олинганлик — бу мўъжиза эканлигига ишонишимиизга тўғри келади.

«Филиппидан келган масиҳий Освальдо Магдаган Саудия Арабистонининг Эр-Риёд шаҳрида ишчи бўлиб хизмат қиласди. Шу билан бирга яширин уй жамоатида қавмбошилик хизматини ўтарди. (Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, 1400 йил мобайнида Саудия Арабистонида расмий тан олинган бирорта ҳам масиҳий жамоати йўқ эди!)

1992 йилнинг охирида Осваль ва унинг ёрдамчисини Саудия Арабистонининг *muttawa* давлат полицияси томонидан облава пайтида ҳибсга олинишди. Улар жамоат йигилишини ўtkазишаётганда қўлга тушишди. Освальдони уч яrim соат ҳам жисмоний, ҳам ахлоқий қийноқ азобига солишли.

Унинг юзларига шапалоқ қўйишди, мушт билан уришиди, булар кам қилгандек бошига роса тепишли. Сўнгра узун қамчи билан елкаларини ва қўлларини савалашди. Освальдонинг ёзиича, бутун бадани қонталаш бўлган ва лат еган жойлари кўм-кўк бўлиб қўкариб кетган.

Камерага қайтгач, Освальдо беш соат мобайнида ибодат қилди ва Исо Масиҳнинг азоб-уқубатларида Худо унга ҳам иштирок этишга имкон яратгани учун Раббийга шукроналар айтди. Ушбу эпизодни Освальдо “Шоҳликда қамоқقا олинган” номли китобида ҳикоя қиласди (“Очиқ эшиклар”, Буюк Британия, 1993 йил):

“Тўсатдан ҳаммаёқ нурга тарадди. Камерани Худонинг улуғворлиги тўлдирди. Худо мен билан бирга эди. У менинг тепамга энгашди, юзларимни силаб деди: “Ўғлим, Мен ҳаммасини кўрдим. Шунинг учун ҳам Мен шу ердаман. Тинчлангин, Мен ҳеч қачон сени ташлаб қўймайман”.

Икки соатдан кейин Освальдо уйғонди. Унинг руҳи тетик, ўзини яхши хис қилди. Баданида бирорта калтак ўрнини кўрмади ва ниҳоятда ҳайратда қолди. Танасида на бир жароҳат, на бир чандик, на бир конталашнинг ўрни бор эди!»

## Кўшимча муроҳазалар

Бутруснинг биринчи Мактуби Раббий учун ажратиб олинган, “Ота Худо Ўзининг азалий қарорига биноан танлаган” (1:1,2) муқаддас халқни тасвирлашга тўлиқ бағишиланган. Шунинг учун ҳам муқаддаски, зеро Худонинг ўзи муқаддас, “улар фоний эмас, балки боқий уруғдан, яъни Худонинг ҳаётбахш, абадий каломи орқали янгидан туғилган” (1:23), “...ўзидан... руҳий бино барпо этган, Исо Масих орқали Худога мақбул, руҳий курбонлик келтирадиган муқаддас руҳоний бўлган...” (2:5).

Қолаверса, Худонинг Каломи бизни қуидагиларга даъват этади: “Ёмонликка ёмонлик, ҳақоратга ҳақорат билан жавоб қайтарманлар. Аксинча, дуойи хайр қилинглар, чунки ўзларингиз ҳам хайр-барака олиш учун даъват этилгансизлар” (3:9).

Ҳаворий Павлус турлича васвасаларнинг келиб чиқиш сабабларини кўрсатади: “...лекин бу васвасалар имонингизни синаш учун фойдали эканлигини билинглар. Ҳатто фоний олтин ҳам оловда тобланиб, синалади. Шу сингари, олтиндан ҳам қимматли бўлган имонингиз синовдан ўтиб, Исо Масих осмондан зоҳир бўлгач, сизларга мақтов ва шон-шараф келтирсин...” (1:7).

Бизнинг садоқатли эканимизни, Масихга бўлган севгимизни, Масих суратини англаш ва Унда ўзгаришимиизни синаш учун қилинган қувғинлар, - бу шундай усуслки, ушбу усууллар туфайли масиҳийлар Худо учун ажратиб олинган бўладилар. Таъқиблар муқаддасликдан ажралмасдир, чунки Масихнинг Ўзи бегуноҳ бўлса-да, “...бошқалар Ундан нафратланган, уни рад этган, ҳаёти қайгуга, кулфатга тўлган, Ундан одамлар юз ўгириб,

нафратланган, Уни биз одам қаторида санамаганмиз” (Ишаё 53:5).

## Ақл учун озуқа

Бутруснинг биринчи Мактуби контекстида танланган бўлиш — бу фақат алоҳида бўлиш, узоқлашиш ёки атрофдагилардан ажралиб чиқиш дегани эмас, ахир, шу тарзда биз гуноҳдан, ўзимизнинг “мен”имиздан ҳали қутулган эмасмиз. Ажралишнинг яна бошқа усуслари мавжудми? Кувғин ва таъқиблардан ташқари, Муқаддас Ёзувга биноан дунёдан бизни яна нима ажратиб туриши мумкин?

## Келажакдаги тадқиқотлар

- Масиҳийлар ҳақида 1 Бутруснинг Мактуби 2-боб, 9-оятида мана нима дейилган: “Аммо сизлар — танланган бир авлод, Шоҳаншоҳ руҳонийлари, муқаддас халқ, Худонинг азиз қавмисизлар. Худо сизларни қоронгиликдан Ўзининг ажойиб нурига даъват этган, сизлар Унинг фазл-камолотидан хабар бериш учун танлангансизлар”. Раббий бизни даъват қилди. Биз танланган, ажратиб олинган халқмиз.
- Павлус сингари Худонинг Инжил Хушхабарини етказмоққа биз танлаб олинганмиз (Римликларга 1:1).
- Забурнинг 138:13–16-оятларида Павлуснинг Галатияликларга Мактубида айтгани сингари, она қорнидаётк Худо мурувват қилиб бизни танлаган, Ўз инояти билан бизни даъват этган.
- Масиҳ каби, биз гуноҳкорлардан Унинг бебаҳо Кони туфайли ажралганмиз (Ибронийларга 7:26).
- Ва ниҳоят, биз Раббимиз Масиҳга юракларимиздан жой берамиз, дилимиздаги умид ҳақида биздан сўраган кишига жавоб беришга доимо тайёр бўламиз (1 Бутрус 3:15).

22 — кун

## СОХТА УСТОЗЛАР

“Исроил халқи орасида сохта пайғамбарлар бўлгани каби, сизларнинг орангизда ҳам сохта устозлар бўлади. Ўзларини қулликдан сотиб олган Эгаларини улар инкор этиб, орангизда жуда зарарли бидъатларни тарқатадилар. Бу кишилар ногаҳон ҳалокатга йўлиқиб қоладилар. Кўп одамлар уларнинг фиск-фужур ишларига маҳлиё бўлади. Улар туфайли ҳақиқат йўли ҳақоратга дучор бўлади. Улар тамагир бўлганидан, хушомад гаплар билан сизларнинг ҳисобингиздан давлат ортирадилар. Мана, уларнинг жазоси қадимданоқ тайёр турибди, ҳалокати эса кечикмаяпти”.

2 Бутрус 2:1

Бидъатчилар Хитой ҳаракатининг уй жамоатлари учун асосий душманлардан бири ҳисобланадилар. Ушбу жамоатлар раҳбарияти томонидан бидъатчилар таълимотининг уч муҳим манбаси белгиланган ва қуида келтирилган.

«Биринчи манба — Худонинг мавжудлигидан гувоҳлик бериб турувчи имонлиларнинг индивидуал ҳис-ҳаяжонлари. Худога мурожаат қилишнинг шахсий руҳий тажрибаси таълимот даражасигача кўтарилади, буни қабул қилишни ҳаммага зўрлайдилар. Масалан, Хэнань қишлогининг жанубида, хонаки жамоат ҳаракати тармоқларининг бирида барча имонлилардан — ўз тасаввурларида уларга шахсий “қадимги одам” намоён бўлиши талаб этилади. Бундай талаб қўйишнинг сабаби жуда оддий: ушбу йўл орқали Худо-

га жамоат раҳбари келган. Унга бир рух намоён бўлди, бу рухни раҳбар ўз шахсиятининг қоронгу қисми сифатида қабул қилди. Рух унинг устидан тўла ҳукм ўрнатганини айтади. Даҳшатга тушган одам ўзининг қоронгу “мен”идан баланд келмоқчи бўлди ва Исо Масихнинг янада юкорироқ ҳокимиятига мурожаат қилди.

Бу воқеа Масихга юз тутиш гувоҳлиги сифатида маълум маънода таассурот туғдиради, аммо таълимот сифатида бу фирт бемаъни гап.

Қонунчилик — бидъатчиликнинг яна бир манбаи. Қонунчилик Муқаддас Китоб ҳақиқатини йўққа чиқаради, шунинг учун ҳам озод қилишга даъват этувчи қонунчилик одамларни кулликка солади. Ҳеч бўлмагандა, қисмат ҳақидаги таълимотнинг турли-туман талкинини олайлик.

Баъзи бир масиҳий жамоатлари, агар одам моддий жиҳатдан таъминланган бўлса, ўша одамни кутқарилган, деб ҳисоблайдилар. Бошқаларнинг айтишича, бир маротаба кутқарилишни қабул қилган одам келажакда хоҳлаганича яшами мумкин, чунки Худо кимни танлаган бўлса, ўшани осмонга олиб кетиши шарт. Шунга ўхшаш бузуқ таълимотлар Худонинг марҳаматига очиқ—ойдин тарзда соя солади.

Бидъатчиларнинг муҳим манбаларидан учинчиси — оддий ҳалқнинг ишончи. Масиҳийликни янги қабул қилган имонли ирим-чирилларни амалиётда қўллаганда, унинг эътиқодига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Хэйлунцзян қишлоғида бўлиб келган хизматчилардан бири, жамоат йигилишининг раҳбарлари бирор қарорни қабул қилишдан олдин икки куръа тошидан — бир тарафи силлик, иккинчиси нотекис бўлган икки ёғоч парчасидан фойдаланаётганликларини кўрди. Анъянавий Хитой эътиқоди бўйича, бу ёғоч парчалардан фол очишда кенг қўлланилар эди: коҳин ёғоч парчаларни тепага отиб, Худодан “ҳа” ёки “йўқ” деб жавоб беришини кутар эди. Агар ёғоч парчаларнинг бири ерга силлик тарафи, иккинчиси нотекис тарафи билан ерга тушадиган бўлса, унда худо “ҳа” деган бўлади. Иккала ёғоч силлик тарафи билан ерга тушса, худо — “йўқ” дегани, иккиси ҳам нотекис тарафи билан тушса — “унда яна бир марта ҳаракат қилгин” дегани бўлар экан.

Бундай қарор қилиш усулидан фойдаланаётган жамоат раҳбарлари Ҳаворийлар Фаолияти Китобининг 1-бобини далил сифатида келтирадилар. Унда айтилишича, хоин

Яхудонинг ўрнига ҳаворийлик хизмати учун икки номзоддан бирини танлаш максадида “куръа ташланади”. Ёзувдан айнан шу жойни асос сифатида олган Хитой жамоатларининг раҳбарлари ким дъякон, ким пресвитер, ким воиз бўлишини билиш учун Оқшом Зиёфатида “куръа тоши”ни ташлар эдилар. Бундай йўл билан жамоатнинг етакчи лавозимлари ни лойик бўлмаган одамлар эгаллаши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Бидъатчилик билан курашнинг энг яхши усули — бу Муқаддас Ёзувни чукур таҳлил қилишdir.

Мана, Вэнъчоулик 53 ёшли ходимларимиздан бирининг фикри: “Содда қилиб айтганда, агар ҳаммамизда Муқаддас Китоб пайдо бўлса, бидъатлар ўз-ўзидан йўқолади. Бизнинг ҳудудимизда имонлиларда Муқаддас Китоб етарли даражада бор, аммо бидъат қолдиқлари олдингида жуда кўп. Шуниси муҳимки, Муқаддас Китобни фақатгина етказиб бериш эмас, балки имонлиларга Ёзувни тўғри талқин қилишни ҳам ўргатиш лозим”».

## Қўшимча муроҳазалар

Ҳаворий Павлус Коринфдаги руҳонийларга қўйида-гича сўзлар билан мурожаат қилган: “Орангизда эканман, Исо Масихдан ва Унинг хочга михланганидан бошқа ҳеч нарса билмасликка карор қилдим” (1 Коринфликларга 2:2). Римликларга Мактуб 14:1 да масиҳийларни шундай даъват этади: “Имони заиф одамини, унинг фикрлари ҳақида баҳслашмай, қабул қилинглар”.

Жамоат Яхё пайгамбарнинг хизматига қайтиши лозим, яъни ҳаммасидан ҳам бутун дикқат-эътиборни жамоат, таълимот ёки деноминацияга эмас, балки Исо Масихга қаратиш даркор.

Бидъатчилик ва сохта таълимот — бу қувфинга учраган жамоатга қаратилган ва ўлимга олиб келувчи иблис қўлидаги икки заҳарли қилич ҳисобланади. Улар жамоатни бўлиб ташлайдилар ва барбод қиладилар. Шу тарзда жамоатнинг ўсиб ривожланишига ҳалақит берувчи — қамоқхоналар ва азоб-уқубатларга қараганда,

яна ҳам оғиррөк, қирғин келтирувчи ҳаракатларга дұчор қиладилар.

Ғарб имонлилари жамоатни босиб келувчи жуда катта мاشаққат ва диққат билан турлича таълимотларнинг оқимини енгишига түғри келади. Улар барча мунозаралардан ўзларини олиб қочадилар ва фақатгина Исо Масихни тарғиб қилувчи таълимотга ишонадилар.

## Ақл учун озуқа

Таълимот одамларни бир-биридан ажратиб юборади. Исо эса шундай дейди: “Мен ердан юкорига күтариғанимда, ҳамманы ўзимга жалб қиласман” (Юханно 12:32). Доктрина имонлиларни бўлиб юборадиган жойда Исо Масихда бирлашиш лозим. Ҳозирда масиҳийларни ажратиб турувчи таълимотлардан, шунингдек, бўлинниб кетиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигига мисоллар келтиринг. Агар сиз ҳам чуқурлашиб борувчи бўлинниш жараённига қўшилиб кетган бўлсангиз, ҳозироқ бунга тавба қилиш ҳаракатини кўринг ва Худо сизни кечиришини илтижо қилиб сўранг. Доимо жамоатнинг бирлиги тўғрисида ибодат қилинг.

## Келажакдаги тадқиқотлар

- Луқо баён этган муқаддас Хушхабардан 11-боб, 17-оятини ўқинг. Бўлинниш тўғрисида Исо нима дейди?

- 1 Коринфликларга Мактубда Павлус жамоатларни бирлашишга даъват этади. “Эй биродарларим, Раббимиз Исо Масих номи билан сизлардан ёлвориб сўрайман, ҳаммаларингиз ўзаро келишиб яшанглар. Ўзаро низоларга йўл қўймай, фикр-хаёлда тамомила яқдил бўлинглар” (1 Коринфликларга 1:10).

- 1 Коринфликларга Мактубнинг 3-боб, 3-оятида Павлус шундай дейди: “Сизлар ҳали ҳам бу дунёning одамларидай юрибсизлар. Орангизда ҳасад, жанжал ва келишмовчиликлар бор экан, дунёвий эмассизлар! Бун-

дай ҳаракат қиларкансизлар, бошқа одамлардан нима билан фарқланасизлар?”

- 1 Коринфликларнинг 12-боб, 25-оятида Исо Масих баданда бўлинмасликка даъват янграйди.

- Римликларга Мактубда 16-бобнинг 17-оятида панд-янасиҳат сифатида ушбу сўзлар айтилган: “Эй биродарларим, сизларни ўрганган таълимотингиздан айни-тиб, нифоқ ва ғулғулага сабаб бўладиган кишилардан эҳтиёт бўлишингизни ўтиниб сўрайман; улардан ўзингизни четга олинглар”.

- Ҳикматлар Китоби 6:16–19 да Раббий ёмон кўр-гувчи олтита ҳаракат санаб ўтилган. Шуларнинг олтинчиси — бу “биродарлар орасига низо солгувчиидир”.

## **Амалий машғулотлар**

Хитой ва Судан каби мамлакатларда Муқаддас Китоб жуда ҳам кам, унинг устига бу ерда сабр-қаноат қилиш масаласи муаммо бўлиб қолмоқда. Вьетнамда баъзи бир имонлилар Забурнинг 118-саносини ёдлаб олишга мажбурлар, чунки айнан шу тариқа жамоат раҳбарлари уларга Муқаддас Китоб бериш учун навбатга ёзиб қўядилар. Сизлар ҳам Забурнинг 118-саносини оила аъзоларингиз билан, ёки бўлмаса дўстларингиз билан қисмларга ажратиб ёдлаб олишга ҳаракат қилинг.

23 — кун

## ДАЖЖОЛ

“Эй маҳбуларим, ҳар қандай рухга ишона-вермангиз. Худодан бўлган-бўлмаганлигини билиш учун руҳларни синовдан ўтказингиз. Чунки дунёда кўпгина сохта пайғамбарлар пайдо бўлган. Одам вужуди билан дунёга келган Исо Масиҳни тан олмовчи ҳар қандай Рух Худодан эмас. Бу - дажжолнинг руҳи. Дажжол келишини сизлар эшигтан эдингизлар. Мана, ҳозирдан у дунёдадир”.

1 Юҳанно 4:1–3

Куйида Хитойнинг Чжэцзян вилоятларида кезиб юрган 41 ёшли воизнинг кундалигидан парчалар келтирилган:

«Қандайдир бир шаҳарга етиб келдим. Маҳаллий коҳин Дао менинг келганимдан хабар топгач, бонг урганича даосс муқаддас матнларини кўтарганча, мен тўхтаган жойга етиб келди. У менинг киёфамда ёвуз руҳни кўрган ва шунга кўра иш тутишни лозим топди. Мен унга қарши чиқдим ва юзмаз юз турганимча у учун ибодат қилмоқчи бўлдим. Коҳин эса мени қарғай кетди. Сўнгра у маҳфий полиция айғокчиларини чақириб келгани жўнади ва мен зудлик билан бу ерни тарк этишимга тўғри келди. Аммо кетишимдан олдин маҳаллий уй жамоати аъзолари билан учрашувни белгилаб олдим. Мен жамоат аъзолари билан белгиланган жойда, шаҳар четидаги очик яйловда учрашдик. Ибодат кечаси ниҳоятда самарали ўтди. Биз эрта тонгдан то кун ботгунга қадар Худони улуғлаб шукроналар айтдик...

Қандайдир ғайриоддийлик. Худо бизга намоён бўлди. Гўёки само юлдузлари бизнинг елкаларимизга тушгандай. Биз қучоклашдик. Уч соат тинмай мен имонлиларни руҳлантириб, Муқаддас Ёзув сўзларидан гапирдим...

Бу ерда — Хитойда биз қонунчиликка дуч келамиз. Эҳтимол, бу бизнинг конфуциан наслимиздир. Раҳбар қўмитамизнинг аъзоларидан бири ҳар бир имонли баданида хочга ўхшаган яраларни олиб юришини хоҳлади. Яна бошқалар Муқаддас Ёзувни овоз чиқариб ўқишни тавсия қилдилар, Муқаддас Китобни ичида ўқишидан кўра, овоз чиқариб ўқиш яхшироқмиш. Қўмитанинг ҳар бир йиғилишида биз қонунчилик билан курашамиз, худди Павлус ўз вақтида яхудолашганлар билан курашгани сингари...

Эй Раббий! Шу кульглар дастидан қанчалар кўп тартибсизлик ва ғавғолар келиб чиқади. Цзянсу вилоятининг ғарбига ишлаган бир хизматчи гуруҳларда Исонинг номи билан бир қаторда ўз номига ҳамду санолар айтиб куйлашни ўргатган экан. У ёзган асарларни хорда ҳамма айтиши шарт эмиш. Кимки норози бўлса, у жамоатдан кувиб чиқарилар экан. Бизга айтишларига караганда, жамоатлар раҳбарияти факат итоат қилиш масаласи билан қизиқар экан. Ҳар бир имонлини улар бир мезон орқали баҳолашар эди — раҳбариятга содиклик. Мен кассетага қонунга риоя қилишдан кўра ростгўйлик муҳимроқ эканлиги тўғрисидаги ваъзни ёзib олдим, бу кассетани ўша ерга жўнатамиз. Лекин шундай хавф ҳам борки, улар бунга рози бўлмайдилар ва жамоатдан чиқиб кетишлари мумкин. Бидъат билан курашишнинг, эҳтимол, бир йўли қолган — бу уларни қонун билан тақиқлаб қўйиш...

Яна бешта вилоят бўйлаб икки ойлик командировкага жўнамоқдаман. У ерларда мен буюк қувғинлар ва улкан шифо топишлар ҳақида эшитаман. Худо қоронғуликда ва ёруғликда шухрат қозонди. Мана шунинг учун ҳам У — буюк Худо, Яккаю Ягона. Хитойда Унинг марҳамати барчага қаратилган. Худонинг буюк Хушхабарини имкон қадар ҳаммага етказишим учун, У менга узоқ ҳаётни ато этди.»

## Қўшимча муроҳазалар

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигига дунё сохта таълимотларнинг ҳақиқий эпидемиясига дуч келди. Шу билан бир вақтда кўпинча тўс-тўполон ва ваҳшийлик

билинг Худонинг Ўғли борлигини инкор этган ислом, дунёда янада жўшқин ривожланаётган диний система-га айланди— қолди.

Соҳта таълимотлар заиф ва айрим одамлар учун жуда катта хавф туғдиради. Шоқол подадан ажralиб орқада қолган ёки мадорини йўқотган ёшгина зебра ва буғиларни қийнагани каби, улар кейинда қолганларни йўқ қиласар эдилар. Ислом эса бутун бир мамлакатларни ютиб юборарди. Юлдуз ва масиҳийларга қаратилган қувғинларнинг ярим ой шакли туширилган яшил байроқ остида энг кучлилар.

## *Ақл учун озуқа*

Шуни эсда тутиш муҳимки, мусулмонлар масиҳийларга душман эмас. Биродар Андрей бу нуқтаи на-зарни тушунтиришни яхши кўради. У ISLOM инглиз сўзини акроним кўринишида тасаввур қиласиди: *I Sincerely Love All Muslims* (мен барча мусулмонларни чин дилдан севаман). Кувфинга учраган биродарларимиз ва сингилларимизга хизмат қилиш ҳақидаги Худо даъватини эсда тутиб, Унинг чорлаётганини эшитгач, биз ниҳоятда эҳтиёткор бўлишимиз керак, токи ўлаётган одамларни иблис — ҳамма ўлаётган одамларни қаҳрғазабга, аччиқ ва ғам-ғусса бўёқларига ботириб ташламасин. Ҳар доим, ҳар қандай тақдирда ҳам бизнинг севгимиз бундайларга нисбатан муносабатларимизнинг асл моҳиятига айланиши керак, зеро Масиҳнинг муносабати худди шундай.

## **Келажакдаги тадқиқотлар**

- 1 Коринфликлар Мактубнинг 12-боб, 10-оятида “руҳнинг фарқига бориш” тўғрисида айтилади: “Бирорвга мўъжизакорлик кучлари, бошқасига башоратгўйлик, яна бошқасига руҳларнинг фарқига бориш қобилияти насиб этади. Бирига турли тилларда гапириш, бошқасига бу тилларни таъбир қилиш илҳоми келади”.

• Луқо баён этган мұқаддас Хушхабарнинг 9-боб, 52–55 оялларыда самарияликлар Исоны рад қилиши тұғрисидаги ҳикоя тасвирланған: “Исо Үзидан олдин хабарчиларни юборди. Улар Исо келишига ҳозирлик күриш учун Самариянинг бир қишлоғига кирдилар. Лекин У Куддусга кетаёттан сайёх қүринишида бўлгани учун, самарияликлар Исоны қабул қилмадилар. Шогирдлари Ёкуб ва Юҳанно буни кўриб, дедилар: “Раббий, истасанг, биз Илес пайғамбар қилганидек, буларни гумдан қилиш учун осмондан олов тушсин деб айтайлик”. Исо эса уларга бурилди-да, таъна қилиб деди: “Сизлар қандай руҳда бораётганингизни билмайсизлар”.

• Масих хизмат қилишдан воз кечишини Бутрус маслаҳат берганда, уни қандай руҳ бунга бошлаганини Бутрус фарқлай олмади. Масих эса руҳни фарқлай олди ва деди: “Йўқол қўзимдан, шайтон! Сен Мени йўлдан уряпсан, чунки сен Худонинг ишларини эмас, балки инсон ишларини ўйлаяпсан” (Матто 16:22, 23).

• Тимўтийга иккинчи Мактуб 1:7 да кўрқоқлик руҳи, куч-қувват руҳи, муҳаббат ва нафсни тийиш руҳи ҳақида сўз боради.

• 1 Шоҳлар Китоби 16:14 да Шоулни безовта қилган руҳ тұғрисида гап кетади.

• Ҳаворийлар Фаолияти Китоби 16:16–18 да Павлус томонидан қувиб чиқарилган фолчилик руҳи ҳақида хабар берилади.

• Марк баён этган Мұқаддас Хушхабарда Ка-фарнаҳұм ибодатхонасидан қувиб чиқарилған ёмон руҳ ҳақида айтилған; Марк Хушбарининг 5-боб 1–13-оятларыда Гадара юртида бир одамдаги кўплаб ёвуз руҳларни Исо қувиб чиқарғани ҳақида сўз боради; шунингдек, ушбу Хушхабарнинг 9-боб, 14–29-оятларыда ибодатдан бошқа йўл билан қувиб бўлмайдиган соқов ва кар руҳ ҳақида ҳикоя қилинганд.

24 — кун

## ЭХТИЁТ БҮЛИНГ!

“Ваҳоланки, инсон вужудига кирган Исо Масихни тан олмовчи кўп алдамчилар жаҳоннинг ҳар тарафига ёйилиб кетганлар. Энг катта алдамчи — дажжол ҳам булар қаторида туради. Қилган меҳнатимизнинг маҳсулини йўқотмаслик ва ҳамма мукофотни олиш учун ўзингизга эҳтиёт бўлингиз. Ҳаддидан ошган, Масих таълимотидан узоқлашган ҳар қандай одамда Худо йўқ. Бу таълимотга амал қилган киши эса Отага ҳам, Ўғилга ҳам эга бўлади. Агар бирор киши олдингизга келиб бу таълимотни ўргатмаса, уни уйингизга киритманглар, унга салом ҳам берманглар. Чунки унга салом берган киши унинг ёмон ишларида иштирок этган ҳисобланади”.

2 Юҳанно 7–11

Хитойдаги хонаки жамоатлар аъзоларидан бири “Очиқ эшиклар” халқаро ташкилоти ишчиси Алекс Баканга қуйидаги ҳикояни сўзлаб берибди.

«Чжен Цзун билан биз танишганимизда, Исо Масих кетидан юраётганимизга беш йил бўлган эди. Асосан қишлок ҳўжалиги билан шуғулланадиган Хубэй вилоятига қарашли бўлган қишлоғимизда йигирма бешта имонли бор эди. Биз масихийлик радиосини тинглар эдик. Шундай тарзда бизнинг жамоатимиз юзага келди. Менинг онам аппендицитдан шифо топганда эса, бутун бошли икки оила Масих эътиқодига юз тутишди.

Бахор кунларининг бирида бизникига биродар Чжен ташриф буюрди, ўшанда баъзиларнинг айтишига қараганда, у “Худо томонидан юборилган” эмиш. Унинг ўзи ҳам худди шундай дер эди. Мана энди бир йил ўтганидан сўнг, менинг ўйлашимча, бу одамни иблис юборган. Яна ким билсин, эҳтимол, мен шундай ўйлаб, қаттиқ хато қилаётгандирман.

Ушбу кеча менинг хотирамда муҳрланиб қолди. Ҳамма менинг отамнинг уйида йифилди. Шамнинг шуъласи оппоқ қилиб оқланган деворда қандайдир ғаройиб сояларни акс эттиради. Деворда шундай сўзларни ўқиш мумкин эди: “ИСО — ЙЎЛ, ҲАҚИҚАТ ВА ҲАЁТ”.

Биродар Чжень ўттиз ёшларда эди. Унинг кўриниши салобатли эди. Унинг сўзларига қараганда, у машхур Ванг Минь Даони билар экан, биз эса шундай одам борлигини ҳам билмасдик. Бизни кимдир Шанхайдан кўргани келганининг ўзи ниҳоятда кизиқ эди — ўшангача бизнинг қишлоғимизга ҳеч ким ташриф буюрмаган эди.

Унинг овози осуда жимжитлиқда қаттиқ ва ишончли янграр эди. Унинг кўл ва гавдани қимирлатиб сўзлашибан бутун бадани титрарди, унинг юзида икки катта кўзи ажралиб турарди.

Ростини айтсан, ўша кеча у бизга нималар дегани эсимда йўқ. Унинг нотиқлик талантни бизга катта таъсир кўрсатди. У Муқаддас Ёзувдан кўплаб парчаларни ёддан айтиб берарди ва ҳар бир парчани тарихдан олинган мисоллар билан асослаб берарди. Унинг айтиши бўйича, биз кўплаб марҳаматлардан маҳрум бўлган эканмиз, у бизни Масихга олиб бориш учун келган экан. Шу ерда у бизни ҳайратда қолдирди, биз таажжубланганимизча, ҳайрон бўлиб бир-биримизга қараб туар эдик. Бу қандай ҳол? Наҳотки биз бошқа йўлдан бораётган бўлсак?

Биродар Чжень бизга ҳақиқат йўлини кўрсатиш учун қолди.

Ўша пайтдан бошлаб бизнинг жамоат йиғилишларимиз ҳам тубдан ўзгарди. Биродар Чжень бизнинг раҳбаримиз бўлди. Биз у келгунча Муқаддас Китобни ўқирдик, ўқилган парчани таҳлил қиласди, сўнгра юзага келган саволлар билан Пекиндан келган устозга биз мурожаат этардик.

Муқаддас Китоб биз учун мураккаб туюлди, кўплаб оятлари нималарни англатишини ҳеч ким билмасди. Бизлардан кўпчилик қийин ва тушунарсиз сўзларни ҳаттоки ўқий ҳам

олмасди, бундай сўзлар эса жуда ҳам кўп эди. Биз ибодат қилишни яхши кўрардик, шунинг учун ҳам баъзида ибодат ярим кечагача давом этиши мумкин эди. Кўпинча ибодат пайтида биз хурсандчиликдан ҳайқирадик, баъзида эҳтиромда сукут сақлардик. Биз Худонинг шу ерда, биз билан бирга эканлигини хис қиласдик.

Биродар Чжень бизни кўплаб янгиликларга ўргата бошлиди. “Исони чиндан англашимиз учун, биз учта эшикдан ўтишимиз лозим”, — дейди у.

Биринчи эшик — бу кўз ёшлари, деб тушунтириди у. Чжень бизга Исонинг “йиглаётганлар бахтлидир” деган сўзларни тушунтириб берди. Шунинг учун ҳам у бизни йиглашга ўргатди. Олдинига бу жуда ажойиб эди. Биз нола чекардик, ўкириб йиғлар эдик. Бир неча ой ўтди ва Чжень бас, етарли деди. Биз энди иккинчи эшикдан ўтишимиз керак эди.

Бироқ бизнинг орамиздан икки киши, энди ҳадеб бошқалар каби йиғлай олмасликларини айтишди, биз биринчи бор Чжень газабланганлигини кўрдик.

“Худонинг иродасига қарши чиқмаслик керак, — деди Чжень ва ўша икки биродаримизга танбех берди. — Иблисга мурожаат қилманглар”.

Шу икки биродаримиз қолганлар каби назоратсиз ва тинмай йигламагуларича, жамоат йиғилишига келишларини Чжень уларга ман этди. Бу икки дўст жамоат йиғилишларига келмай кўйишли, бироқ улар қишлоқ аҳолиси орасида биз ҳақимизда турли-туман нохуш миш-мишларни тарқата бошлашди.

Кейинроқ биз болаларча эътиқод ҳакида билиб олдик. “Исо ҳузурига биз кичкина болалар каби келишимиз лозимлигини амр қилган, — деди бизга биродар Чжень. — Болалар ишонувчан, соддадил ва қўнгилчан бўладилар. Улар ота-оналарига қулоқ соладилар, агар бу уларнинг фойдасига эканлигини билсалар”.

Ушбу мавзуда Чжень жуда ҳам кўп гапирмасди, аммо бир неча ой ўтганидан кейин у ўзини ота, бизни — ўзининг болалари сифатида қабул қилишини англаб етдик.

Нима учун бизни кутган нарсаларни биз кўра олмас эдик?

Бу одам гўёки Худонинг сўзларини гапирарди, Муқаддас Китобни биларди. Ҳамма нарсага у жавоб тариқасида оятга эга эди, бироқ бу шундай ёки ундей эмаслигига биз ўзимиз

ишонишимиз қийин эди, чунки бизнинг орамиздан жуда камчилик одам яхши ўқиши биларди.

Орадан олти ой ўтиб жамоатимиз аъзолари тобора камайиб борарди. Лекин Чжень бизни ишонтиришича, унинг оёклари олдида ўтириб, Масих ҳақидаги гапларни эшитиш жуда маъкул иш эмиш.

Учинчи эшикни у олтин эшиклар, ёки олтиндан ясалган эшиклар деб айтарди. Менга шуниси маълумки, бу учун ҳам унинг қандайдир Муқаддас Китобга асосланган ояти мавжуд эди. Тўғриси, қандай оятлиги ҳозир эсимда йўқ. Ўйлашмича, у ерда олтиндан ясалган қандайдир самовий шаҳар ҳакида гап борарди. Бу шаҳарга кириш учун биз заминдаги ҳаётимизда бутун олтинларимизни ҳозирдан Исога берган лигимизни исботлашимиз керак эди.

“Осмонда бизга қаср куриши учун Исога бизнинг олтинларимиз керак бўлади, - деган эди биродаримиз Чжень, — бугунги кунда Унга қанчалик кўп олтин берсак, келажакда осмондаги уйимиз шунчалик катта бўлади”.

Бизнинг ҳаммамиз эса ниҳоятда камбағал эдик. Қашшоқликдан қутулиб, биз келажакда ўлганимиздан кейин албатта олтиндан курилган уйда яшашни орзу қиласдик. Шундай қилиб, биз бор-бутимизни унга йиғишириб бердик: оиласвий нарсаларимизни, пулларни, ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган қимматбаҳо матоларни. Ҳаттоқи жамоат аъзоларидан кимдир узок йиллар мобайнида пул тўплаб, сошиб олган мотоциклни биродар Чженъга келтириб берди.

Ўшанда юз берган ҳолатни зудлик билан ҳал қилиш керак эканлигини биз билмаганмиз. Аммо биз унга ишонар эдик, шунинг учун ҳам унинг таълимотини шубҳа остига олишга ҳеч қандай сабаб йўқ эди. Биродар Чжень андишли, камтар, илтифотли одам эди. Бизнинг қандай эҳтиёжларимиз бўлса, ҳеч қачон “йўқ” демас эди. Биз унинг қандай одам эканлигини ҳеч қачон суриштириб кўрмаган эдик. Чженънинг ўзи эса ҳеч қачон ўзи ҳақида, нима билан шуғулланиши тўғрида ҳеч кимга айтмаган эди — мана шунинг ўзи бизни огоҳ бўлишимизга ундаши керак эди.

Барча “олтинлар” тўплаб бўлингандан кейин биродар Чжень “биз учун олтин эшиклар очиши кераклигини, шунинг учун кетиши кераклигини айтди. Биздан тўплаб олинган барча нарсаларни у мотоциклга юклаб олиб кетди. Шундан кейин биз уни ҳеч кўрганимиз йўқ.

Бизнинг жамоатимиз инқирозга учради. Кимлардир ҳалигача биродар Чженънинг қайтиб келишига ишонади, ахир, бизни Масихга олиб келиш учун уни Худо юборган деб ҳисоблашади. Бошқалар эса мен сингари уни ёлғончи, фирибгар деб ўйламиз. Унинг таълимоти эса бошидан бизнинг “олтинларимизга” эга бўлишга атайлаб уюштирилган деб ҳисоблаймиз.

Менинг оиласам ҳам барбод бўлди. Отамнинг айтишича, биродар Чженъ яхши одам эмиш. Гарчанд биз отамизга очиқдан-очиқ эътиroz билдира олмасак-да, оиласизнинг бошқа аъзолари ўзгача фикрдамиз.

Биз ҳалигача керакли даражада Муқаддас Китобни ўқий олмаймиз. Ростини айтганда, биз ҳозирга қадар Исо Масихни яхши билмаймиз. Бизга шуниси маълумки, У бизни кутқарган ва бизнинг қариндошимизга шифо берган. Булардан бошқа биз учун ҳеч нарса қилмаган».

## Қўшимча мuloҳазалар

Дажжол деб таржима қилинган сўз Муқаддас Ёзувда атиги тўрт марта — фақат Юҳаннонинг биринчи ва иккинчи Мактубларида учрайди. Юонончадан таржима қилинганда, бу сўз *Мессия ўrniga* деган маънони англатади. Бу тушунча конкрет шахсдан кўра, руҳга тааллуқлидир. Масалан, Ваҳий Китобида “ҳайвон”ни дажжол деб аташ мумкин. Ушбу рух Худо Исо Масихнинг ягона моҳиятини инкор қиладиган ёки камситадиганларнинг ҳар бирида учрайди.

Ҳар қандай масиҳийнинг, айникса, қувфинга учраганнинг ишонч-эътиқоди, тирик Худо—Исо Масих билан доимий ёки шахсий мулокотида асос топган бўлиши керак. Агар биз ишончсиз, ёки ўйлаб топилган персонажга суянидиган бўлсак, унда бизни вассваса енгади ва биз қувфинглардан чекинамиз. Агар одам Масихни қабул қилса, Уни пайғамбар ёки воиз, ҳаттоқи халқ ва даврларнинг энг зўр воизи деб билса-да, бироқ Масих—бу Худонинг зоҳирий кўриниши эканлигини рад қилса, унда бундай одам дажжол руҳига эга бўлади ва фақат Масихни эмас, бошқа ҳар қандай одамнинг келишини башорат қилади.

Гўёки йўлдан озиш мумкин эмас, деб ўйламаслик учун Матто баён этган Хушхабарнинг 24-боб, 11-оятидаги Масиҳнинг огоҳлантиришини ўқинг: “Кўпдан-кўп сохта пайғамбарлар пайдо бўлиб, кўпларни йўлдан уради”. Шунингдек, 23, 24-оятлар: “Агар ўшанда кимдир сизга: “Масиҳ мана бу ерда”, ёки “У ерда”, — деб айтса, ишонманглар. Чунки сохта масиҳлар ва сохта пайғамбарлар пайдо бўлиб, иложини топсалар, ҳатто танланган кишиларни ҳам йўлдан оздириш учун ғаройибот ва мўъжизалар кўрсатадилар”.

Кувфинга учраган жамоат ёвуз рухни била олиши учун, қаерда пайдо бўлишидан қатъий назар, биродар ва сингилларимиз дажжолни ажратса олишлари учун ва турли сохта таълимотлар, эътиrozлар билан жамоат аъзоларини йўлдан уришга дажжолга имкон бермасликлари учун ибодат қилинглар.

## Ақл учун озуқа

Сиз нима деб ўйлайсиз, дажжол рухи сизнинг мамлакатингизда ҳаракат қиласидими? Конкрет тарзда у қандай ҳаракат қилишини айтинг. Бугунги кунда қандай маккорликлар орқали дажжол имонлиларни Масиҳдан олиб қочади? Масиҳийлар қандай қилиб дажжолни ажратиб олишлари ва уни фош қилишни ўрганишлари мумкин?

## Келажакдаги тадқиқотлар

- Муқаддас Китоб башоратларига кўра, сўнгги кунларда кўплаб ҳодисалар юз бериши керак. Бу ҳодисаларнинг ортида дажжол рухи ҳаракат қилмоқда. Ишаё пайғамбар Китобининг 2-бобини ўқиб чиқинг.
- Шунингдек, Дониёр Китобининг 12-бобини ўқинг.
- Михо Китобининг 4-бобида ўша даврлар башорати ҳақида ҳикоя қилинади.

- 2 Тимўтийга Мактубнинг 3-боб, 1–9-оятларида дажжол руҳининг самараси тасвирланади. Худди шу ҳақда Бутруснинг иккинчи Мактубидаги 3-бобни қаранг.
- Матто баён этган Хушхабарнинг 24-бобини ва Марк Хушхабарининг 13-бобини ўқинг.

## Амалий машғулотлар

Куръонда Исо масих ҳақида нималар ёзилганига қаранг ва Муқаддас Китобда У ҳақда ёзилган ҳақиқат билан уларни солиштириинг. Мачитга ташриф буюринг ва у ердаги имом билан сұхбатлашинг. Сиз масиҳий эканлигингизни имомга айтинг. Бизнинг эътиқодимизни фарқлаб турадиган хусусиятларга эътибор қилган ҳолда, исломни яхшироқ тушунишга ҳаракат қилинг. Раббий сизга мусулмонлар учун ибодат қилишга ижозат берганда — У эса албатта ижозат беради — бу маълумотлар фойдали бўлади. Факат бу ҳақда Ундан илтижо қилиб сўраш лозим.

25 — кун

## НОПОК РАҲНАМОЛАР

“Мен имонлилар жамоатига баъзи нарсаларни ёзган эдим. Аммо уларнинг ораларида ўзини катта туваётган Диотреф бизларни қабул қилмаётир. Агар келсам, унинг қилмишларини фош эта-ман. У биз ҳакимизда ёмон гап тарқатиб, номи-мизга иснод келтириб юрибди-ку. Бу билан ҳам кифояланмай, бошқа биродарларни ўзи қабул қилмаяпти, қабул қилмоқчи бўлгандарга эса тўскинлик қиляпти ва ҳатто уларни жамоатдан қувиб чиқаряпти”.

З Юханно 9, 10

Ўн миллиондан ошиқ имонлиларни намоён қилувчи Хитойдаги хонаки жамоатлар раҳбарлари 1998 йилнинг ёзги йигилишида ўз жамоатларининг муҳим масалаларини муҳокама қилишган.

Муаммолар рўйхатининг биринчи қаторларида миш-миш гаплар турарди. Жамоат раҳбарлари бу иғво гуноҳи уларнинг хизмат қилишида қандай заарар етказаётгани ҳақида бирин-кетин гапиришар эди. Хэнань вилоятидан келган бир раҳбар ҳаётида юз берган шундай воқеани сўзлаб берди:

«Мен ходимлар билан Муқаддас Китоб машғулотларини ўтказиш учун оқшом пайти йўлга отландим. Бироқ семинар бўлиб ўтаётган уйга мени киритишмади. Мен ёпиқ эшиклар ортидан гап нимадалиги сўрадим. Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Бироздан кейин: “Бу ердан йўкол!” — деган жавобни эшитдим.

Қахратон қиши эди, кун ҳам кеч бўлиб қолганди. Мен яна шаҳардан чиқиб кетиб, қаердандир тунаш учун жой топишим керак. Бунинг устига исиниш учун ўтин топиб, олов ёкиш керак эди. Нима юз берганлигини тушунтиrmай, қишининг изғирин кечасида мени шундай ахволга ташлаб қўйишга биродар ва сингилларимни нима мажбур қилди экан?

Бир биродарнинг менга раҳми келди, шекилли, яширинча уйига тунаш учун киргизди. Аста-секин ундан гап нимадалигини билиб олдим. Ушбу район жамоат раҳбарлари аноним хат олишибди. Хатда ёзилишича, “мен аёлларни йўлдан оздирувчи шахс” эканман. Шунинг учун ҳам мени семинарга киритишмаган экан.

Бу бўхтон эканлигини, менинг гапларимга қулоқ солишлирини ва шу хатни менга кўрсатишларини сўраб мен қанчалик харакат қилмайин, бироқ ҳамма уринишларим зое кетди.

Мамлакатнинг бошқа бурчагига келгач, кейинроқ бу аноним хатни ким йўллаганини мен билдим. Бу хатни қачонлардир уятсиз қиликлари учун мен танбех берган бир биродаримиз мендан ўч олиш ниятида йўллаган экан. Мен боришим керак бўлган ўша семинар қаерда ўтишини у олдиндан билиб олган ва шу ишни қилган.

Мен бу биродарни топиб уйига бордим, у ўз гунохини бўйнига олди ва тавба қилди. У ўша жамоатга яна бир бошқача мазмунда хат йўллади, бироқ биринчи хатини аноним тарзда ёзгани учун, энди унга бўлган ишонч йўқолди. Биз иккализм ҳам ўша жамоат аъзолари олдида вазиятни тушунтириш учун боришга тайёр эдик, аммо улар бизни таклиф қилишини истамадилар. Жамоат раҳбарлари зиён кўришди. Эндиликда мен қаерга борсам, ҳамма жойда аслида нима юз берганини, буларнинг ҳаммаси бўхтон эканлигини тушунтиришимга тўғри келади. Хуллас, бу иблиснинг ғалабасидир.

Менга қарши гуноҳ қилган биродарни мен шаҳар четига таклиф қилдим ва сўйилган жўжанинг патларини юлишини буюрдим. Биз юриб кетардик, у эса йўл-йўлакай патларни юлиб кетаверди. Эслан шамол эса юлингандарни патларни дала бўйлаб учирив кетарди.

“Энди нима қиласин?” — деб сўради у патларни битта қолдирмай юлиб бўлгач.

“Эндиими, юлингандарни патларни йигиб олгин-да, жўжанинг ҳамма патларини жой-жойига суқиб чиқғин”, — деб жавоб бердим мен унга.

“Лекин бунинг иложи йўқ”, — деди у норозилик оҳангда.

“Гапинг мутлақо тўғри. Бунинг иложи йўқ. Худди шу сингари айтилган гапларнинг ҳам қайтариб олишнинг имкони йўқ. Айтилган гап — отилган ўқ”.

“Ёлғон ва тухмат иблиси” деб аталмиш ёвузликни йўқ қилиш мақсадида, жамоат раҳбарлари бир-бирларига нисбатан кўпроқ севги намоён қилишни ва яқиндан мулоқотда бўлишни келишиб олиши.

Бир раҳбарнинг айтишига кўра, Ксу Йонгцзе бугунги кунда қамоқхонада экан, чунки биз ҳозиргина унинг турархи ҳақида гийбат қилдик».

## Қўшимча муроҳазалар

Хойнаҳой, энг чуқур жароҳатларни бизга қувгинга учраган, айниқса раҳбарлик лавозимини эгалловчи биродар ва сингилларимиз қолдирап эдилар. Бу ерда қурол сифатида чақимчилик ва гийбат хизмат қиласиди. Булар ёрдамида имонлилар ҳийла ва найранг ишлатиб, ҳокимиётни сунистеъмол қиласидилар. Субути йўқ қавмбошилар худди шундай йўл тутадилар, улар Худо Шоҳлигидан кўра кўпроқ ўз манфаатларини кўзлайдилар. Одамларни Масих томонига эмас, ўзларининг томонига жалб қилиш билан машғулдирлар. Подани боқиши ўрнига, улар пода жунини аёвсиз қириб оладилар. Бу ерда ҳам дажжол рухининг ҳаракати аниқ кўриниб турибди.

Гап фақат субути йўқ қавмбошилар тўғрисида эмас, балки ўзларини самоларга кўтарувчи доминациялар ҳақида ҳам боради. Ҳукмрон бўлган доминантлар имонлиларни бўлиб ташлайдилар, бошқа жамоатларни гийбат қилиб, Худога ҳақиқатдан ҳам ишонган, Унга бошқача ибодат қилиб, хизмат этаётганларга қарши чиқадилар. Бу сохта қавмбошилар — ҳақиқатнинг сўнгги инстанцияси, деб ким айтади?

Қувғинларнинг бундай кўриниши фақатгина Осиё, Африка ва Яқин Шарқ билан кифояланиб қолмайди. Бундай ҳолат Фарбда ҳам юз беради.

## Ақл учун озуқа

Агар сиз ёки сизнинг танишларингиздан бирорта-си субути йўқ қавмбошилардан ёки конфессионал бў-линишлардан азоб чекаётган бўлса, бу вақтни шифо то-пишга, ибодатга, керак бўлса, тавба қилишга сарфланг. Сизга зиён етказганни кечириш учун Муқаддас Рухдан сизни мукаммал қилишини илтижо қилинг. Биродар-лар орасида низо келиб чиқишига сизнинг ўзингиз са-бабчи бўлмадингизмикан? Шуни кўрсатиб беришини Худодан сўранг. Сизга эр сифатида, хотин сифатида, ота сифатида, она сифатида ёки раҳбар сифатида берилган ҳукуқнисизсуистеъмолқилмадингизмикан? Агаршун-дай бўлса, зудлик билан Худо олдида гуноҳларингиз учун тавба қилинг, Унинг кечиримини олинг ва кўни-кинг. Ва ниҳоят, таъқиб қилинаётган жамоатдаги кал-такланган ва яраланган биродарларингиз учун ибодат қилинг.

## Келажакдаги тадқиқотлар

- Нопок қавмбошилар бошидан Худо халқини хо-навайрон қилиб келганлар. Ишаё Китобининг 56-боби-да Раббий уларни жазолагани ҳакида сўз юритилади.
- Ермиё Китобининг 23 ва 50-бобларида Исро-илнинг нопок чўпонлари Худонинг қўйлар подасини тарқатиб юборгандарни уларни адаштириб қўйганларни ҳакида ҳикоя қилинади.
- Ҳизқиё Китобининг 34-боби фақат ўзини ўй-лаб, шифо бермаган ва қўйларни қўриқламаган чўпон-лар ҳакида башорат қиласди.
- Юҳанно баён этган Муқаддас Хушхабарнинг 10-боб, 20-ояти ёлланганлар ишга қандай муносабатда бўлишлари ҳакида огоҳлантиради.

26 — кун

## ИМОНИНГНИ ИБРАТ ҚИЛ!

“Эй севгандарим, бошда Раббимиз Исо Масихнинг ҳаворийлари томонидан айтилган сўзларни эсдан чиқарманлар. Улар сизларга: “Охирги замонларда ўз нафсига маҳлиё, Худодан қўрқмас масхарабозлар пайдо бўлади”, — деб айтишган эди. Мана булар жудолик солувчи, моддиятга қул, Муқаддас Руҳдан маҳрум одамлардир. Сизлар эса, эй севгандарим, азизу муқаддас имонингизни ибрат қилиб, ривож топинглар, Муқаддас Руҳ илҳоми билан ибодат қилинглар. Абадий ҳаёт учун Раббимиз Исо Масихнинг марҳаматига кўз тутиб, ўзингизни Худонинг меҳр-муҳаббати соясида сақланглар”.

Яхудо 1:17–21

Биз — Муқаддас Китоб Масиҳ Танаси деб номловчи имонлилар жамоатининг бир қисмимиз. Биз бир-биrimизга жуда керакмиз. Мана ўн йил мобайнида “Очиқ эшиклар” халқаро ташкилоти таъқибга учраган жойлардаги имонлиларни қўллаб-куватлаб, далда бериб келмоқда. Гарчанд баъзида рухни қуткариб қолиш учун бутун ташкилотни эмас, балки биргина одамнинг аралашуви талаб этилади.

«Руминияда кучли таъкиблар вақтида бир ёшгина имонлини сўроқ қилиш учун маҳфий полиция ҳузурига чақиришишади. Унинг ўзи кўпдан бери бундан қўрқиб юарди. Полиция маҳкамасида биродар ва сингилларининг айғоқчиси бўлишни унга таклиф этишганда, у даҳшатга

тушди. Албатта бекорга эмас, маълум ҳақ ва унинг хавфсизлиги кафолатланади.

Бу таклифни йигит қабул қилмади, бироқ қатъий равишида рад ҳам этмади. Шунинг учун ҳам руҳий изтироб чекарди. У ухлай олмасди, кўркувдан ва гуноҳ азобидан дир-дир ти-трапади.

Кейинги куни эрталаб шу жамоатдаги Худо Рухи етакловчи бир мўйсафид чол йигитнинг уйига кириб қолди. Йигитнинг оғир аҳволда эканлигидан чол бехабар эди. Бироқ чолнинг ўзи қачонлардир эътиқоди учун қамоқхонада ўтириб келган эди, шунинг учун гап нимадалигини дарров тушуниб олди. Сўнгра йигитга Муқаддас Китоб маслаҳатини берди.

Чол ёшгина биродарини кўллаб-куватлади ва эртаси куни оқшомда белгиланган қаттиқ сўроққа уни тайёрлади.

Аммо иккинчи сўроқдан кейин ҳам йигит бир қарорга келломас эди. Чол яна уни кўнглини кўтариш учун келди.

Орадан уч кун вакт ўтди.

Ва ниҳоят, махфий полициячиларнинг таклифини қатъий рад этишга ёшгина биродаримизнинг куч-иродаси етди ва уни полициячилар бошқа бозовта қилишмади.

Руҳий зийраклик, маслаҳат, ибодат ва сабрли ғамхўрлик йигитни қутқариб қолди ва имонини мустаҳкамлади».

## Қўшимча мулоҳазалар

Таъқиб ва қувғинлар муқаррардир. Энг яхиси — уларни Масиҳ қўлидан олишдир.

Масиҳийлар қувғинлардан қочиб кутула олмайдилар. Шунинг учун ҳам биз уларга қарши саботли бўлишимиз, чидашимиз ва имонда қатъий туришимиз керак. Факат шундагина Худо бизнинг олдимизга қўйган мақсадга эришишимиз мумкин.

Худди шундай топшириқни Ваҳий Китобининг З-боб, 2-оятига асосланган ҳолда 1954 йили “Очиқ эшиклар” халқаро ташкилоти биродар Андрейга юклади: “Бедор бўл! Ўлишга юз тутмаган ниманг қолган бўлса, тузатиб қўй...”

Ибодат орқали, жамоатларга ташриф буюриш, Муқаддас Китобларни тарқатиш ва ёшгина қавмбошиларга насиҳат қилиш туфайли биз жамоатларни қувғин-

ларга учрашга тайёрлаймиз ва азоб-уқубатлар гирдо-бидида уларни қўллаб-қувватлаймиз. Ҳаммасининг маркази эса — Исо Масих. Барчаси У билан бўлган юракдаги муносабатларнинг ривожланишига ва мустаҳкамланишига қаратилади.

Яхудо йигитлари билан юз бергани сингари, биздан алангани олиб қочган ёки тошбўрон остида қолган Стефанга илоҳий манзарани очган, ёки епископлар Ридли ва Латимерга жабр-зулмда сабр-тоқатни инъом этган Масих — ҳар доим ва ҳар ерда бизнинг бошпанамиз бўлиб қолади. Ҳар доим ва ҳар ерда Раббий номи биз учун — мустаҳкам қалъа. Зеро У ҳеч қачон ва ҳеч ерда бизни ташлаб кўймайди, бизни эсдан чиқармайди.

## Ақл учун озуқа

Бу вақтингизни Худо билан мулоқотда ўтказинг. Агар сиз бу китобни бир ўзингиз ўқиётган бўлсангиз, масалан, бирор мусиқа асбобини чалишни билсангиз, унда Раббий учун чалинг ва Унга ҳамду санолар айтинг. Агар сиз гуруҳ билан шуғулланаётган бўлсангиз, унда ибодат ёзилган кассетани биргаликда тингланглар. Бу вақтни сиз севгига тўла бўлган хат ёзишга, ёки бўлмаса, сизнинг севгингизни Исога намоён этувчи шеърни ёзишга бағишлиянг.

## Келажакдаги тадқиқотлар

- Павлус Ҳаворийлар Фаолияти Китобида жамоатларга панд-насиҳат билан мурожаат қилган. “Энди биродарларим, сизларни Худонинг паноҳига ва Унинг иноятли каломига топшираман. Бу калом сизларни мустаҳкамлашга ва Худонинг бутун азизлари билан сизларга ҳам насиб этган мерос улушига сазовор қилишга қодирдир” (20:32).

- Римликларга Мактуб 15:1–6 да кучлилар куч-сизларнинг ожизлигига сабр-бардош қилишга даъват этилганлар.

• 1 Коринфликларга Мактуб 14:1–25 да Рухнинг инъомлари жамоатни мустаҳкамлашга берилганлиги тўғрисида гап кетади.

• 1 Салоникаликларга Мактубда айтилишича, бизга бир-биримизга ёрдам қилиш ва бир-биримизни қўллаб-қувватлаш амр этилган. “Шунинг учун ҳозир ҳам қилаётганингиздек, бундан кейин ҳам бир-бирингизга далда бериб, ёрдам қилинглар” (5:11).

## 27 — кун

# ҲАҚОРАТЛАНГАНЛАРГА МУКОФОТ

“Рұхнинг жамоатларга айтаётган гапларини қулоғи бор киши әшитсін. Ғолибға Худонинг жаннатидаги ҳаёт дараҳти мевасидан ейишни әхсон этаман. <...>

Рұхнинг жамоатларга айтаётган гапларини қулоғи бор киши әшитсін. Ғолиб келган иккінчи ўлимдан ҳеч бир зарап күрмайды. <...>

Рұхнинг жамоатларга айтаётган гапларини қулоғи бор киши әшитсін. Ғолиб сирли манна ва бир оқ тош бераман. Бу тошнинг устига янги бир исм ёзилғанки, уни тошни олган кишидан бошқа ҳеч ким билмайды. <...>

Ғолиб келган ва охиригача Менинг ишларимга әргашғанга халқлар устидан ҳукмронлик қилишни ато этаман. Бу иқтидорни Менға Отам ато қылған, Мен эса уни шогирдларимга ато этаман. У темир таёқ ила халқларға чўпонлик қиласи, улар эса соғоп идиш сингари синиб кетади. Унга тонг юлдузини ҳам ато қиласман. <...>

Кимки ғолиб келса, шундай оқ кийим кияди. Мен унинг номини ҳаёт китобидан ўчирмайман, Отам Худо ва Унинг фаришталари олдида унинг номини тан оламан. <...>

Ғолибни Мен Худойимнинг маъбадида устун қиласман, у бошқа у ердан чиқмайды. Унинг пеша-насига Худойимнинг номини, шунингдек, Худойим олдидан, осмондан тушадиган Худойимнинг шаҳри — янги Қуддуснинг номини ва Ўзимнинг янги номимни ҳам ёзаман. <...>

Ғолибга ўзим билан бирга тахтимда ўтиришни ато этаман. Чунки Мен ҳам голиб келиб, Отам билан бирга Унинг тахтида ўтирдим.”

Ваҳий 2:7, 11, 17, 26, 27; 3:5, 12, 21

Қавмбоши Унг Софал Пномпанда (Комбоджа) ва унинг ён-атрофидаги вилоятларда саккизта хонаки жамоатга асос солган. Бугун “Очиқ эшиклар” халқаро ташкилотининг миссионери Пол Эстабрукс Унг Софал хаётидан бир тарихни сўзлаб берди.

«1975 йили мамлакат қизил кхмерлар ҳукуматига ўтди. Шундан озгина олдин Софал олти юздан ошиқ масиҳийларга жамоат йиғилишида ваъз айтди.

Яқинлашиб келаётган хавфни сезган имонлилар шундай қарорга келишди: кимки уларнинг орасидан Пномпеньга қайтиб боришга имкон топгудек бўлса, албатта ўз исмларини жамоат биносининг орқа деворига ёзиб кўйишга аҳд килишди. Йилларўтди, бинонинг деворига фақатгина учтагина исмёзилди — Унгнинг исми ва қамоқхонадаги ўлимдан ғайритабии тарзда кочган шу жамоатнинг икки аъзосининг исми.

Геноцид даврида Унг билан рафиқаси учинчи — энг кенжаша ўғилдан ажralиб қолиши. Бир неча марта Унгнинг ҳаёти қил устида бўлди. Уни хотин ва болаларидан айириб олишди ва қишлоқ хўжалик ишларига юбориши. Шу оғир вақт мобайнида Унг нафақат олтмиш бешта одамни Масиҳга олиб келишни уddeлади, балки уларни сувда чўмдириб имонга киритди. Турлича вазиятларда ва ҳолатларда Худо ажойиб тарзда уни ўлимдан сақлаб қолар эди.

1979 йили Кампучияни (олдинги Камбоджани) вьетнамликлар босиб олишганда, Унг Софал Пномпеньга қайтиб келди. Эндиликда бу шарпалар шаҳри эди. Озгина масиҳийлар билан қавмбоши хонаки жамоатни яратди. Саккиз ой ичидай жамоати беш аъзодан олти юз аъзогача кўпайиб кетди.

Рождество байрамига у бир неча масиҳийларни, шу жумладан, фарbdаги хайрия ташкилотларининг аъзоларини таклиф килди.

Натижада “қонунга хилоф тарзда фаолият” юритгани учун уни икки ҳафтадан кейин қамаб қўйдилар ва уни ЦРУ

агентлари иштирокида сиёсий митинг ташкил этганликда айбладилар.

Уни узоқ сўроқ қилишар, аямасдан дўппослашарди. Сўроқлар хеч кандай натижа бермагандан кейин, унинг қўл ва оёқларини кишанлаб қўйишди ва беш ойга зиндонга ташлашиди. У ўттиз беш килограммга озиб кетди ва ниҳоятда дармонсизланди. Бироқ Раббий унга рўза тутишни ва уч кун гапирмасликни амр этганини у эшилди.

Рўзанинг сўнгги куни ҳукумат аъзолари уни ўляпти деб қўрқиб кетишиди ва зудлик билан қамоқхонанинг шифохонасига ўтказишиди. У ерда азоб чекаётган одамларнинг овози эшитилиб турарди. Бу одамларни электр токи билан қийнашар эди, камига уришарди ва тепишарди.

“Гарчанд мени уришмаса ҳам, қалбим изтиробда эди”, — дейди у “Лос Анджелес Таймс” редакциясидан келган репортёрга. — У ер дўзахнинг ўзи эди, бироқ Худо мени ҳимоя қилди”.

Масиҳий бўлган бир кубалик шифокор фойдали методни қўллаб Унг Софални даволади. Бир куни кечаси қаттиқ довул бўлди ва ҳамма ёқда чироқ ўчди. Шундан фойдаланиб Унг қочиб кетмоқчи бўлди, шифокор эса қочишда унга ёрдам берди.

Кейинроқ Унг хотини ва болалари билан Таиландга қўчиб ўтди ва у ерда ўн йил мобайнида Камбоджа қочоқларига хизмат қилди. Беш йил олдин Унгнинг хотини вафот этди. “Очиқ эшиклар” халқаро ташкилоти учун берилган репортажда ушбу воқеани Эндрю Уарк мана шундай якунлайди:

“1990 йили Камбоджада масиҳийларга нисбатан қувғинлар анчагина пасая бошлади ва Унг жамоатни қўллаб—кувватлаш ва ундаги хизматни йўлга қўйиш учун ўз она юртига қайтди. Унгнинг қайтиб келганлиги ҳақидаги хабар бир зумда ҳамма ёққа тарқалди ва у билан учрашиши учун уч юзтадан ошиқ одам келди. Бу учрашувга Камбоджанинг премьер-министри ҳам таклиф этилди. Қирқ дақиқа ичida бу қавмбоши вайронга бўлган мамлакатни яна кандай қилиб қайта тиклаш ҳақида ўз қараашлари билан ўртоқлашди, шу жумладан, ўқув юртларни, шифохоналарни ва етим болаларга меҳрибонлик уйларини қуришни у режалаштириди.

Унг яна хизматга тайёр.

“Мен ўз халқимнинг кўнглини кўтариб далда бермоқчиман, — деди у. — Камбоджада Худонинг ҳали қиласидиган иши жуда кўп”».

## Қўшимча муроҳазалар

Исо “Ўзини кутаётган шодлик учун шармандалики менсимай, хочазоб-уқубатига чидади” (Ибронийларга 12:2). Имонлилар билан ҳам худди шундай бўлади. “...Раббимиз ҳузуридаги шодлик — сиз учун мадад”, - Ноеминнинг сўзлари шундай (8:10).

Забур 50:14 да Худо нажотининг қувончи ҳақида айтилади: “Нажотинг ила мени қайта қувонтиргин, иродали рух ила мени мустаҳкамлагин”. Хўш, бу қандай қувонч экан? Бу — гуноҳ қуллигидан қутулиш қувончи. Бу — печлардаги дўзах оловидан бизнинг қутулишимиздир. Бу — бизни Худо билан бирлашишимиз натижасида юзага келган тинчликдир. Бу — бизга таклиф этилган хурсандчилик, Исо Масихнинг хизматкори, дўсти, биродари, синглиси, Келини бўлиш қувончидир.

Бу — ҳаёт дарахти мевасидан тановул қилиш, иккинчи бор ўлимда зарар кўрмаслиқ, оқ тошга ёзилган янги номга эга бўлиш, халқлар устидан ҳукмронлик қилиш, Исонинг тонг юлдузига эга бўлиш, ҳаёт китобига киритилган исмга поклиқда ва солиҳликда бўлиш, хавф-ҳатардан йироқда юриш ва Худога тегишли бўлиш, Худонинг шаҳрида яшаш ва У билан бир тахтда ўтириш демакдир.

Бизга ато этилган хурсандчилик — абадий ҳаётдан ўзга нарса эмас. “Абадий ҳаёт эса Сени — танҳо Ҳақ Худони ҳамда Сен юборган Исо Масихни таниб-билишдан иборатдир” (Юханно 17:3).

## Ақл учун озуқа

Футболист машаққатли тренировкаларга ва оғир машқларга мунтазам равишда қатнайди, у тренернинг

сўкишларига чидайди. У ўз мақсадига — голибликка эришиш учун ҳамма-ҳаммасига тоқат қиласди ва бутун дикқат-эътиборини тўлиқ шунга қаратади. Сиз хоҳланган нарсага эришиш учун ихтиёрий равишда, хурсандчилик билан қандай қурбонликлар келтирасиз? Худо Шоҳлигига киришингиз учун сиздан қандай қурбонликлар талаб этилади? Нажот топганингиздан кейин қурбон ва жабр-зулм масиҳий ҳаётида қандай вазифани бажаради?

## Келажакдаги тадқиқотлар

- “Ваҳий бўлмаса эл-юрт йўлдан озади, Худонинг Конунига риоя қилган баҳтлидир” — Ҳикматлар 29:18.
- Қувғинга учраганларнинг мукофоти буюк бўлади. “Мен туфайли одамлар сизни ҳақоратлаб қувғин этса, сиз ҳақда ёлғон гапириб фисқу гийбат қиласа, баҳтлисиз! Севининглар ва хурсанд бўлинглар, чунки сизга осмон мукофоти буюк. Сиздан аввал ўтган пайғамбарлар ҳам шундай қувғин бўлган” — Матто 5:11, 12.
- Исо ҳар кимни қилган ишига қараб тақдирлайди. “Инсон Ўғли Ўз Отасининг улуғворлигига, фариштлари билан келишида, ҳар кимни ўз қилмишига яраша тақдирлайди” — Матто 16:27.
- Колосаликларга Мактубда мукофот ҳақида бошқача ваъда берилади. “Қиладиган ҳар бир ишни инсонлар учун эмас, Раббингиз учун қилаётгандай, чин қалдан бажаринглар. Худодан абадий мукофот олишингизни ўйлаб, Эгангиз Масиҳга хизмат қилинглар” — Колосаликларга 3:23, 24.
- Мусо — ишонч-эътиқоднинг ажойиб намунасиdir. “Ишонмасдан эса Худонинг розилигини топмоқнинг имкони йўқ . Ким Худога яқинлашмоқчи бўлса, Унинг борлигига ишонмоғи лозим, Худо Уни изловчиларга мукофот беришига эътиқод қилмоғи шарт” — Ибронийларга 11:6.
- Сўнгги ва буюк ваъда Ваҳий Китобининг 22-боб, 12-оятида мужассам: “Мана, Мен тез келаман,

қаримтам Ўзим билан, ҳар кимга қилмишига яраша садо бергумдир”. Биз учун энг яхши мукофот — Исо Масиҳнинг Ўзидир.

## Амалий машғулотлар

Масиҳийликка душманлик муносабатида бўлган мамлакатлардан қувфинга учраган биродар ва сингилларимиздан фарқли ўлароқ, биз ҳеч қачон таъкибга учрамаганмиз деб айтсак ҳам бўлади. Буни яхшироқ англаш учун Муқаддас Китоб тўгараги машғулотлари дарсларини қоронғу, дим хонада ўтказинг. Сизларнинг ҳеч бирингизда Муқаддас Китоб йўқ. Қандайдир мусиқа асблолари тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас, проекторлар йўқ, жамоат мадҳиялари мажмуаси йўқ ва ҳаттоқи ёритқич чироқлар ҳам йўқ. Сиз биттадан ёки иккитаданга бўлинниб тўпланишингиз керак, бунинг устига ҳар тарафдан келишингиз лозим. Агар сиз гаплашсангиз ёки ҳамд-саноларни қуйласангиз, унда буни секингина, пичирлаб қилинг, токи сизларнинг овозларингизни эшишиб қолиб, жазолашмасин. Сизга тайинланган қавмбоши ҳеч қандай конспектларга мурожаат қилмай, фақат эслаб қолганини ёки ёдлаб олганини гапириши мумкин.

Бундай йиғилишлар соатлаб чўзилиши мумкин, чунки биродарлар кўпинча озодликда бўлмайдилар. Жамоат йиғилиши тугагандан кейин ҳам тўпланганингиз каби астагина, бирорга сездирмай биттадан ёки иккитаданга бўлинниб тарқалинглар. (Шунга ўхшаш тадбирни ташкил этар экансиз, сиз гурухингиз аъзоларининг баъзи-бирларига махфий полиция агентлари-нинг ролини топширишингиз мумкин. “Тревога” сигнали бўлганда, масиҳий гурух қандай ҳаракат қилиши мумкинлигини олдиндан келишиб олиши лозим.)

28 — кун

## УЛУҒ ОБРҮ-ЭЪТИБОР

“Муқаддас Рухга тўлган Стефан эса осмонга тикилиб караб, Худонинг улуғворлигини ва Худонинг ўнг томонида турган Йсони кўрди...”

Ҳаворийлар 7:55

Собиқ Совет Иттифоқида масиҳий адабиётларни тарқатгани учун Зинаида Вильчинскаяни қамоқقا олишди. Ўшанда у момо эди. Мана унинг ҳикояси:

«Мен биринчи бор милиция маҳкамасига тушганимда, мени темир каравотлари бор ниҳоятда заҳ камерага ташлаши. Соқчилар иссиқ пальто ва рўмолимни олиб қўйиши. Мен биргина қўйлагимда сим каравотга ётдим. Совуқдан аъзойи-баданим титраб, ибодат кила бошладим. Камерадошим ибодат қиласётганимни кўриб ёнимга келди ва тиз чўқди, сўнгра деди: “Вой, бошқа чидай олмайман. Мен ҳам музлаб қолдим”, — ва секингина йиғлашга тушди.

“Раббий, - деб илтижо қилдим мен, - агар Сен шу камера-да менинг ўлишимни лозим топсанг, Сенинг ироданг амалга ошсин; буни севги, сабр-тоқат ва беозорлик ила бошимдан кечиришимга ёрдам бер. Лекин Сен менга ёрдам беришинг мумкин. Агар Сен ихтиёр қилсанг, мени бу ердан олиб чиқишинг ҳам мумкин”.

Мен яна қайтиб сим каравотга ётдим, исий бошладим. Шунда ёнимдаги аёл маҳбусга мурожаат қилдим: “Кел, сени кучоклаб олай, ва сен ҳам исийсан”. Шу тарзда биз исидик. Кейин бизни бошқа-бошқа камераларга ўтказишидди ва ўша аёл камерадошларига шундай деб айтиби: “Бизнинг ка-

мерамизда Женя холани (улар мени шундай деб аташарди) Худо иситди, хола бўлса — мени”».

## Қўшимча мулоҳазалар

Забадий ўғли Ёқубнинг бошини олиб ташлашди — бу ҳаворийларнинг энг биринчи жафокаси эди. Ҳикоя қилинишича, Маттони ҳам бошидан жудо қилишган экан. Бутрус, Андрей, Яхудо ва Бартолмейни хочга тортишган. Фомани найзалар билан яралаб, ёниб турган пеҷда кўйдиришган экан.

Баъзи ҳикоялардан Худонинг ҳурматли хизматкорлари буюк жабр-зулмларни бошларидан кечиришгани ҳақида, азоб тортиб ўлишгани ҳақида билиб оламиз. Бошқаларида эса, масалан, Стефан ҳақидаги ҳикояда айтилишича, биродар ёки сингил оғриқни сезмас эканлар, агар уларга оғриқ етказилса ҳам, бу оғриққа чидаш мумкин.

Бизга бир нарса кафолатланган: бошқа дунёга биз ёлғиз кетмаймиз, ҳатто жабр-зулм чексак ҳам. бу — бизнинг маълум вактгача яширин бўлиб келган улкан устунлигимиздир.

“Эй Ёшуа, бир умр ҳеч ким сенга бас кела олмайди. Мусо билан бўлганимдай, сен билан ҳам бирга бўламан. Сени тарк этмайман, ҳеч қачон ташлаб кетмайман” (Ёшуа 1:5). Шундай ваъда бизга ҳам берилган.

“Мен сизларга буюрган ҳамма нарсага амал қилишни уларга ўргатинглар. Мана, Мен ҳар куни, дунёнинг охиригача сизлар билан бирга бўламан” (Матто 28:20).

Исо Масихга оғишмай эътиқод қилсангиз ва Унга тўхтамасдан боқсангиз ҳамма нарса хиралашади, сўнади ва аста—секин назардан йўқ бўлиб кетади. Ҳаворийлар азоб чекканларида хурсанд бўлардилар, уларнинг характеристика бизнигига қараганда қатъий ва жасур бўлганлиги учун эмас. Шунинг учунки, улар жабр-зулмга ва хўрликка катта аҳамият беришмаган ва аввалим бор ҳамма нарсани, шу жумладан, Исонинг азоб-

уқубатларини ҳам У билан баҳам кўришга интилишни шон-шараф деб билганлар.

## Ақл учун озуқа

Бизнинг азоб-уқубатларимиз пайтида Худонинг содиклигига яққол ишонч ҳосил қилиш мақсадида, агар биз осонликча исбот қилолсак эди, ёки ишониш учун тажриба ўтказа олсак эди, бу нақадар ажойиб бўлар эди! Ўшанда, агар Худо ёрдам бера олмагандা эди, биз озгина зарар кўрар эдик — қаттиқ оғриқларсиз, ножўя таъсиrlарсиз, қийинчиликларсиз. Аммо бундай тажрибаларни натижада мўъжиза, деб атаб бўлмайди. Павлус 2 Коринфликларда айтганидек, агар биз ҳақиқатдан ҳам эътиқод билан яшасак, унда азоб чекишимиз ҳам, ўлишимиз ҳам эътиқод билан амалга ошади. Бу ҳақда биз яхши кўрган мадҳияда ҳам айтилади: “Унинг кўлларини кўрмаганингизда, Унинг юрагига ишонинг”. То Раббий бизни Ўзига олмагунча, бизнинг У билан осмонда учрашишимиз бизга аниқ маълум бўлмайди. Худди шундай бўлишига эътиқод бизни ишонтириши даркор.

## Келажакдаги тадқиқотлар

- Раббийни барча чорлаганларга У яқин. “Худонинг мурожаат қиласиган, чин қалбдан мурожаат қиласиган ҳар бир инсонга У яқиндир” — Забур 144:18.
- Раббийга яқин бўлиш — ўзимизнинг қўлимиздадир. “Худога яқинлашинглар, шунда У сизларга яқинлашади...” — Ёкуб 4:8.
- Биз қаерда бўлмайлик ва бу ҳаётда биз билан нима юз берса ҳам, изтироблар вақтида биз Худонинг хотиржамлигига умид боғлашимиз мумкин.
- Ишаё Китобининг 43-боб, 2-ояти бизга сув ва оловдан кутқарилиш тўғрисида дарак беради, аммо биз шуни ҳам биламизки, кўплаб муқаддас авлиёларни эътиқоди учун сувда чўктиришарди ёки оловда

ёқишарди. У ҳолда бу ваъда бизга қандай имкон беради? Сув ҳам, олов ҳам Худонинг ҳозир нозирлигига ишончдан, Худонинг севгисидан бизни маҳрум эта олмайди ва ўлмас руҳимизга зиён етказа олмайди.

29 — кун

## ВАЪДА ҚИЛИНГАН ҚУВФИНЛАР

“Сен ҳамма нарсадан воқифдирсан, эй Эгам, мени эсла, ёрдам бер, мени қувғин қилганлардан ўч олгин. Ганимларга сабр-тоқат қилиб, мени ҳалок қилишларига йўл кўйма. Сени хўрлаганимни эсингдан чиқар”.

Ермиё 15:15

Чугуевка Сибирь посёлкасидаги рус масиҳийлар жамоати имонлиларининг гувоҳлик беришича, уларнинг зиммасига тушган кўплаб қийинчиликлар Инжил Хушхабарини тарқатиш иштиёқига нафақат путур етказмади, балки меҳнат қилиш истагини ҳам мустаҳкамлади:

«Аввалдан Худо оғир кунлар келиши ҳақида уларни огоҳлантирган, бу башорат уларга куч–кувватни ато этарди. Уларнинг ишончлари комил: Худонинг инояти уларга сўнгги муваффакиятни таъминлайди.

Чупинга (КГБ ходимларидан бири) ўхшаш одамларнинг таклифини қабул қилиш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган. Худога итоат қилиш давом этарди, Масиҳ Хушхабари тўғрисида гувоҳлик беришни ва Худо Каломини кенг ўрганишни ташлаб қўйишмади. Хушхабарчиларнинг бир нечта гурухи — уларнинг ихтиёрида икки автомобиль ва тўртта мотоцикл бор эди — ҳар ҳафта вазъ қилишга чиқишиар эди...

Чугуевкалик хушхабарчилар ўзларининг маслаклари билан бошқалардан ажралиб туришар эди. Узоқ йиллар давоми-

да ўз ҳолиша яшаган ва шу билан бирга ёлғизликдан нолиган масиҳийни учратгач, улар одатда шундай деб сўрашар эди: “Сиз хизмат қилаётган жойда бирор кимса сизнинг масиҳий эканлигингиздан хабардорми?”

Кўпинча уларнинг саволлари га салбий жавоб беришарди. Шунда хушхабарчилар куйидагича маслаҳат берардилар: “Иш жойингиздаги дўстларингизнинг бирортасига Масиҳ уларни севишини айтиб кўринг”, — қоидага кўра, бу одам хушхабарчилар билан бўладиган кейинги учрашувга, албатта, хизматдаги дўстини етаклаб келарди».

## Қўшимча муроҳазалар

Масиҳий эра кириб келишидан анча олдин Худо ҳаммани бир неча бор огоҳлантирган: Уни яхши кўрган барча одамларни иблис қувгин қиласди, чунки иблиснинг ўзи Уни ва Унга тегишли бўлган ҳамма нарсани ёмон кўради.

“Сендан мен паноҳ топдим, эй Худованди карим! — деб илтижо қиласди Довуд. — Ҳамма қасдимга тушгандардан кутқар, халос эт! Акс ҳолда, шердайин жоними ни тишлиб парчалар, чилпарчин бўлурман, халоскорим қолмасдан” (Забур 7:2, 3).

Ушбу сўзлар ажойиб тарзда милодгача 110 йилда яшаган Игнатнинг зорланишига ўхшаб кетади. Бундай сўзларни Игнат Траян императорининг майдонига — оч шерларга ем бўлишга олиб чиқилишдан олдин айтган эди: “Мен — Масиҳ буғдойининг бошофиман, токи мен Унинг хузурида тоза нон сифатида намоён бўлишим учун, ҳайвонлар мени гажиб ташлашди”.

Забурнинг 118-сано, 86-оятида Довуд пайғамбар бў-лажак Жамоат ҳақида каромат қилган: “Барча амрларинг ҳақдир Сенинг, ноҳақ изимга тушганларга қарши туриб, менга ёрдам юборгин”.

Худо ҳалқининг қувфингларга учраши Масиҳ келишидан юзлаб йиллар олдин башорат қилинган. Ҳозирги вақтда таъқиб ва қувгинлар ҳамон давом этаётганлигига ажабланмаслик керак. Қолаверса, уларнинг кучи борган сари ошмоқда.

## Ақл учун озуқа

Эътиқоди учун қувфинга учраганлар, азоб чекаётганлар ва қийналаётганлар ҳақида эшитганингизда, сизнинг ҳаёлингизга қандай фикрлар келади? Қачонлардир сиз ҳам шуларни бошингиздан ўтказишингиз мумкинлигини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Сиз ваҳимага тушасизми? Биродар ва сингилларингизга сизнинг раҳмингиз келадими ва уларнинг қархисида тиз чўкишга эҳтиёж сезасизми? Барча қўрқув ва шубҳа-гумонларингизни Раббийга ҳавола қилинг ва Худога содик бўлғанларнинг юрагини севгига, жасурликка ва тинчликка тўлдиришини ибодат килиб Ундан сўранг.

## Келажакдаги тадқиқотлар

- Қувфиларга қарамасдан, Худонинг марҳамати биз билан, токи биз ҳам доимо эътиқодда бўламиз. “Мени таъқиб қилаётган душманларим кўп, бироқ Сенинг шаҳодатингдан мен чиқмадим” — Забур 118:157.
- Худонинг Каломи қувфиларга қарши бизнинг юрагимизни мустаҳкамлайди. “Бетавфиқлар ўз домига тортди мени, vale Сенинг Қонунингни унутмадим” — Забур 118:61.
- Забурнинг 142-сано, 9-оятида қувфиларда ва азоб-укубатларда қандай қилиб омон қолиш учун До-вуд йўл кўрсатади. “Душманларимдан халос қилгин, эй Худованд! Мен Сенинг ҳузурингга югураман”.

30 — кун

## РАББИЙ ИСО

“Кул ўз хўжайинидан юқори бўлмас, деган сўзимни эсланглар. Агар Мени қувгин қилган бўлсалар, сизларни ҳам қувгин қиласилар. Агар Менинг сўзларимга риоя қилган бўлсалар, сизларнига ҳам риоя қиласилар”.

Юҳанно 15:20

Исонинг таъкидлашича, қувғинлар муқаррардир. Биз хавф-хатардан ва душманлардан қочиб қутуломаймиз, чунки биз Унинг хизматкорларимиз. Шундай бўлсада, Павлус ва кўплаб масиҳийлар сингари биз олдинга қарашимиз керак. “Биродарлар, мен ўзимни муродимга етишганман деб ўйламасам-да, факат бир нарсанигина ўйлайман: орқамда қолганларни унутиб, олдимдаги-ларга кўз тикаман. Худо Исо Масих орқали мени олий мақсадга чорлади. Мен буни адо этиб, ғалаба гулчамбарини кўлга киритиш учун жон-жаҳдим билан харакат қиласман” (Филиппиликларга 3:13,14).

Қавмбоши Иосиф Бондаренко, кўплаб бошқа имонлилар сингари, худди шундай интилишни ҳис этади. Бугун Пол Эстабрукс бизни Латвиянинг Рига шаҳридаги русча сўзлашадиган жамоат қавмбошиси билан таништиради:

«Қавмбоши Иосиф Бондаренко қуёш тушиб турган дарё пароходининг палубасида ўтирап эди. Пароход Тюмен портидан шимолга, дарёнинг қуий томонига қараб сузиб кетарди. Олтин куз фасли эди.

Аммо бу пароход Севги Кемаси эмасди. Эски ва кичкинагина дарё кемачасида бир юз элликта имонли саёхатга чикишди ёки кейин уни “салб юриш” деб ҳам номлашган.

Йўловчилар Шимолдаги шаҳарларда Инжил Хушхабари ёйилишига ёрдамлашмоқчи бўлдилар — олдин Инжилни ҳеч эшифтмаган жойларда Хушхабарга даъват этишини аҳд қилдилар.

Куёшнинг чиройидан ва Худонинг ижодидан завқланиб, Биродар Иосиф ёшлигидаги — 50 — 60- йиллардаги хизматини эслади. Хушхабарга фаол даъват этгани учун у уч маротаба турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм этилди. Жазо муддатларини жуда ёмон қамоқхона камераларида ўтади. Худо уни сақлади ва унинг хизмати узилиб қолишига йўл қўймади. Қамоқда юрган вақтларида Иосиф Масихга қанчадан қанча одамларни олиб келди, қамоқхона раҳбарияти ҳар сафар уни бўшатиб, кутулардилар.

Севимли хотини Мария билан кўришмай, қамоқхоналарда ҳаммаси бўлиб тўққиз йилни ўтказди.

1989 йилдаги ажойиб кунни эслаган Иосиф жилмайди. Уни қачонлардир қамоқقا ҳукм этган КГБ офицери у билан сухбатлашгани келибди.

Узок йиллар мобайнида у Иосифни кузатиб юрган, мана энди офицер Масихни билишни ихтиёр этибди.

Бу ходимни ва унинг оиласини сувга чўмдириб, имонга киритган кунни эслаган Иосифнинг юраги хурсандчиликдан гупиллаб уради. Худо ҳамма нарсага қодир.

Иосиф сўнгги йиллардаги Хушхабарларни даъват этишда кўплаб Россия кампанияларини эслади. Бу кампаниялар мобайнида “Очиқ эшиклар” халқаро ташкилоти 20 000дан ортиқ Муқаддас Китобни имонни янги қабул қилганларга ва Худонинг даъватига юракдан жавоб берганларга етказиб берди.

Хозирда, мусиқачилар, бошқа кўплаб воизлар ва ёрдамчи шогирдлар уни бирга кузатиб бораётган, Хушхабарга даъват этиш ҳамон давом этаётган бир пайтда унинг орзуси рўёбга чиқмоқда. Сўнгти ой давомида Иосиф асосий Сибирь дарёларининг ҳавzasида жойлашган йигирмата шаҳарда ваъз ўқиди..

Бир ой давомида, Иосифнинг “салб юриши” жараёнидаги ибодатларида ўн мингдан ошиқ одам иштирок этди. Улар гуноҳларига тавба қилишди ва бутун ҳаётларини Раббийга

багишилашди! Янада ҳайратда қолдирадиган ҳодиса шу эдик, шу вақт мобайнида ўн олтида масиҳий жамоат ташкил топди. Иосиф билан саёҳатга чиққан ёш хизматчилар шу жамоатларда ишлаш учун ва ташкил топган жамоатларни мустахкамлаш учун шу ерларда қолиб кетдилар.

Бир неча йил олдин бир миссионер колективи Латвиянинг Рига шаҳридаги Иосиф ташкил этган жамоатга ташриф буюришди. Улар туйнидан жамоатнинг энг асосий хонасига — “руҳий жанглар хонаси”га кириб келишди. Деворларда маҳаллий жамоатнинг расмли тарихи акс этиб турарди, миссионерлар саёҳатларининг ҳаритаси деворга ёпиширилган эди.

Иосиф рангли чизиқлар билан ёш миссионерларнинг ёздаги саёҳатлари пайтида Сибирда босиб ўтган йўлларини белгилар экан, у тўлқинланиб кетди: улар тобора шарқка караб узоқлашиб кетардилар. Аммо янада ҳаяжонли дақиқалар — пунктир чизиги билан кейинги ёздаги Хушхабарга даъват этиш маршрутини белгилаш эди. Ахир, энди улар Тинч океани соҳилларигача этиб борадилар!

Раббий сингари, Иосиф ўз ҳаётида кўплаб йўқотишларни ва азоб-уқубатларни бошидан ўтказди. Лекин Раббий каби, осмондаги фаришталар тавба қилаётган гуноҳкорни кўрганларидан канчалик хурсанд эканликларини билишдан ўзга ҳеч нарса Иосифга хузур-ҳаловат олиб келмасди».

## Қўшимча мулоҳазалар

Кул ёки крепостной ҳолатининг устунлигини биринки қилиб санашингиз биланоқ тугайди. Бироқ устунлик бор эди, улардан биттаси — бу ҳимояга ишониш. Агар хўжайн ёки феодал ўзининг ишчи кучига ўз шахсий мулкига қарагандай муносабатда бўлса, албатта ўз мулкини авайтайди ва ҳимоя қиласди. Зоро қуллар ва крепостнойлар унинг шахсий мулкидир.

Ёзувнинг кўплаб оятларида Худо бизни ҳимоя қилиши ҳақида айтилган.

“Мен аминманки, на ўлим ва на ҳаёт, на фаришталар ва на жин-ажиналар, на ҳозирги ва на келгуси ҳодисалар, на баландликлар ва на чуқурликлар ҳамда на яратилған бошқа бирон мавжудот Раббимиз Исо масиҳ шахсидаги Худо севгисидан бизни жудо қилишга қодир эмас” (Римликларга 8:38,39).

Бошқа томондан, бир ҳукмдор иккинчисига хужум қилганда, мағлубиятта учраган ҳукмдорнинг қуллари ўз хўжайинининг қисматига шерик бўлардилар. Хўжайн ёки феодал мағлубиятта учраганда, унинг қулларини асло аямас эдилар.

Биз билан ҳам худди шундай бўлади. Раббимизни нима қилган бўлсалар, бизни ҳам шундай қиладилар.

Лекин келинглар, “севининглар ва хурсанд бўлинглар, чунки сизга осмон мукофоти буюк. Сиздан аввал ўтган пайғамбарлар ҳам шундай қувғин бўлган” (Матто 5:12).

Зоро биз Худонинг Ўғлини маҳкам ва абадий тутганимизча, У билан бирга замондан ташқаридаги меросга эгамиз!

## Ақл учун озуқа

Шундай қилиб, ушбу китобни сўнгги қунигача ўқиб чиқиб, қандай хulosага келишимиз мумкин? Биз қувғинларга дуч келдик. Биз таъқибларга тик боқдик. Аммо улар, биз ўйлаганимизчалик даҳшатли эмаслиги аён бўлди. Қувғинлар — нормал масиҳий ҳаётининг ажралмас бир қисми эканлигини биз тушуниб етдик. Қолаверса, агар биз ҳақиқатдан ҳам *Масиҳда бўлсак*, қувғин ва таъқибларга учрашимиз муқаррардир деб, ҳисоблашимиз керак.

Қувғинларни хурсандчилик билан кутиб олиш мумкинлигини ва улардан қўрқмаслик кераклигини биз билиб олдик. Шубҳасиз, қувғинлар азоб *етказади*, аммо бу оғриқни Исо Масиҳ билан бирга бўлишдаги ажойиб хузур-ҳаловат билан солиштирилганда, бу ҳеч гап эмас. Энди келинг, қувғинга учраган Жамоатни

қўллаб-кувватлаш учун бизга раҳм-шафқат ато этишини Муқаддас Рухдан ибодат қилиб сўрайлик. Қувғинга учраган биродар ва сингилларимизнинг ёнини олишимиз учун Муқаддас Рух бизга ҳимоя қилиш руҳини ва Раббийнинг кучини ҳадя қилсин, токи биз Унинг севгисини ва хузур-ҳаловатини то У келгунига қадар, ҳеч кўрқмасдан овоза қилайлик.

“Омин! Кел, ё Раббимиз Исо!”

# Мундарижа

Муқаддима .....	4
Кириш .....	6
Бу кўлланмадан қандай фойдаланиш лозим? .....	11
1 — кун. Кувғинлар бошланади .....	14
2 — кун. Яхё пайғамбар .....	18
3 — кун. Яқинлар томонидан рад қилиниш .....	22
4 — кун. Ёмон кўрувчи шогирдлар .....	26
5 — кун. Бутрус билан Юҳанно .....	31
6 — кун. Таъқиблар лаззати .....	35
7 — кун. Имонлининг сиймоси .....	39
8 — кун. Худога шукур .....	43
9 — кун. Масиҳийларнинг жароҳатлари .....	48
10 — кун. Кўз илғамайдиган душман .....	52
11 — кун. Бахт-саодатли ишонч .....	56
12 — кун. «Қамоқда ётганимни эсдан чиқарманлар»	59
13 — кун. Матонатли бўлинглар .....	63
14 — кун. Ибодат килинглар .....	68
15 — кун. Раббий, Ўз чўпонларингни юбор!	72
16 — кун. У мени кутқарди .....	77
17 — кун. Ҳокимиятга бўйсунинглар .....	81
18 — кун. Кувғинларнинг самараси .....	84
19 — кун. Сабр-тоқатга даъват этилганлар .....	89
20 — кун. Сабр-тоқатнинг самараси .....	94
21 — кун. Ажратиб олинганлар .....	97
22 — кун. Сохта устозлар .....	101
23 — кун. Дажжол .....	106
24 — кун. Эҳтиёт бўлинг!	110
25 — кун. Нопок раҳнамолар .....	117
26 — кун. Имонингни ибрат қил!	121
27 — кун. Ҳақоратланганларга мукофот .....	125
28 — кун. Улуғ обрў-эътибор .....	131
29 — кун. Ваъда килинган кувғинлар .....	135
30 — кун. Раббий Исо .....	138